

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯ

Н. ФОЙИБОВ, Д. ЮСУБОВ,
А. МАВЛЯНОВ

НОТИКЛИК САНЪАТИ

Маъruzalар курси

Тошкент – 2012

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Тақризчилар:

Тошкент педиатрия-тиббиёт институти фалсафа кафедраси мудири,
фалсафа фанлари доктори **Х. Ф. Хайдаров**;

Тошкент темир йўл муҳандислари институти фалсафа ва
сиёsatшунослик кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори,
профессор **Ж. С. Раматов**

Ғойибов Н.

F–14 Нотиқлик санъати: Маъruzalар курси / Н. Ғойибов, Д. Юсубов, А. Мавлянов. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 98 б.

Маъruzalар курси ИИВ Академиясида нотиқлик санъати курси бўйича ишлаб чиқилган дастур асосида тайёрланган бўлиб, унда нотиқлик санъатининг мазмун-моҳияти ва унинг тарихий илдизлари, нотиқликнинг турлари, норма ва усуллари, шунингдек, ички ишлар раҳбар ходимларининг нотиқлик маҳорати бобидаги кўниkmавий тажрибасини янада бойитишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ масалалар акс эттирилган.

«Ички ишлар идораларининг бошқарув фаолияти» мутахассислиги бўйича ИИВ Академияси Олий академик курсларида таҳсил олаётган тингловчилар, амалиётдаги раҳбар кадрлар ва ушбу мавзуга қизиқсан барча китобхонлар учун мўлжалланган.

ББК 83.7я73

СЎЗБОШИ

Ҳозирги даврда дунёда содир бўлаётган зиддиятли ўзгаришлар ҳар бир миллат, ҳар бир халқ, қолаверса, ҳар бир давлат учун мураккаб синовлар даври бўлмоқда. Бундай синовлар даврида энг муҳими танланган мустақил тараққиёт йўлимиздан оғишмай событқадам боришдир. Шу ўринда айтиш мумкинки, мустақиллик туфайли биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олишга ва бу йўлда азалий қадриятларимизга суюнган ҳамда тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасида улкан ютуқларга ҳамда уларни халқаро ҳамжамият тан олишига эришдик. Республикамиз Президенти таъкидлаганидек, «ана шу ҳақиқатни халқимиз тўғри тушуниб, танлаган тараққиёт йўлимизни онгли равища қабул қилгани ва қўллаб-қувватлаётгани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда»¹.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффакияти, энг аввало, мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли, комил инсонлар сифатида тарбияланиб вояга етган ёш мутахассис кадрларга боғлиқдир².

Бу ўринда ўз фаолиятини инсон ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратган ички ишлар идоралари ходимларига ҳам катта масъулият юклатилади. Чунончи, ички ишлар идоралари раҳбар ходимлари теран фикрлилиги, қарорлар қабул қилишда қатъийлиги, муомала маданияти, сўзамоллиги, нотиқлик санъати сирасорларидан хабардорлиги, жамоатчилик олдида нутқ сўзлай олиши каби бир қатор хислатлари билан ажралиб туришлари лозим.

Нотиқлик санъати бўйича тайёрланган ушбу маърузалар курси ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилган бўлиб, унда нотиқлик санъатининг мазмун-моҳияти, тарихий илдизлари, турлари, норма ва усуллари, шунингдек, ички ишлар идоралари раҳбар ходимларининг нутқ сўзлашларида дуч келадиган муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечими каби масалалар акс этган.

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – Б.3.

² Ўша манба. – Б. 24, 61.

Маъruzалар курси муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган бўлиб, жумладан: «Нотиқнинг нутқ маданияти. Нутқнинг таъсирчанлигини ошириш усуллари» мавзуси – марҳум фалсафа фанлари доктори, профессор Ғойибов Н. Ё; «Нотиқлик санъатининг предмети, нормалари ва усуллари», «Европада нотиқлик санъати тарихи» мавзулари – фалсафа фанлар номзоди, доцент Д. А. Юсубов; «Сўзбоши», «Марказий Осиёда нотиқлик (воизлик) санъати», «Нотиқликнинг турлари, таркиби ва талаблари», «Нотиқликда билиш жараёни ҳамда психологик жиҳатларнинг ўзига хос ўрни», «Нутқнинг мантиқий асослари» мавзулари фалсафа фанлар номзоди, доцент А. А. Мавлянов томонидан ёзилган.

Мазкур маъruzалар курсини тайёрлашда соҳада эришилган илмий-амалий тажриба, Ўзбекистон ва хорижда чоп этилган адабиётлар ҳамда матбуот нашрларидан кенг фойдаланилди. Ушбу ишимиз ИИВ Академияси Олий академик курсларида «Нотиқлик санъати» курсини ўқитиш давомида тўпланган тажриба ва билимларни умумлаштиришнинг дастлабки натижаси бўлгани боис, унда айrim камчиликлар учраши табиий. Шу сабабли муаллифлар маъruzалар курси юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни миннатдорлик билан қабул қиласидилар.

1-мавзу. НОТИҚЛИК САНЬАТИНИНГ ПРЕДМЕТИ, НОРМАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Нотиқлик санъати фани ва унинг предмети.

Нотиқлик санъати ва унинг хусусиятлари.

Нотиқлик санъати назарияси ва амалиётининг ички ишлар идоралари раҳбар кадрлари фаолиятидаги аҳамияти.

1. Нотиқлик санъати фани ва унинг предмети

Нотиқлик санъати, аввало, нотиқнинг қобилияти ва истеъодини ривожлантиришга қаратилган билим соҳасидир. Бу санъат азалдан шахснинг ақлини чархлайди ва нутқий маҳоратини ривожлантириши билан жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Нотиқлик санъати ўқув фани сифатида барча олий таълим муассасаларида, жумладан, ИИВ тизимидағи раҳбар кадрлар тайёрлаш Олий академик курсларида ҳам ўқитиб келинмоқда.

Инсоният босиб ўтган ижтимоий тараққиёт йўлида нотиқлик санъати алоҳида аҳамиятга эга. Унинг илдизи узоқ тарихга бориб тақалади. Буни биз қадимги Шарқ маданияти ва санъатини ўрганиш давомида билиб оламиз. Қадимги Хитой, Миср, Ҳиндистон, Марказий Осиё давлатлари ҳудудида яратилган маданият, санъат, халқ оғзаки ижоди бойликларини дикқат билан ўрганиш ҳамда ўша даврлар учун тегишли тарихий қўллётмаларни таҳлил қилиш орқали маълумотлар тўплаш мумкин.

Нотиқлик, яъни гўзал ва чиройли сўзлаш санъатининг келиб чиқиши бевосита қадимги Юнонистон билан боғлиқ. Нотиқлик санъати худди назм ва наср сингари ижод қилиш мумкин бўлган соҳа ҳисобланган, ҳатто «санъатлар шоҳи» деб тан олинган. Нотиқлик санъати давлат ишларига, одамларнинг ақли ва ҳиссиётларига жуда қаттиқ таъсир этган. Қадимги греклар чиройли нутқ сўзлашни санъат деб баҳолаб, унинг моҳиятини тўғри кўрсатиб берганлар. Милоддан аввалги V асрда Юнонистонда омма олдида монологик (яккахон) нутқ сўзлаш маданияти шаклланган. Бу даврда нотиқнинг учта вазифаси ажратилган бўлиб, улар қўйидагилардан иборат: бирор нарсани тушунтириш, маълум бир тафаккурга, хулосага, айниқса ҳаракатга ундаш ва тингловчиларда маълум бир қониқиш ҳосил қилиш. Тингловчиларда муайян фикр, ҳиссиёт (масалан, адолатпарварлик,

ватанпарварлик) уйғотиш нотиқнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Инсон ҳаёти давомида жуда кўп нутқ ва маърузалар тинглайди. Улардан ўзлари учун зарур билим ва ахборот олишади. Бу, албатта, нотиқ ва унинг нутқига боғлиқ. Омма олдида нутқ сўзлаш – жуда мураккаб жараён. Шу боис одамларнинг 90% омма олдида чиқиб гапиришдан қўрқади. Масалан, Наполеон парламентда биринчи марта сўзга чиққанида ҳаяжон ва қўрқувдан йиқилиб тушган. Албатта, нутқ сўзловчини аввало тингловчиларнинг сони, аудиториянинг таркиби (кариндошлар, ҳамкаслар, бегоналар ва бошқ.), обрў-эътибори, нутқнинг оқибатлари қизиктириши табиий. Шу боис нотиқ нутқ сўзлаши учун олдиндан тайёргарлик кўриши, мавзуни белгилаши, режа тузиши, материалларни тўплаши, уларни жой-жойига қўйиши, амалиёт билан назарияни уйғунлаштириши, материалларни аввало ўзи англаб олиши ва кейинчалик фикрини тингловчиларга етказа олиши зарур бўлади.

Нотиқ бирор мавзу бўйича нутқ сўзлаётганида фалсафа, мантиқ, психология, эстетика ва тил қонунларига асосланиши лозим. Юқорида санаб ўтилган фанлар қонунларига мувофиқ сўзланган нутқ санъат даражасига кўтарилиши мумкин. Демак, **маълум бир мавзуда мантиқий ва тилга оид қонун-қоидаларга мувофиқ чиройли, асосланган, тушунарли ҳолда гапириш нотиқлик санъати дейилади.**

Нотиқлик санъати фалсафа, мантиқ, психология, эстетика ва тилшунослик таъсирида шаклланади.

Фалсафа ижтимоий онг шакли сифатида нотиқлик санъатидан фойдаланади, айни вақтда унинг ривожланишига ёрдам беради. Нотиқлик санъати ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, мафкуравий ва сиёсий қураш қуроли сифатида шаклланган. Фалсафа нотиқлик санъатининг вужудга келиш қонуниятларини ўрганади, нотиқлик санъатига мантиқ қонунларини ўрганиш орқали ёрдам беради, унинг функциялари ва объектив ривожланиш қонунларини англаш имконини беради.

Мантиқ нотиқлик санъатининг таркибини аниқлашга, уни таснифлашга, ҳиссий ва ақлий мувофиқликни, билиш ва фараз муносабати, атамаларнинг роли ва аҳамияти, методлар ва исботнинг ўрнини аниқлашга хизмат қиласди.

Психология нотиқлик санъати меҳнатининг хусусиятларини, ижодий жараённинг шакл ва даражаларини аниқлаш ҳамда

баҳолашда ёрдам беради. Нотик ушбу санъатга хос бўлган омиллар, яъни тасаввур ва илҳом, ўз-ўзини ҳис қилиш ва бошқариш, жонли нутқнинг хусусият ва шароитлари, нотиқнинг аудитория билан муносабатлари кабиларни билиши шарт.

Эстетика нотиқлик санъатининг бадий элементлари ва эстетик моҳиятини аниқлашга, унинг гўзаллигини нима ташкил қилишини билишга ҳамда нотиқлик санъатининг хусусиятларини бадий ижоднинг турлари билан қиёслашга имкон беради. Шунингдек, нотиқлик санъати кўпгина бошқа ижтимоий фанлар билан ҳам боғлиқ.

Нотиқлик санъати ўзига хос малака, оғзаки нутқ шаклларини эгаллашни талаб этади. Гўзал, чиройли нутқ сўзлаш учун жуда кўп меҳнат қилиш зарур.

Нотиқлик санъати ҳақида сўз юритар эканмиз, шу ўринда бир қанча саволлар туғилиши табиий. Хўш, нотиқлик санъатининг предмети нима? Унинг моҳиятини нима ташкил қиласди? Нутқ – жамиятда вужудга келган, ҳар бир кишига хос фикрни ифода қилиш воситасидир. Нутқда ҳар бир кишининг тафаккур юритиши акс этади. Нутқ маданияти нутқнинг адабий тил қоидаларига асосланган, муайян талаб ва усуулларига бўйсунган ҳолда намоён бўлади. Тилшунос олим Норқул Бекмирзаев таъкидлаганидек, «нотиқлик санъатининг предмети ҳали тузилмаган, чиройли сайқал билан тузилиши лозим бўлган сўз асаридир. Жозибали, теран сўз ва гапларнинг жонли нутқ орқали ифодаланиши нотиқлик санъатининг предмети саналади»¹.

Нотиқлик санъатида ўзлаштирилаётган материал (предмет) катта аҳамиятга эга ва у нотиқлик санъатининг моҳиятини ташкил қиласди. Нутқнинг мазмунини нотик томонидан йиғилган яратилган материал ташкил этади. Бу материал (маъруза) асосий бўлимнинг ютуқли қисмини ташкил этади.

Албатта, оммавий нутқнинг шакл ва мазмuni аниқ материаллар ва предметдан келиб чиқади. Шу нарса аниқки, фактik материаллар нутқнинг нафақат шаклига, балки мазмунига ҳам таъсир кўрсатади.

Нотиқлик санъатида қуйидагиларни фарқлаш ва ажратиш лозим: унинг предмети; мавзуси (проблематикаси); материали (ахбороти ва нотиқлик санъатининг аниқ мазмуни). Ҳар қандай гўзал

¹ Бекмирзаев Н. Нотиқлик асослари: Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – Б.9.

сўзлашнинг, нотиқлик санъатининг предмети ўз ҳажмига кўра мавзуга нисбатан кенг, материаллари эса ундан ҳам кенгдир.

Предмет – маърузачи баҳолайдиган, таърифлайдиган борлиқ ва ҳаётий ҳодисалар йигиндининг маълум бир томони, қирраси.

Материал – танланган предмет ҳақида у ёки бу тарзда асосли гапиришга имкон берувчи омил. Материал тарих ёки ҳозирги даврга тегишли умумлашмалар бўлиб, ижтимоий манфаатли хулосаларга, янги фикр ва тафаккурга олиб келади.

Мавзу маълум йўналишдаги ҳодисаларни акс эттириб, уни нотиқнинг ўзи шакллантиради. Нотиқ материални изчил баён этиб, унинг моҳияти ва аҳамиятини ёритиб беради. Нотиқлик санъатининг мазмуни асосан ҳар қандай нотиқнинг меҳнатидан келиб чиқади.

Дастлаб нотиқлик санъати тўғрисидаги назария **риторика** деб юритила бошланган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўз ибтиdosига кўра **риторика** – нотиқлик санъати бўлган бўлса, **диалектика** – эса баҳслашув санъати деб ҳисобланиб келинган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, гўзал ва жозибали нутқнинг мазмуни ҳозирги замон ва тарихнинг ижтимоий аҳамиятли ҳодисаларини ва ижтимоий-сиёсий, илмий-назарий, амалий ва бошқа вазифаларни оммавий чиқишда баён этишдир. Нотиқ маълум ҳодисалардаги янгиликлар ва янгича ёндашувларни мустақил равишда тушунтира олиши керак.

Умуман олганда, ҳар қандай нутқ, аввало, нимадир ҳақидаги ахборот, маълумотдир. Берилаётган маълумот, ахборот қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

а) тингловчилар талабларини қондирадиган етарли, аниқ, иложи борича кўп ва кўргазмали бўлиши;

б) тингловчиларга яхши таъсир этиш учун тизимли ва тартибли ҳолда нутқ сўзланаётган мавзуни кенгроқ очиб беришга қаратилган бўлиши;

в) ахборотлар маълум бир қимматга, яъни ўз предмети ва маъносига эга бўлиши.

Маълумотлар ҳар хил чиқишларда ўзига хос қимматга эга бўлади ва ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмайди. Қисқа қилиб айтганда, яхши маълумот ҳар қандай маъруза, сиёсий нутқ ва сухбатларнинг асосини ташкил этади. Жамият, гурӯҳ олдидаги жавобгарликни ҳис қилиш маълумотларнинг яхши ва қимматли бўлишига олиб келади. Бундай маълумотларга эга бўлиш

нотиқнинг кўрилаётган ҳодисаларни кенг ва чуқур кўра олиши, турли маълумотларни аниқ ва тиниқ таққослай олишни, зарур томонларни иккинчи даражали томонлардан ажратиб олишни, ҳеч нарса бера олмайдиган умумий сўзлардан ўзини саклай олишни, бир жойда қолиб кетишнинг олдини олишни таъминлайди.

Юқоридагилар шуни кўрсатадики, танланган, тизимлаштирилган ва ишланган маълумотлар биринчи даражали қимматга эга. Буларни муаллифнинг ўзи маълум бир мақсад асосида тартиблаштиради, тизимлаштиради. Шуни таъкидлаш жоизки, нутқда ахборот ҳам, ҳаётий маълумотлар ҳам таърифлаш, баҳолаш каби нотиқнинг чиқишида муҳим ўрин тутади. Чунки нотиқ фақат таништирувчи эмас, балки маърифатчи, тарбиячидир. Шу боис унинг бутун санъати билишга, у ёки бу ҳақиқатни тушунтиришга қаратилган бўлиши керак.

Оддий, маданий ва саводли гапиришни ўрганиш нотиқлик санъатини эгаллашга қўйилган биринчи қадам ҳисобланади. Янада олға кетиш учун эса, ёрқин, образли, равон гапиришни ўрганиш лозим. Бунинг учун нотиқ ўтмишдаги таниқли нотиқлар фаолиятини, нутқий услубини тинмай ўрганиши ва уларни ўз фаолиятида қўллай билиши, ҳаётга татбиқ эта олиши керак.

Нотиқлик санъати амалий жиҳатдан чиройли нутқ тузишнинг қонуниятлари, сирлари, тил нормалари, нутқнинг сифатлари, нутқий услубнинг нозик томонларини ҳис этиш ва нотиқ нутқида учраши мумкин бўлган нуқсонлар ва талаффузга доир муаммоларни ҳал этиш юзасидан баҳс юритади. Энг муҳими, ўз билими ва дунёқарашига суюнган ҳолда тўғри ва чиройли сўзлаш йўлларини ўргатади.

Шу ўринда нотиқлик санъати нормалари ва усуллари, ҳамда нотиқлик санъатининг хусусиятлари ҳақида ҳам тўхталишимиз зарур. Нотиқлик оғзаки нутқ санъати, ўз-ўзини тўғри чегаралай билиш санъатидир. Аниқлик ва қисқалик – оғзаки нутқнинг фазилати.

Турли темпераментли нотиқлар бўлади. Бирорларда вазминлик ва хотиржамлик устун турса, бошқалар ҳароратли ва жўшқин бўлади. Шунинг учун ҳам нутқ сўзлаганда ёки маъруза қилганда нотиқ темпераментига хос хусусиятини ҳисобга олиш лозим.

Чунки бир нотиққа маълум бўлган усул бошқасига тўғри келмаслиги мумкин.

Қадимги Юнонистонда нутқнинг лўнда, жозибадор бўлишига катта эътибор беришган. Греклар Менелей нутқи каби қисқа – лаконизм (фикрни қисқача, лўнда қилиб ифода этиш) усулидаги нутқни жуда яхши тинглаганлар ва ёқтирганлар.

Нотиқликда талаффузга ҳам катта эътибор бериш керак. Бу ҳақда римлик нотиқ Квинтилион шундай дейди: «Сен шундай гапирки, сендан ҳар бир киши тушунча олсин».

Фикрни қисқа, лўнда қилиб ифодалаш ҳозирги вақтда ҳам оғзаки ва ёзма нутқнинг муваффақияти ҳисобланади. Бу ҳақда А. П. Чехов: «Қисқалик – истеъдоднинг синглиси», – деганида тамоман ҳақ эди.

Нотиқлик санъатининг муваффақиятида нотиқнинг табиий қобилияти, таъсирчанлиги, ҳаётӣ идроки, чуқур сезгирилиги муҳим ўрин тутади. Лекин ҳамма вақт нотиқнинг туғма қобилиятигина эмас, балки биринчи навбатда унинг меҳнатини ҳам ҳисобга олиш лозим. Римлик машҳур нотиқ Цицерон: «Киши шоир бўлиб туғилади, нотиқ бўлиб етишади», деб бежиз таъкидламаган.

2. Нотиқлик санъати ва унинг хусусиятлари

Нотиқ шахсининг нотиқлик санъатини гўзал нутқ сўзлаш йўналиши ва кўриниши жиҳатдан таснифлаш мумкин. Ҳақиқатан, инсонларнинг гўзал нутқини ҳар хил соҳа ва кўринишларга ажратиш мумкин.

Гўзал нутқ бу инсон ҳаёт фаолиятининг маълум бир соҳаларида гоҳ ижтимоий, гоҳ сиёсий, гоҳ иқтисодий мавзуларда ўқилади. Уларнинг хилма-хиллиги бу мавзуларни таснифлаш учун имконият яратади.

Нутқнинг гўзал бўлиши бевосита нотиқнинг қайси йўналишда bemalol, эркин ва гўзал гапира олишига боғлик. Мана шу томонларни ҳисобга олган ҳолда тахминан қуйидаги чизмада акс эттирилган таснифни берамиз.

Гўзал сўзлаш тизими

а) Йўналиш (соҳа)	б) Турлари
1) ижтимоий-сиёсий гўзал сўзлаш	ижтимоий-сиёсий маъруза ҳисобот нутқи сиёсий митинг нутқи ташвиқот нутқи
2) академик (аудиторияда) гўзал сўзлаш	олий ўқув юртидаги маъруза илмий нутқ илмий маълумот
3) суддаги гўзал нутқ	прокурор ёки айловчининг нутқи оқловчи ёки ҳимоячи нутқи

Гўзал нутқ учун умумфалсафий ва хусусий методлар, жумладан, бадиий методлар ҳам биргаликда асос бўлиб хизмат қиласди. Нотик бу ҳолларда образлар, метафоралар, санъат асарларидан фойдаланади.

Бундан ташқари, нотикнинг қиёфаси, фикрлаш тарзи, гапириш усули, аудиторияни ҳис этиши ва ўз фикрлари билан ўртоқлаша олиши нутқнинг янада жозибалироқ бўлишига хизмат қиласди.

Шу ўринда нотиклик санъатининг стили (услуби) масаласига тўхталсак. Биз уни аниқ ва индивидуаллаштирилган шакл сифатида гўзал нутқни амалиётда қўллаш орқали тасаввур этамиз. Нотиклик услуби омма олдида чиқишнинг мазмунини ташкил этувчи мавзу билан боғлиқ ҳолда тарихий шаклланган тушунтириш манбаи ва сўзсиз психофизиологик усуллар сифатида таърифлаш мумкин. Нутқ услубида нотикнинг ижодий руҳи, эрудицияси, маънавий маданияти, малакаси, темпераменти, характери, ҳаттоки ўзини минбарда тутиши ҳам кўринади. Нотиклик услуби – бу нутқнинг шакли ва характери, сўзнинг талаффузи, жозибадорлиги, таъсирчанлигидир. Хуллас, услуг ҳақида гапирганда, аввало, маълум мазмунни етказишнинг таъсирчан ва муваффақият келтирадиган барча усуллари бирлигини тушуниш лозим.

Нотиклик санъатининг ўзига хослиги унинг услубида, яъни фикрнинг долзарблиги, уни етказишнинг шакли ва манерасига боғлиқ. Нутқ услуби фикрнинг йўналиши ва долзарблигини, шунингдек гўзал сўзлашнинг таъсирчанлигини, бойлигини қўрсатиб беради. Услуб нотик нутқининг мазмуни ва шаклига бир бутунлик

берган ҳолда уни ташкил этади, омма олдида чиқишига қувват, мустаҳкамлик ва қайтарилемаслик тусини беради. Нутқда услугуб – бу нотиқнинг ўзига хос ва таъсирчан қуроли.

Таъкидлаш жоизки, нотиқликка тегишли битта услугуб йўқ, бироқ бир усул атрофида гўзал нутқни ташкил қилишнинг ҳар хил услублари мавжуд. Нотиқлик услугуби усулдан кўра кўпроқ тушунтириб бериш шаклига, яъни хулоса ва исботлаш кўринишларига эга.

Гўзал нутқ сўзлашнинг хилма-хиллиги айнан нотиқлик санъатининг кўриниши ва йўналишларидан келиб чиқади. Бу ҳолни биз академик (илмий) нутқ ва мавзуларни тингловчилар аудиториясида ўқишида, митингдаги сўзланадиган нутқда ёки адвокатнинг суд жараёнидаги сўзлаш услубида, юбилейдаги сўзлаш кабиларда кўришимиз мумкин. Гўзал нутқ сўзлашнинг кўринишлари ишланиб бориши натижасида у ёки бу нотиқлик санъати ҳам шаклланиб боради.

Гўзал нутқ сўзлашда, аввало, нотиқ шахсининг такрорланмаслиги ва маълум маънода ўзига хос субъектлиги кўзга ташланади. Гўзал нутқ сўзлашда нотиқнинг маданияти, маънавий бойлиги, маҳсус билимларга эга эканлиги, тўплаган ҳаётӣ малакаси ва нотиқлик соҳасидаги маҳорати муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, унинг истеъоди ва қобилияти ҳам аҳамиятга эга.

Нотиқлик санъатини ўрганиш орқали гўзал нутқ сўзлашнинг уч услубини фарқлаш мумкин. Биринчиси – ўзининг ташқи кўринишидан босиқ ва қатъий мантиқийликка асосланган кўриниш. Ушбу услугуб берилаётган маълумотларнинг асосланганлиги ва исботланганлиги билан ажralиб туради. Бундай услугуб ижодкорлари ва тарафдорлари ўз фикрлаш қобилиятлари ва гўзал нутқи билан тингловчиларни ўзига жалб этадилар, худди шу ҳолда уларнинг ҳиссий имкониятлари иккинчи даражали бўлиб қолади.

Нотиқлик услубининг иккинчисига эмоционал-ҳиссий ва темпераментли услубни киритамиз. Унда нотиқнинг субъектив томони яққол кўриниб, гўзал сўзлашнинг муҳим элементини ташкил этади. Нотиқликнинг бундай кўриниши фақат мантиқий категориялар, ҳукмлар, далиллар ва исботларга суюниб қолмай, балки ўз тингловчиларини ҳиссий-эмоционал қабул қилишга ҳам асосланади.

Бундай нотиқ ўз нутқига тингловчиларни қизиқтиришга интилади, шу билан бирга, айрим ҳолларда уларни қизиқарли фикрлар билан хурсанд қилиш ва кулдиришга ҳам интилади. Шу

боис бундай нотиқлик услубида юксак ҳаётій малака, кучли билим, турли маълумотларга эга бўлиш, шунингдек сўз бойлиги талаб этилади. Мазкур услубнинг характерли томони шундаки, бу фикрни тиниқ етказа олиш, айrim ҳолларда ўхшатишлардан усталик билан фойдаланиш, нутқнинг тушунарли даражада бўлишидир.

Нотиқлик услубининг учинчи кўринишини ўрта ёки иккала услубнинг синтетик бирлиги асосидаги услуг деб ҳам юритиш мумкин. Бунда юқорида кўрсатиб ўтилган иккала услубнинг маълум характерли белгилари гўзал сўзлашда ишлатилади, яъни босиқ ва қатъий мантиқийликка асосланган, берилаётган маълумотларнинг асосланганлиги ва исботланганлиги билан ажралиб турадиган ҳамда эмоционал-ҳиссий ва темпераментли бўлиши каби жиҳатлари.

Албатта, бу икки услуг томонидаги чегара ҳам нисбий. Бу услубларни фарқлаш ҳам қийин, биринчи услуг академик нутқ сўзлаганда, иккинчиси эса ижтимоий-сиёсий соҳадаги нотиқлик санъатида кўпроқ қўлланилади. Нотиқлик услубининг шаклланиши маълум бир сўзлар йиғиндисидан ва психофизиологик ҳодисалардан ташкил топиб, уни ташвиқотчи, адвокат, лектор ўз нутқини ички ишлар идоралари ходимлари онгига етказиш учун ишлатади. Шуни ҳисобга олиш керакки, услуг нотиқлик санъатининг барча шакл ва элементларини қамраб олади.

Нотиқлик услуби – бу, энг аввало, стилистика, яъни сўзни яхши эгаллаганлик, талаффузни усталик билан ташкил қилиш бўлиб, у тушунтириб берилаётган материални етарли даражада етказиб беришни кўрсатади. Шунингдек, нотиқлик услуби – бу нутқнинг ижодий, тушунарли ва таъсирчан бўлишини таъминлашда фойдаланиладиган воситадир.

Услуб – нотиқнинг ўзига хос индивидуаллиги бўлиб, унинг нутқ ёрқинлигини ва ўзига хос индивидуал таъсирчанлигини кўрсатади.

Агар ташвиқотчи (агитатор) ва нотиқнинг тили ҳақида гапирилса бевосита унинг индивидуал ўзига хос томонлари, яъни нотиқнинг овози ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Аниқроқ айтганда, гўзал нутқ сўзлаш услубига нутқнинг интонацияси, сўзларга психологик кечинмаларни бера билиши киради. Лекин бу ерда овозни сунъий моделлаштириш, яъни бир овоз баландлигидан иккинчи тонга бесабаб ўтишлардан қочиш керак.

Нотиқлик услуби – бу ҳиссий тил: имо-ишора ва мимика, эмоционал нутқ, аниқ фикрлар уйғунлиги. Ҳиссий тил – бу гўзал сўзлашнинг муҳим услуби.

Хуллас, гўзал сўзлашнинг муҳим материали ва асоси – тил. Шу боис нотиқнинг тили равон бўлиши ҳамда у узлуксиз гапира олиши лозим. Нутқнинг узлуксизлиги – бу ҳар қандай мавзуда узоқ, чексиз гапира олиш қобилияти. Нутқнинг узлуксизлиги баъзан режани ёддан чиқарган пайтларда, баъзан эса тайёргарликсиз (экспромт усулда) гапиргандага зарур бўлади. Нутқ сўзлаётганда кераксиз узилиш (пауза) бўлиши – ёмон ҳолат. Бундай ҳолларда нотиқ ҳаяжонланмасдан ўз нутқини давом эттириши лозим.

Нутқ тузишнинг уч асосий тамойили:

1) классик тарҳи (схемаси) – кириш, асосий қисм, холоса. Кириш ва холосанинг ҳажми асосий қисмнинг 1/3 қисмидан ошмаслиги лозим;

2) мақсадга интилиш. Ҳар қандай нутқ умумий ва аниқ мақсадга эга бўлади.

Умумий мақсадларга: ишонтириш, ҳаракатга ундаш, маълумот бериш, қизиқтириш, илҳомлантириш, таассурот қолдириш киради;

3) изчиллик.

Нутқ сўзлашда, албатта, асосий фикр (тезис) бўлиши ва бутун чиқиши унга қаратилиши керак. Шунингдек, аудитория билан доимо алоқа ўрнатиш лозим. Нотаниш аудиторияда нотиқ ва тингловчи ўртасида тингловчига таъсир қилишга ҳалақит берадиган «расмийлик», ишончсизлик девори бўлади. Бу деворни йўқ қилиш учун нотиқ қуидаги воситаларга эга бўлиши керак:

– чин кўнгиллик (бу нотиқнинг табассумида ифодаланиши мумкин);

- ишончли оҳанг;
- табиийлик;
- эркин ҳаракат.

Нотиқ нутқи тингловчининг диққатини тортиши учун:

биринчидан, мазмунли бўлиши;

иккинчидан, паузага эга бўлиши (айниқса бошида). Пауза асосий фикргача ва ундан кейин бўлиши керак (масалан, Гитлер 10 минутгача пауза қилган);

учинчидан, ҳиссий, эмоционал бўлиши;

тўртинчидан, унда қизиқарли факт, ҳикоя, эртак, латифалар (аниқлик ким? қачон? қаерда?) бўлиши;

бешинчидан, тингловчиларга саволлар бериш (инсон саволни эшигтан пайтида хаёлан унга жавоб беради). Қисман маълумотни тингловчиларга диалог шаклида етказиш, монолог эса тингловчилар дикқатини сўндиради. Саволни тўғри қўя билиш керак;

олтинчидан, қизиқтира олиш – қизиқарли фикрни ваъда қилиш («Энди мен сизларга қизиқарли воқеани айтиб бераман»). Бундай усулни кўп қўллаш мумкин эмас;

еттинчидан, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш (олдиндан тайёрланган тақдимот, мультимедиа, доска).

Таянч тушунчаларга ургу бериш керак. Улар одатда баланд ёки паст товушда, пауза билан талаффуз қилинади.

Нотиқнинг сўз бойлиги катта бўлиши керак, зеро қанчалик сўз бойлиги кўп бўлса нутқ шунчалик ифодали бўлади. Масалан, Шекспир – 41000 сўздан, Пушкин – 27000 сўздан фойдаланган, оддий одам 4-5 минг сўздан фойдаланади. Бизнинг сўз захирамиз ўзгариб туради, агар улардан кам фойдаланилса, у муомаладан чиқиб кетиши мумкин.

Авторитетларга суюниш. Кўпинча одамлар авторитетларга кўр-кўона ишонадилар. Аслида эса, маҳсус адабиётларга суюниш, статистик материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда нотиқ нутқ жараёнида авторитетларга суюниши, яъни нутқда авторитетларнинг фикрларидан фойдаланиши ёки асарларидан муайян мисоллар келтириши мумкин.

Маълумки, ҳар бир шахс ўзига хос такрорланмасдир. Нотиқ ҳақида сўз кетганида, аввало: «Нотиқнинг ўзи ким?», «У қандай лавозимда?», «Омма, халқ ўртасида унинг ўрни, обрўси қандай?» каби қатор саволлар туғилади. Чунки нотиқ ўзининг маълум илгариги хатти-харакатлари билан омма, грух олдида обрўга эга ёки обрўсизланган бўлиши мумкин. Шу боис нотиқ шахс сифатида омма олдида чиқиш қилишдан олдин ўзига ўзи баҳо бера олиши керак.

Нотиқ шахси омма қабул қилган вақтида ҳар томонлама баҳоланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, унинг қилган ишлари, ташқи кўриниши, хатти-харакати, нутқининг бойлиги, овозининг баланд-пастлиги, сўзга чечанлиги, сўзлардан усталик билан фойдалана олиши кабилар унга шахс сифатида бериладиган баҳони ташкил этади.

3. Нотиқлик санъати назарияси ва амалиётининг ички ишлар идоралари раҳбар кадрлари фаолиятидаги аҳамияти

Ҳозирги даврда мамлакатимиз ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ислоҳотлар соҳа ходимларидан ўз устида қунт билан ишлашни талаб қилмоқда. Чунки улар, айниқса, раҳбар кадрлар доимо аҳоли билан ишлайдилар. Бунда, албатта раҳбар кадрлардан юқори масъулият талаб қилинади. Раҳбар ўз қўл остидагилар билан ишлаш, улар билан сұхбатлашиш, уларга вазифалар қўйиш, уларни назорат қилишда ўз нутқига нисбатан жуда талабчан бўлиши, ҳар бир сўзини пухта ўйлаб, тўғри, мазмунли, тушунарли қилиб ифодалashi керак. У ўз қўл остидагилардан талаб қилиши учун ўзи олдин унга тушунарли қилиб гапириши лозим. Бу, албатта, олдига қўйилган вазифани бажаришда катта роль ўйнайди. Раҳбар бўлгани боис қўл остидагилар унинг ҳар бир сўзига дикқат қилишади. Бу эса раҳбардан нотиқлик санъатини чуқур ўзлаштиришни талаб қиласди. Бунинг учун у кўпроқ бадиий китоблар ўқиши, она тили грамматикаси ва мантиқни чуқур билиши зарур. Бундан ташқари, халқаро майдондаги ва мамлакатимиздаги янгиликлардан хабардор бўлиб туриши керак.

Ички ишлар идоралари ходимлари амалдаги қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ИИВнинг буйруқларини нафақат яхши билишлари, балки амалда ундан фойдалана олишлари ҳам керак.

Ички ишлар ходими ўз нутқида илмий атамалардан унумли фойдаланиши, шунингдек, нутқ жараёнида уларнинг талаффузига эътибор бериб, албатта, маъносини тушуниши зарур. Агар илмий атаманинг маъносига тушунмаса, ундан фойдаланмагани маъқул.

Ички ишлар ходимларининг нафақат ташқи кўриниши, балки нутқи ҳам гўзал бўлиши лозим, чунки нутқ орқали одамнинг яхши-ёмон хислатларини билиб олиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш жоизки, нотиқлик санъати санъат тури сифатида бошқа санъат турлари сингари воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни сўзлар воситасида акс эттириб, уларнинг бадиий образини яратади. Шунингдек, нотиқлик – тилни ўрганишга боғлиқ бўлган фанлар ва эстетиканинг қонун-қоидаларидан келиб чиқсан ҳолда фикрни ифодалашдир.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. «Нотиқлик санъати», «нутқ маданияти», «оммавий чиқиши», «омма олдида чиқиши» ибораларининг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи нимада ифодаланади?
2. Нотиқлик санъати шаклланишининг ижтимоий-сиёсий асосларини айтиб беринг.
3. Нотиқлик санъати шаклланишининг қайси манбаларини биласиз?
4. Нотиқлик санъатининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси нимада намоён бўлади?
5. Нотиқлик санъатининг мақсад ва вазифаларини санаб беринг.
6. Юридик нутққа хос хусусиятлар нималарда кўринади?
7. Нотиқлик санъати курсининг обьекти ва предмети, улар ўртасидаги алоқадорлик ва фарқни айтиб беринг.
8. Нутқ сўзлаш маҳоратининг норма ва талаблари нималардан иборат?
9. Нотиқлик санъати курсининг қайси усулларини биласиз?
10. Фикрни баён этишда аниқлик ва изчилилликка амал қиласлиларга қандай хатоликларга олиб келади?
11. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида нотиқлик санъатининг норма, усул ва умумий талабларини билишнинг аҳамияти нимада?

2-мавзу. ЕВРОПАДА НОТИҚЛИК САНЬЯТИ ТАРИХИ

Европада нотиқлик санъатининг пайдо бўлиши, унинг тарихий-маданий шарт-шароитлари.

Антик давр нотиқлари.

1. Европада нотиқлик санъатининг пайдо бўлиши, унинг тарихий-маданий шарт-шароитлари

Нотиқлик санъати тарихи билан танишиш ва уни ўрганиш тингловчиларнинг ўтмишдаги таниқли нотиқлар тажрибасидан самарали фойдаланишларига йўл очиши билан бирга, ўзларининг ҳам нотиқлик маҳоратини оширишларига ёрдам беради.

Ўтмишдаги машҳур нотиқларнинг тажрибасини ўрганаётганда қуидагиларга эътибор бериш лозим:

– нотиқлик санъати ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида намоён бўлади. Нотиқликнинг ижтимоий-сиёсий, судга оид, академик ёки илмий, дипломатик, ҳарбий, маросим ва урф-одатларга оид турлари мавжуд;

– нотиқлик ижтимоий-тарихий ҳодисадир. Ҳар бир давр ўз нотифини минбарга чиқаради, ҳар бир нотиқ давр билан боғлиқ ҳолда етишиб чиқади;

– нотиқлик санъатида умумий қонуниятлар ҳам намоён бўлади. Нотиқ аудитория билан мустаҳкам алоқада бўлганда, унинг нутқи халқнинг ўйлари ва ишларини ифода этгандагина муваффакиятга эриша олади. Нотиқнинг нутқи субъектив фазилатлари билан-гина эмас, балки нутқ сўзлаётган объектив шарт-шароитлари билан ҳам белгиланади. Маданий савия, масалани чуқур билиш ва нутқ сўзлаш малакалари нотиқнинг муваффакиятларини белгилайди.

Умуман, нотиқлик санъати тарихини, йирик нотиқлар иш услубини, тажрибасини ўрганиш нотиқларга тақлид қилиш эмас, балки ҳар бир ўрганувчи, бошловчи нотиқ учун ўз нутқий услуби, ўз нотиқлик санъатига йўл очади.

Қадим замонлардан буён жамоат олдида сўзга чиқиб, одамларга ўз фикрини тушунтириш, уларнинг онгига таъсир этиб, ўз ортидан эргаштириш, бирор воқеа ёки ҳодиса ҳақида гапирганда ишонтириш

ва исботлашга интилиш, инсонлар орасидан сўзамол нотиқларнинг чиқишига зарурат туғдирган ҳамда нотиқлик санъатининг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Бунинг учун эса, аввало, маълум ижтимоий шароит ва муҳит зоҳир бўлиши лозим эди. Сўз эркинлиги ана шундай шароитлардан ҳисобланади. Юноистонда демократиянинг қарор топиши натижасида халқ йиғинларида, сенат кенгашларида, давлат ишларида мамлакатнинг ҳар бир озод кишиси эркин нутқ сўзлаш ҳуқуқига эга бўлган.

Қадимги Греция нотиқлик санъатининг ватани ҳисобланади. Эпос, лирика, драма, мусиқа, меъморчилик сингари нотиқлик ҳам бадиий ижод тури ҳисобланган, ҳаттоқи «санъатлар маликаси» деб ҳам юритилган. «Санъатлар маликаси» инсонлар ҳиссиёти ва ақлига, шундан келиб чиқсан ҳолда давлат ишларига ҳам кучли таъсир қилган.

Греклар нотиқликни санъат дейиш билан бирга унга аниқ мазмун ҳам беришган. Милоддан аввалги V асрда Юноистонда нотиқлик санъати шаклланган, шунингдек, унинг турлари ва анъаналари вужудга келган. Бир нарса сўзсиз эътироф этилган: нотиқликнинг вазифаси – тушунтириш (ниманидир), ундаш (тафаккур юритишга, ҳаракат қилишга) ва тингловчиларда қоникиш ҳосил қилиш.

Тингловчиларда ўзига хос ва дадил фикрлар орқали яхши ҳистойғуларни (яъни, яхшилик ва адолат, фуқаролик бурчи ва ватанпарварликка йўғрилган фикрларни) шакллантириш нотиқнинг муҳим вазифасидир.

Милоддан аввалги V асрда нотиқлик ва унинг назарияси ривожланиш чўққисига эришган. Шу боис бу даврда таникли нотиқлар етишиб чиқсан. Нотиқлик санъатининг ривожланишига Солоннинг машҳур қонунлари туртки бўлган. Масалан, ҳар бир афиналик фуқаро ўз қизиқишлирини суд жараёнида ҳимоя қила олиши зарурлиги айтилган. Аммо, табиийки, кўпчилик ўзининг қизиқишлирини суд жараёнида ҳимоя қила олмаган. Шу сабабли логографлар, яъни суд жараёнидаги нутқни тузувчилар пайдо бўлган. Бу, албатта, нотиқлик санъати нима учун дастлаб Афинада пайдо бўлди деган саволга қисман жавобдир. Бу даврда подшо Солон томонидан Афинада қулдорлар демократик тузуми ўрнатилган. Мансабдор шахсларни сайлаш жараёнида баҳс олиб бориш, давлат ишларини муҳокама қилиш имконияти оммавий чиқиш маданиятини ривожлантирган.

Милоддан аввалги V аср охирларида Пелопоннес уруши туфайли вужудга келган инқироз натижасида мамлакатдаги ҳукмрон синфлар ўртасида кураш кучайиб кетди. Бунда асосий баҳс мавзуи мамлакатнинг тақдири эди. Бу даврдаги фалсафий фикрлар ривожи ҳам нотиқлик санъати тараққиётига туртки берди. Бундай шароитда нотиқлик ижтимоий ҳаётнинг асосий омилига айланди. Шунинг учун Грециядаги, кейинчалик Римдаги нотиқларнинг кўпчилиги сиёсий арбоблар, Греция жамоа мажлисининг аъзолари, Рим сенатининг аъзолари ёки ҳарбий қўмондонлар бўлган.

Сицилия ороли риториканинг асл ватани ҳисобланади. У жойларда V аср ўрталарига келиб демократиянинг йўлга қўйилиши нотиқлик тараққиёти учун омил бўлди. Қадимги юононлар сицилиялик Корак ҳамда Тисийни риториканинг асосчилари деб тан олганлар. Афсуски, уларнинг фаолияти ҳақида бизгача деярли ҳеч қандай манба етиб келмаган. Шу билан бирга, илмий мулоқотда юон мутафаккири Горгий нотиқлик санъати пайдо бўлишига катта ҳисса қўшган олим деб тан олинади.

А. Алимуҳамедовнинг маълумотига кўра: «Горгий 427 йилда ўз шаҳри Леотина учун ҳарбий ёрдам сўраб маҳсус элчи сифатида Афинага келади ва халқ орасида сўзлаган нутқи билан Афина ёшларида жуда кучли таассурот қолдиради»¹. Шундан кейин кўп ўтмай Горгий бутунлай Афинага кўчиб келади ва шу ерда риторика мактабини очади.

Нотиқлик санъати ривожига черков ҳам таъсир қилган, айниқса христиан руҳонийларининг даъватлари натижасида буюк черков нотиқлари, масалан, Иоан Златоуст (407 йил вафот этган), Фома Аквинский (1225–1274) ва бошқалар юзага келган. Шу ўринда айтиш жоизки, черков риторикаси Европа ва бошқа қитъаларда бутун ўрта асрлар давомида тўла ҳукмронлик қилган.

Жамиятда инсонпарварлик, эркинлик, адолат, тенглик, демократия ғояларининг кенг тарғиб қилиниши натижасида парламентаризм тизими (феодал жамияти ўрнига буржуа жамияти) вужудга келди. Бу жараён нотиқлик санъатининг ривожланишига таъсир қилди. Жумладан, бу даврда Жан Поль Марат (1743–1783), Робеспьер (1758–1794) каби нотиқлар етишиб чиқдилар. Кейинчалик эса Сигизмунд Брокгейм, Джон Рассел, Роберт Блюм, Август Бебель (1840–1913), Вильгельм Либкнехт (1826–1800), Вильгельм Вольф

¹ Антик адабиёт тарихи. –Т., 1969. – Б.44.

(1809–1864), Иоан Георг Эккариус (1818–1889) ва бошқалар пайдо бўлди.

Умуман, нотиқлик ҳақидаги таълимот узоқ ўтмишга эга. У, аввало, қадимги Рим ва Афинада шаклланган бўлса-да, унгача Миср, Оссурия, Вавилон ва Ҳиндистон каби давлатларда пайдо бўлганлиги тарихдан маълум. У замонларда давлат арбобларининг обрў-эътибори ва юқори лавозимларга кўтарилиши бевосита уларнинг нотиқлик маҳоратига ҳам боғлиқ бўлган.

2. Антик давр нотиқлари

Антик давр нотиқларидан бири Лисий тахминан милоддан аввалги 459 – 380 йилларда яшаб ижод этган. Унинг отаси Афина ҳукмдори Периклнинг таклифига кўра шу шаҳарга келиб, доимий яшаб қолади, аммо Афина фуқаролигини ололмайди. Пелопоннес урушида афиналиклар енгиладилар, натижада демократия тарафдорларидан саналган Лисийнинг акаси қатл этилади, ўзи эса қочиб қутулади. 403 йилда демократия қайта тиклангач, Лисий яна Афинага келади ва логографлик билан шуғулланади. Тарихчиларнинг айтишларича, Лисий бутун ижоди давомида 300 га яқин нутқ ёзган. Шундан 34 та суд нутқи бизгача сақланиб қолган.

Лисий логографлик қилиб юрган даврларида аввал унга иши тушиб келган одамларнинг дунёқарashi, руҳияти ва табиатини чукур ўрганиб, кейин уларга ўз қўлларидан ва тилларидан ёзгандай қилиб нутқ ёзиб берган. Лисий санъатининг асосий сири шундаки, у нутқ ёзишга киришар экан, бир мақсадни кўзлайди, у ҳам бўлса, судда гапираётган киши ҳақида суд ҳайъат аъзоларида яхши таассурот қолдириш, сўзловчининг ҳар бир гап-сўзи самимий эканига уларни ишонтиришдир. Лисий ёзган нутқларнинг барчасида сўзловчининг табиатига хос гаплар ўрин олган. Лисий услугуга хос латофат ҳам нутқ тилининг содда, аниқ ва фикрнинг лўндалигига кўринади. Лисийга қадар ва ундан кейин ўтган логографлар ёзган нутқларида бор кучни нутқнинг кириш ва хулоса қисмига бериб, асосий ҳикоя қилиб берилувчи баёнот қисмига кўп ҳам эътибор қаратмаганлар.

Лисий томонидан ёзилган ҳар бир нутқ суд минбаридан туриб гапираётган ҳукуқшуноснинг сафсата гаплари эмас, балки моҳир нотиқ қаламига мансуб бир асар сифатида аҳамиятлидир.

Нотиқлик санъати ривожланишига катта ҳисса қўшган олимлардан яна бири Платондир (427–347). Платон диалоглари ўзига хос

фалсафий драмалар бўлиб, улар жуда кўп образлар билан бойитилган, мазмунан чуқур, шаклан эса жуда силлиқдир. Мантиқий изчил ва нозик қочиримларга бой диалоглар тингловчини ўзига ром қиласди. Платон нотиқлик санъатини баҳслашув усуллари билан янада бойитди ва мантиқан кучайтирди. Платоннинг нотиқлик санъатига бағишиланган асосий асари «Тэатет»дир. Унда асосий ўринни донишмандлик эгаллайди. Платон донишмандликни жуда ҳурмат қилган ва оламни донишмандларсиз тасаввур қила олмаган. Шу боис у донишмандликни софизм, яъни сўзи билан кучли, баҳсларда чиниккан шахслар дея таърифлайди. Платон қуруқ сўзни ёмон кўрган, айниқса пул учун баҳслашадиганларни қаттиқ танқид қилган. Унинг фикрича, жиддий масалаларда ҳазилга, алдовга ўрин бўлмаслиги керак. Нотиқлик бирон мақсадга қаратилиши, соф, ҳақиқий бўлиши керак. У одамларни лол қолдириб, уларни нутқ қулига айлантириши лозим. У нотиқни шифокорга тенглаштирган, яъни шифокор беморнинг ахволини дори-дармон билан ўзгартиrsa, софист – фикрлар билан ўзгартиради. Платоннинг «Софист», «Горгий» асарлари ҳам нотиқлик санъатига бағишиланган. Бу асаларда нотиқликка билим ва тарбия, донишмандлик ва эзгуликни шакллантириш воситаси сифатида қарайди.

Нотиқлик санъатини ривожлантиришда Демосфеннинг ҳам ўрни катта. Демосфен милоддан аввалги 384–322 йилларда яшаб ижод этган. У нотиқлар мактабининг йўлбошчиси, мохир воиз, демократик тузум ҳимоячиси, зиёли ватанпарварлар вакилидир.

Демосфеннинг нутқлари фактик материалларга жуда бой бўлган, чунки у ўз кузатишлари асосида кўпгина нутқларни тузган. У ҳар қандай шароитда аудиторияни ўзини охиригача эшитишга мажбур қила олган. Демосфеннинг суддаги нутқлари яхши бўлмаса-да, лекин сиёсий нутқлари, айниқса Македония подшоҳи Филипп II га қарши нутқлари жуда қизиқарли бўлган. У ўз чиқишиларида доимо машхур афиналикларни эслаган ва хотирлашга чақирган. Дадил, ватанпарварлик руҳидаги чиқишилари афиналикларни қаҳрамонликка ун DAGАН ва уларнинг маънавий ҳаётида чуқур из қолдирган. У афиналиклар билан бевосита мулоқотга киришган, ўзига нисбатан ҳеч бир луқмани жавобсиз қолдирмаган. Ўз рақибларининг чиқишиларини тез ва самарали рад этган. Масалан, «Илтимос шовқин кўтарманглар, инсонларга ўхшаб эшитинглар», – деб мурожаат қилган йиғилгандарга. Демосфен тингловчиларни нутқда ифодаланаётган муаммолар тўғрисида тафаккур юритишга мажбурлаш мақсадида афи-

налик фуқароларга тез-тез мурожаат қилган; уларга саволлар берган ва саволларнинг баъзилариға тезда ўзи жавоб берган, баъзиларини эса тингловчилар жавоб беришлари учун жавобсиз қолдирган; шунингдек, нутқида баъзан Еврепид, Софокл шеърларидан парчалар келтирган. Унинг яхши кўрган нотиқлик усулларидан бири тингловчилар хоҳишидан келиб чиқсан ҳолда ўз чиқишлигини тайёрлаш ва уларни муайян ҳаракатларга ундаш бўлган (масалан, «яхши» ва «аъло» деб баҳо бериб турган), баъзан ундов саволлар ҳам ишлатган (масалан, «Бундай бўлишини ким ҳам ўйлаганди!?»).

Демосфенниң қасамёдлари, Худога мурожаатлари афинаиклар қалбида чуқур из қолдирган. Масалан: «Зевс номи билан қасам ичаман», «Сизларга фақат ҳақиқатни гапираман деб Худога қасам ичаман» ва бошқалар. Давлат аҳамиятидаги тадбирларда, хусусан, «Херсонес иши тўғрисида»ги нутқида у ўзини энг олдинги сафларда бўлиш истагини худо номи билан сўрашдан бошлаган. Баъзан аудиторияни ҳам Зевс номи билан қасам ичишга чақирган.

Демосфен нутқлари асосланган, ифодасига кўра аниқ, гаплар қисқа, суръат текис ва майин, гоҳ баланд, гоҳ паст бўлган. Киёслашлар Демосфен нутқларини янада кучайтирган. Демосфен нутқларининг муваффакияти унинг ҳаракатлари, интонацияси, тингловчилар қалбига қаратилган нигоҳи билан боғлиқ бўлган.

Демосфен нотиқликни сиёsatдан ва ижтимоий қизиқишлардан ташқарида тасаввур қила олмаган. Ўзининг нотиқлик санъатига сиёсий, моҳиятан ватанпарварлик фаолиятининг қуроли сифатида қараган. У сафсафата нутқларни танқид қилган. Унинг фикрича, нотиқнинг нутқи ва амалий фаолияти ўртасида тафовут бўлмаслиги зарур, ёлғон нутқлар давлат учун жуда заарли, ҳар қандай нутқ нотиқнинг фуқаролик ғуурига мувофиқ бўлиши лозим. Демосфен нотиқликни сиёсий фаолият билан уйғунлаштиришга интилган.

Нотиқлик санъати намояндаларидан яна бири юонон мутафаккири Аристотелдир (мил. авв. 384–322). У «Органон», «Риторика», «Поэтика» каби асарлари билан нотиқлик санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшган. Аристотель ўзининг «Риторика» асарида қўйидаги уч масалани, яъни тил, нутқ таркиби ва услубни таҳлил қиласди. Унинг фикрича, нутқда аниқлик бўлмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу сабабли нотиқлик санъати ютуғининг асосий шарти ҳам унинг аниқ ва тушунарли бўлишидадир. Шунингдек, у нутқ услубини ёзма ва оғзаки нутқ услубига ажратади.

Бириңчиси ўзининг аниқлиги, ифодаси билан ажралса, иккинчиси эса жонлилиги, артистизми билан ажралиб туради.

Аристотелнинг таъкидлашича, нутқ сўзлаганда овоз жуда паст ҳам, баланд ҳам бўлмаслиги, балки нутқ мавзуига мувофиқ келиши зарур. Услубнинг асосини тўғри гапириш ташкил қиласди. Бу эса сўзларни тўғри жойлаштириш, тавсифланаётган предметни аниқ ифодалаш, икки маъноли сўзларни ишлатмаслик, шунингдек, сўзларнинг бирлик ва кўплик шаклларини мувофиқлаштиришни тақозо қиласди.

Нотиқнинг услуби ўзига хос маромга эга бўлиши керак. У нутқда топишмоқ, эпитет, қиёслашлардан кенг фойдаланиши мумкин. Лекин тингловчилар дикқатини қаратаман деб бирданига барча усууллардан фойдаланиш керак эмас, чунки нутқда меъёрни билиш, уни бузмасликка интилиш керак. Бу нутқда олижаноблик омиларидан бири ҳисобланади.

Аристотель нутқ услубини мураккаблаштиришга қарши чиқсан, чунки мураккаб сўзлар, кераксиз ифодалар ва ноўрин эпитетларни ишлатиш нутқни мураккаблаштиради. Нотиқнинг нутқ услуби эмоционал, рухни кўтарувчи бўлиши керак. Бундай услугуб оммани назорат остида тута олади.

Марк Туллий Цицерон (мил. авв. 106–43ий.) римлик машхур нотиқлардан бири бўлиб, у Рим яқинидаги Арпина шахрида бадавлат оилада дунёга келади. Унинг болалик йиллари Арпина шахридаги отасига қарашли ерларда ўтади. Отаси фарзандига яхши таълимтарбия бериш мақсадида Римга кўчиб ўтади. Цицерон у ерда юонон мураббийлари қўлида таҳсил олади. Юнонистоннинг машхур сўз усталари Лисий, Лициний, Красс ва Марк Антоний каби нотиқлардан сўз санъатининг нозик сир-асрорларини ўрганади, уларнинг ажойиб нутқларини тинглайди.

Бўлажак нотиқ фалсафа билан ҳам шуғулланади. Лекин уни кўпроқ нотиқлик санъати қизиқтиради. Цицерон нотиқларнинг турли мимика ва ҳаракатлар билан сўзлаётганини кўриб, нотиқ бўлиш учун актёrlикдан ҳам хабардор бўлиш керак экан, деган холосага келади. Шу боис Эзоп ва Россий каби ўз даврининг машхур актёrlаридан сабоқ олади.

Цицерон узоқ тайёргарликдан сўнг, 25 ёшида илк бор ҳалқ олдида нутқ сўзлашга журъат этади. У аввал фуқаролик, сўнгра жиноий иш жараёни бўйича нутқ сўзлайди. Бироқ унинг бу нутқига давлат раҳбарлари қарши чиқадилар. Шундан сўнг у нотиқлик

санъати ва фалсафадан мукаммал билим олиш мақсадида замонасининг буюк нотиқларидан ҳисобланган Антонио Аскalonскийдан таълим олади. Сўнгра машхур сўз усталаридан нотиқлик санъати сир-асрорларини ўрганиш мақсадида Кичик Осиёning бир қанча шаҳарларини кезиб чиқади. У анча вақт нутқ сўзлашда янги усуллар қидиради. Цицерон ўз замонасининг кўпчилик сўз усталари сингари ўз фаолиятининг ilk даврларида ёк нутқида услубнинг чиройлилиги, ибораларининг жонлилиги, жумлаларнинг нағислилиги катта эътибор беради.

Цицерон Осиёга саёҳат қилиб, нотиқлик санъатининг сирларини ўрганиб юрган вақтида Рим ҳукмдори Сулл вафот этади. Шундан сўнг ёш нотиқ Римга қайтиб келади ва 31 ёшидан бошлаб давлат ишларида иштирок этади. Цицерон консуллик лавозимига сайлангач, бутун нотиқлик маҳоратини сиёсий нутқларга бағишлийди. У суддаги нутқларида ўзи яратган услубдан фойдаланиб, рақибларини таслим қилди. Рим ҳукмдори вафот этгач, унинг рақиблари Цицерондан қасос олишга ва уни Римдан бадарға қилиш тўғрисида қонун чиқаришга ҳаракат қилишади. Душманлари қасос олиши муқаррар эканлилиги ишонган мутафаккир Юнонистонга жўнаб кетади. Кўп йиллик машаққатли меҳнати самараси сифатида, унинг уч китобдан иборат «Нотиқлар ҳақида» номли асари дунёга келади.

Цицероннинг фикрича, нотиқ шунчаки суд ишларининг барча қонун-қоидаларини яхши биладиган эмас, балки давлат ишларини чуқур тушунадиган, халқ дардига ҳамдард бўла оладиган давлат арбоби бўлмоғи керак. Шунинг учун нотиқлик санъатига қизиққан ҳар бир киши фақат риторикага оид билимлар билан чекланмасдан, балки турли фанларни ўқиб ўрганмоғи даркор. Қолаверса, нотиқ одамларнинг турли-туман характерларини сезмаса, инсон табиатидаги умумий хусусиятларни билмаса, ҳеч қачон мақсадига эриша олмаслигини таъкидлайди.

Цицерон ўзининг «Брут», «Нотиқ» номли асарларида Рим нотиқлик санъати тарихи ҳақида батафсил фикр юритиб, Аттикачиларнинг (Ўрта Юнонистон жануби шарқидаги дengiz ичкарисига анча ёриб кирган ярим орол Аттика деб аталади) назарияларига қарши мулоҳазалар билдиради. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай нотиқнинг асосий мақсади тингловчининг завқини уйғотиш ва уларни ўзига жалб қилишдан иборат. Нотиқ шароитга қараб мавжуд услубларнинг ҳаммасидан баравар фойдаланиши керак. Цицерон бу фикрни давом эттириб, «кимки жўн нарсалар ҳақида оддийгина,

кундалик воқеалар ҳақида ўрта даражада, улуғ ҳодисалар ҳақида эса завқ-шавқ билан гапирса, шу одам сўз санъатининг чинакам устаси бўлади» – дейди. Цицерон сўзларнинг оҳангдорлиги, талаффуз этиш, грамматика қоидаларига катта эътибор бериш каби нотиқлик санъатининг муҳим масалаларини ҳам ўз асарларида тўла ифода этган. Тингловчини толиктириб қўймаслик учун нутқ давомида кўтаринки рухни берувчи усулни бир парда пасайтириб, нутқ мавзуига алоқадор шахс бўлса, уларнинг гоҳ салбий, гоҳ ижобий тавсифини бериш, илгари ўтган машҳур зотлар ҳақида бирор латифани эслатиб ўтиш, лозим бўлганда айрим ҳаётий манзаралар ва фожиали воқеаларни эслаш, ўрнига қараб бирор ҳикматли сўз, мақол ва қочириқ гаплар келтириш – Цицероннинг севимли усулларидан бўлган.

Цицерон Демосфенни юонон нотиқларининг йўлбошчиси сифатида билиб, ўз даврининг нотиқларини ундан ўрганишга чақирган. Шу билан бирга, Цицерон шу даврдаги машҳур римлик актёрлардан ҳам ўрганган. У ўз чиқишиларида актёрлик усулларидан самарали фойдаланган.

Римда Цезарь вафотидан сўнг давлатни унинг набираси Октавиан бошқаради. У ўз давлатини мустаҳкамлаш мақсадида Цицероннинг Сенатдаги мавқеи ва обрўсидан фойдаланмоқчи бўлади. Бироқ Цицерон Октавианга ишонмайди. Цицероннинг душманлари янги ҳукмдорни ўзларига оғдириб олгач, ундан буюк нотиқни қатл этишни талаб қиласидилар. Шундай қилиб, сўз санъатининг моҳир устаси шафқатсиз жазога ҳукм этилади. Олдин унинг ўнг қўли қирқиб ташланади, сўнгра боши танасидан жудо қилинади. Цицеронни бутун инсоният олдида улуғлаб, обрўсини оширган нарса унинг ажойиб нутқлари, яъни «Архиянинг ҳимоясига бағишлиланган нутқ», «Верресга қарши нутқ», «Планкнинг ҳимоясига бағишлиланган нутқ», «Клюенцийнинг ҳимоясига бағишлиланган нутқ», «Квинт Лигарийнинг ҳимоясига бағишлиланган нутқ», «Секст Росцийнинг ҳимоясига бағишлиланган нутқ», «Шоҳ Дейотарнинг ҳимоясига бағишлиланган нутқ» кабилардир.

Шунингдек, Цицероннинг хатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар: «Марк Брутга хати», «Аттикага хати», «Квинтга хати», яқинларига хати ва бошқалардир.

Хуллас, юқорида келтирилган нотиқлик санъатининг вужудга келишидаги тарихий, маданий шарт-шароитлар ва антик даврда

яшаб ижод этган машхур нотиқларнинг нотиқлик санъатига доир қонун-қоидалари, талаблари, усуллари, сирлари тўғрисидаги қарашларини чуқур билиш бўлғуси ИИИ раҳбар ходимлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Нотиқлик санъати пайдо бўлишининг тарихий-маданий шартшароитлари нимада ифодаланган?
2. Антик даврда суд ишлари учун нутқлар тайёрловчи мутахассисларни кимлар деб аташган?
3. Нотиқлик санъати ва риторика ўртасида қандай фарқ мавжуд?
4. Қадимги юнонлар риториканинг асосчилари сифатида кимларни тан олишади?
5. Дастрслаб нотиқлик санъати қандай шаклларда намоён бўлган?
6. Юнонистондаги суд нотиқлигининг хусусиятлари нимада кўринади?
7. Рим нотиқлигида нутқ композициясининг тузилишига қандай ўрин берилган?
8. Лисий қандай касб эгаси ва ўз ижоди давомида қанча нутқлар ёзган?
9. Демосфеннинг нотиқлик сирлари нимада?
10. Аристотелнинг нотиқлик сир-асрорларига бағишлиланган асари қандай номланади?
11. Аристотель нотиқлик санъатини эгаллашни неча қисмга бўлиб ўрганган ва уларнинг мазмуни нимадан иборат?
12. Цицероннинг нотиқлик санъати тарихи ҳақида ёзган асарларини айтиб беринг.

З-мавзу. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА НОТИҚЛИК (ВОИЗЛИК) САНЬЯТИ

Марказий Осиёда воизлик санъати пайдо бўлишининг илк шаклари.

Марказий Осиёда ўрта асрлар воизлик санъати ривожланиши ва уни ўрганишининг ички ишлар идоралари ходимлари фаолияти учун аҳамияти.

1. Марказий Осиёда воизлик санъати пайдо бўлишининг илк шакллари

Марказий Осиёда нотиқлик санъатининг тарихий илдизлари ва ғоявий манбалари милоддан аввалги VII асрга бориб тақалади. Бу ўринда «Алп Эр Тўнға» достони, муқаддас китоб «Авесто», Ўрхун ва Энасой битиклари каби ёзма ёдгорликларни Марказий Осиёда нотиқлик санъати шаклланишининг илк манбалари сифатида кўрсатса бўлади.

Милоддан аввалги VII асрларда яратилган халқимизнинг қадимий маданий мероси саналмиш соф туркий тилда битилган «Алп Эр Тўнға» достони халқ оғзаки ижодининг илк ифодаси сифатида ўзининг бой мероси билан нотиқлик санъатига, бадиий сўз санъатининг равнақига катта ҳисса қўшди. Достонда Марказий Осиё халқларининг тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти, тили, урф-одатлари билан бирга Турон давлати шаклланишига асос солган буюк ҳоқон Алп Эр Тўнғанинг баҳодирлиги, садоқатли ёр, адолатпарвар подшоҳ эканлиги моҳирона мадҳ этилишида бадиий ижод намуналарини кўришимиз мумкин. Масалан, достонда ҳикоя қилинишича, Алп Эр Тўнғани Эрон шоҳи Кайхусрав зиёфат пайтида заҳар қўшилган май бериб ўлдиради. Ўлими муқаррарлигини сезган Алп Эр Тўнға садоқатли ёрини эслайди ва яқин одамларидан илтижо қиласди:

Туркон хотун ҳузурига
Мендан еткур видо қўшиғин
Айтгин: менга қилган хизматни
Қилас тобуғчи энди унга...

Турон маликаси севикли Алп ёрини эслаб мусибат чекади:

Кетди кўзимнинг нури
Кетди танамнинг руҳи
Қайдан топай севганим
Қолди чеки йўқ қайғу¹...

Ушбу қисқа шеърий мисралар орқали ҳам халқ бадий ижодиётининг нечоғлик бой анъаналарга эга эканлигига иқорор бўлишимиз мумкин. Шунингдек, муқаддас китоб «Авесто»да ҳам нотиқлик санъатининг дурдоналарига дуч келамиз. Демак, юқорида номлари келтирилган қадимий ёзма ёдгорликлар аслида нотиқлик санъатининг узоқ тарихга эгалигидан далолат беради.

Мовароуннахрда ваъзхонлик санъатининг даражаси бевосита тингловчининг онги ва ҳис-туйғусига таъсир этиш маҳорати билан боғлиқ. «Ваъз» арабча сўз бўлиб, тарғиб қилиш, панд-насиҳат деган маъноларни англатган. «Воиз» сўзи эса ваъз айтувчи, нутқ сўзловчи шахс маъносини билдирган.

Марказий Осиёда IX асрдагача воизлик вазифасини шоҳ ва халифалар бажарганлар. Улар жума кунлари, ҳайит ва бошқа байрамларда жамоани йиғиб, давлат сиёсати, фуқароларнинг мажбурият ва бурчлари (жумладан, итоаткорлик, қонунларга риоя қилиш), қўшни мамлакатлардаги вазият, душманларнинг кирдикорлари, мудофаа масалалари каби мавзуларда ваъз қилганлар.

IX асрдан бошлаб давлат ҳукмдорлари бу тадбирни ўз ихтиёрларидағи маҳсус сўз усталариға юклаб, уларни воизлар деб атай бошлаганлар. «Воиз» сўзи ҳатто уларнинг исм-шарифларига қўшиб айтилган ва ёзилган.

Марказий Осиё воизлик санъати хазинасига даставвал Баҳовуддин Валад (XII аср), Жалолиддин Румий (XIII аср), Ҳусайн Кошифий, Муин воиз (XV аср) каби сўз усталари ғоят катта ҳисса қўшганлар. XII асрдан бошлаб воизлик санъати назарияси ва амалиётини талқин ва тавсиф этадиган кўплаб илмий, тарихий, услубий рисолалар ёзилган. Булар қаторига Муҳаммад Рафиқ Воизнинг «Авбоб ул-жинон», Воиз Казвенийнинг «Зилолу мақол», Воиз Ширвонийнинг «Аҳсан ул-аҳодис», Муҳаммад Воизнинг «Ҳидоят ул-тақвим», Курайш Сайдийнинг «Анис ул-воизин», Воиз Самарқандийнинг «Равозат ул-воизин», Қози Ўшийнинг «Мифтоҳ ул-нажжих», Воиз

¹ Бекмирзаев Н. Нотиқлик асослари: Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – Б.39.

Кошифийнинг «Дах мажлис», «Маҳзан ул-иншо» каби асарлари киради. Шунингдек, тарихчи, шоир, муҳаддисларнинг асарларида ҳам воизлик санъатига оид баъзи фикрлар баён этилган. Чунончи, тарихнавис Али Яздийнинг «Зафарномаси»да; Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Мантиқ ут-тайр», «Маҳбуб ул-қулуб», «Хамса», «Чор девон» асарларида; Зайнуддин Восифийнинг (XV аср) «Бадое ул-вақое»; Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» рисоласида атоқли воизларнинг маҳорати, истеъоди, ваъзхонлик услублари ҳақида мулоҳазалар юритилган.

Тарихчиларнинг шоҳидлик беришларича, соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Захириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек каби давлат арбоблари воизлик санъатини пухта эгаллаганлар ва ўз фаолиятларида ундан моҳирона фойдаланганлар.

Воизлик санъати асосан уч шаклда: *дабирлик*, *хатиблиқ*, *музаккирик*дан иборат бўлган. Булардан *биринчиси*, давлат мақомидаги ёзишмаларни ёзма баён этиш ва қироат билан ўқиб бериш; *иккинчиси*, жума кунлари пешин намози олдидан хутба ўқиш; *учинчиси*, жума кунларидаги, ҳайит ва бошқа тантанали кунлардаги анжуманларда хатибдан кейин диний, ахлоқий, ҳуқуқий масалаларни шарҳлаб беришдан иборатдир. Кейинчалик, буларга республикамизда кенг тарқалган амри маъруфлар ҳам қўшилган. Ҳозирда уларни асосан имом-хатиб, имом-ноиблар, гоҳо мударрислар ўтказмоқдалар. Умуман, воизлик санъатига диний таълимот соҳиблари ҳамиша катта эътибор билан қараганлар ва бу анъана ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Воизлик санъати тингловчи ва воизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеи ҳамда бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуидагиларга ажратилган: *султониёт* – юқори табақа аъёнлар ва зодагонлар учун мўлжалланган; *жиҳодия* – жанггоҳ иштирокчилари учун мўлжалланган; *гарибона* – оддий фуқаролар учун мўлжалланган.

Султониётда – ҳукмдорлар шаънига ҳамду санолар айтилган, улар кўкларга кўтариб мақталган, яъни шахсга сифиниш, хушмадгўйлик, лаганбардорлик ўз ифодасини топган; *жиҳодия* – жанговарлик, яловбардорлик, ботирлик, қаҳрамонлик, жасурлик, фидойилик, ватанпарварлик улуғланган, барча жиҳодга (муқаддас урушга) чақирилган; *гарибонада* эса – меҳнат аҳли итоаткорликка,

ювошликка чақирилган. Уларнинг ёзилиш, ўқилиш, шунингдек, ваъз этилиш шартлари, усули, оҳанги ҳам ҳил бўлган.

Ўрта аср воизлик санъатида ҳар бир сўз, тушунча, оҳангнинг таъсирчанлигига эришиш, муайян бир фикр, мулоҳаза, ҳукм, ғоя, мафкура ва хулосани ўз тингловчиларига етказиш мақсадида сухандонлик (риторика) фани ўқитилган. Ҳозир ҳам мадрасаларда бу фан ўқитилмоқда. Бу давр воизлик санъатида жарангдорлик, фармонбардорлик оҳанги етакчи бўлган. Шу туфайли улар ижтимоий салмоқ, сиёсий қудрат касб этган, бадиий сайқал топган.

Воизлик ҳам бошқа тарихий омиллар каби ижтимоий-сиёсий хусусиятга эга бўлган. Одамлар золим ва мазлум, ҳукмрон ва тобе, бой ва камбағал табақаларга, диний ва дунёвий дунёқарашибоилинига бўлинган жамиятда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Воизлар ўз нутқларини бадиий жиҳатдан юксак, жозибали, барча тингловчиларга етиб борадиган қилишга интилиш билан бирга, муайян ижтимоий табақаларнинг манфаатларига ҳам мослаган. Натижада ваъзлар таъсирчан мафкуравий қуролга айланар, мавжуд ижтимоий тузумни муқаддас деб тушунган, ҳукмдорни яратувчининг ердаги сояси, пайғамбарнинг ноиби деб тасаввур этган тингловчилар бу воизларни қизиқиб тинглар, авом ҳалқ воизга итоатгўйлик билан эргашар эди.

Дин мафкура ва таълимот сифатида танҳо ҳукмрон бўлган ўрта асрларда аксарият воизларнинг ваъзлари диний хусусиятга эга бўлиб, диний таълимий мазмун ва шаклда баён қилинган. Бундай ҳол эса илғор фикрли, тараққийпарвар, ҳақиқатгўй зиёлиларда, олим, шоир, ёзувчи ва муаллимларда эътиroz тутдирган. Улар бундай мутаассиб тарғиботчиларга қарши чиқар, уларнинг ёлғонини фош этиб, ҳақиқатни ҳалқ оммасига, эл-юртга етказишга ҳаракат қиласа, эдилар.

Воизликнинг қудрати бевосита соҳиби – воизларга ҳам масъулият юклаган ва бу ҳақда буюк алломалар ўз асарларида қайд этишган. Жумладан, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий каби алломалар воизларни, хусусан жамоа орасида сўзлаганда фақат ростгўй бўлишга чақирганлар. Масалан, Беруний ўз асарларида ростгўйликка юксак баҳо бериб, ёлғончиликни қаттиқ қоралаган. Шулардан бири «100 ҳикмат» тўпламига киритилган: «Ҳамманинг табиатида адолат бевосита севикли ва ҳамма унинг яхшилигини билгани каби, ростгўйлик ҳам шундай». Яна бир ҳикматда:

«Ростгўйлик лаззатини тотмаган ёки, лаззатини билса ҳам, тотишни истамаган киши уни севмайди», дейилади.

Мутафаккирнинг ёлғончиликнинг ахлоқсизлик эканлиги ҳақидаги ҳикматларида бу иллатга ва уни тарқатувчиларга қаратилган нафрати баралла янграйди. Унинг фикрича, ёлғончилик кишиниadolatdan юз ўғиртиради, у зулм, ёлғон гувоҳлик, омонатга хиёнат, бошқалар мулкини ҳийла билан ўзлаштириш, ўғрилик ҳамда халқнинг бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон хулқларни кишига яхши қилиб кўрсатади. Бу ўринда аллома ёлғончиликнинг ёмон оқибатларидан олтитасини қайд этган.

Беруний ёлғончилик иллатига доир ҳикматларидан бирида ёлғончи билан ростгўйнинг мажозий мулоқотини келтириб, бундай ёзади: «Ёлғончилик билан машҳур бўлган кишиларнинг биридан: «Ҳеч рост гапирганмисан?» – деб сўраганларида, у «Рост гапириб қўйишдан қўрқмасам, йўқ дер эдим», – деб жавоб берган.

Берунийнинг таъбирича, бу ҳикматда ёлғончилик одатига мубтало бўлган кимса, «Тарки одат – амри маҳол» деганларидек, ростгўйликдан ҳайкиб, чўчиб, ҳадиксираб туради. Воизларда бундай нуқсонлар асло бўлмаслиги лозим¹.

Бундан ташқари, Беруний ўз асарларида нотиқликнинг наср ва назм қўринишлари борлигини ва улар муайян қонун-қоидалар асосида тузилишини таъкидлайди.

Воиз амал қилиши лозим бўлган бундай ахлоқий қоидаларга ҳазрат Алишер Навоий тўхтала туриб, ёлғон-яшиқ гапларни ўз ваъзларига қўшиб айтган алдоқчи воизларни гадойларга қиёслаб, бундай деганлар:

Воиз томеъ – гадойи нон бувад, фарқаш ҳамин

Ки ин ба зери минбар омад, он фарози минбараст².

Маъноси: Тамагир воиз нон тиловчи гадодир, ораларидаги фарқ шуки, гадо минбар остида-ю, воиз унинг устида.

Бундай кимсалар, албатта, воизликнинг обрўсини туширган ва тингловчиларни бездирган. Бу ҳол нафақат ўтмиш воизлиги, балки ҳозирги давр нотиқлари учун ҳам катта сабоқ ҳисобланади.

Буюк аллома Абу Наср Форобий воизлика тўғри сўзлаш, тўғри мантиқий хulosалар чиқариш, мазмундор ва гўзал нутқ тузишда

¹ Ортиқов А., Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати: Ўқув-методик қўлланма. – Т., 2002. – Б.28.

² Ўша манба. – Б.12.

лексикология, грамматика ва мантиқнинг аҳамияти ҳақида шундай дейди: «Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўзлаш ва қандай жавоб бериш (масаласи)га келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси – жисмларга ва ҳодисаларга исм берувчи тил ҳақидаги илмдир деб тасдиқлайман.

Иккинчи илм грамматикадир: у жисмларга берилган номларни қандай тартибга солишни ҳамда нарсалар (субстанция) жойлашишини ва бундан чиқадиган натижаларни ифодаловчи ҳикматли сўзларни ва нутқни қандай тузишни ўргатади.

Учинчи илм мантиқдир: маълум хулосалар келтириб чиқариш учун логик фигуralарга биноан қандай қилиб дарак гапларни жойлаштиришни ўргатади. Бу хулосалар ёрдамида биз билмаган нарсаларни билиб оламиз ҳамда нима тўғри, нима ёлғон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз»¹.

Демак, Форобий ҳам Беруний каби лексикология, грамматика ва мантиқнинг воизлик санъати учун бекиёс аҳамиятини билган ва улар қонун-қоидаларига амал қилишни кўп маротаба таъкидлаганлар.

Нотиқликда сўзнинг мақоми ҳақида шоир Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» («Бахт келтирувчи билим») асарида қуйидаги фикрларни билдиради:

Тилнинг фойдаси талайдир, ортиқча ҳовлиқма,

Гоҳо тил мақталади, гоҳо сўкилади.

Модомики шундай экан, сўзни билиб сўзла,

Сўзинг кўр учун кўз бўлсин, (у) кўра билсин.

Ёки:

Киши сўз туфайли бўлади малик,

Ортиқ сўз қилади бу бошин эгик.

Тилингни авайла – омондир бошинг,

Сўзингни авайла узаяр ёшинг.

Марказий Осиёда воизлик санъатининг ривожига ҳисса қўшган ноёб ёдгорликлардан яна бири – Кайковуснинг «Қобуснома» асаридир. Унда воизликнинг сир-асрорларига бағишлиланган маҳсус боб бўлиб, у «Сухандонлик билан баланд мартабали бўлмоқ зикрида» деб номланади. Мазкур бобда Кайковуснинг фарзандига мурожаати қуйидагича келтирилган: «Киши сухандон, сухангўй (нотик) бўлиши лозим. Эй фарзанд, сен тўғри сўзла, ёлғон сўзлама,

¹ Абу Наср Форобий. Рисолалар. – Т .,1975. – Б.54.

түғри сўз билан машхур бўл, чунки бир вақт зарурат юзасидан ёлғон гапирсанг, қабул қилишади. Ҳамма вақт сўзинг рост бўлсин, ёлғонга ўхшаган түғри сўзни гапирмагилки, ростга ўхшаган ёлғон ёлғонга ўхшаган ростдан яхшидир, чунки бундай ёлғон сўз қабул қилинади, ёлғонга ўхшаган рост қабул қилинмайди, демак, номақбул ростни айтишдан сақлан...

Эй фарзанд, сўзнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил, сўзлаганингда маъноли гапир, бу нотиқликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканини билмасанг, қушга ўхшайсан, бундай қушни тўти дейдилар...

Шундай кишини нотик (сухангўй) деймизки, унинг ҳар сўзи халққа тушунарли бўлсин ва халқнинг ҳар сўзи унга ҳам маълум бўлсин »¹.

Мана шу келтирилган қисқа сатрларда ҳам «Қобуснома» асарида нотиқликда сўзнинг кучи ва ўрни нечоғлик моҳирона тасвирланганига гувоҳ бўламиз. Бу эса Марказий Осиёда нотиқлик санъати ривожланишининг яна бир назарий манбай сифатида «Қобуснома» асарини кўрсатиш мумкинлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, Марказий Осиёда воизлик санъатининг пайдо бўлиши ва кейинги ривожланиши халқ оғзаки ижодининг намуналари – «Алп Эр Тўнға» достони, муқаддас «Авесто», Ўрхун ва Энасой, Қобуснома каби ёзма ёдгорликларнинг яратилиши билан бирга кузатилган. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиё воизлик санъатининг узоқ қадимий тарихга эга бўлиб, воизликнинг таркиби, тури ва шаклларини ифодаловчи ўзига хос тизимни шакллантирган деган хulosага келишимизга асос бўла олади.

2. Марказий Осиёда ўрта асрлар воизлик санъати ривожланиши ва уни ўрганишнинг ички ишлар идоралари ходимлари фаолияти учун аҳамияти

Узоқ тарихга эга бўлган Марказий Осиё воизлик санъати ўз ривожланиши давомида Абу Ҳомид Ғаззолий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур қаторида Баҳовуддин Валад ҳамда унинг ўғли, олим ва файласуф Жалолиддин Румий, мавлоно Иршод, Ўший, Муайяд Мехнагий, Риёзий, Кошифий, Муин, Абулфайз

¹ Кайковус. Қобуснома. – Т., 1968. – Б.37– 39.

Зуннун, Анас Жунайд, Шиблий, Сиррий, Нисавий, Шерозий каби кўпгина етук нотиқларни етиштириб берди.

Абу Ҳомид Газзолий ўз замонасининг обрўли кишиларидан бўлиб, нафакат оддий одамлар, балки вазирлар ва амирлар ҳам унинг фатволарига қулоқ солардилар. Газзолийнинг сўзамоллиги ҳақида кўпгина буюк алломалар, жумладан, Абу Иброҳим ал-Бағдодий «Бағдод тарихи» асарида қуйидагича ёзади: У шундай кимса эдики, бу дунёдаги кўзлар унингдек нотиқни, унингдек зукко ва оқилни кўрмаган эди». Ибн Мукрий «Тухфат ул-Иршод»да: «Унинг муборак исми билан кўкраклар масрур бўлиб кўтарилиб кетади, нафаслар қувончга тўлади», – дейди. Имом Ҳорамайн: «Газзолий – бутун оламни қамраган бир денгиз, Қиё сахросининг телба арслони, Ҳаво菲尔ни ҳам ёқиб юборадиган оташдир», деб таърифлаган. Ҳатто Алишер Навоий ҳазратлари ҳам ўзининг «Садди Искандарий» достони муқаддимасида Газзолийни «Кўк гумбази узра безакли қандил», «Фалакдан туриб кишиларга баҳт ва толеъ улашади» дея таърифлаган эди.

Газзолий қисқа умр кўриб, бор-йўғи 53 йил ҳаёт кечиради. Лекин шу умри давомида 100га яқин асар ёзиб қолдирди. Улар қаторига «Ихё улум ад-дин», «Мукошафат-ул қулуб», «Кимиёи саодат», «Мақосидул фалосифа», «Ихвон ус-сафо», «Фазойихул ботиния», «Ажойибул қулуб», «Қистосул мустақим», «Таҳофутул фалосифа» каби машҳур асарларини киритишимиз мумкин. Шу ўринда Газзолийга машҳурлик келтирган асари сифатида мусулмон дунёсида зўр муваффақият қозонган «Ихё улум ад-дин»ни алоҳида ажратиб кўрсатиш жоиздир. Бундан ташқари, Газзолий ўз ижоди давомида факихлар (юристлар) учун – «Босит», «Вожиб», калом илмининг олимлари учун – «Қавоид-ал-Ақоид», «Ар-Рисолат ал-Қудсия» каби асарларни ҳам яратишга муваффақ бўлди.

Марказий Осиё воизлиқ санъатининг ривожланишига катта ҳисса қўшган мутафаккирлардан яна бири сифатида кўпгина билимларни чуқур эгаллаган, ҳатто халқаро сиёсатдан хабардор бўлган, ўз давридаги давлат арбоблари назарида, халойиқ орасида катта нуфузга эга бўлган воиз Иршодни кўрсатишимииз мумкин.

Жумладан, биз асос қилиб олган китобда¹ айтилишича, воиз Иршод ўз замонасининг моҳир нотиғи бўлганлиги ҳақида

¹ Қаранг: Ортиқов А., Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати: Ўқув-методик қўлланма. – Т., 2002. – Б.13.

тариҳнавис Али Сафий асаридан қуйидаги бир воқеани келтиришнинг ўзи кифоя: «Кунлардан бирида Ҳусайн Бойқаро замондош шоҳи Шерознинг ҳузурига бир нуфузли вакил юбормоқчи бўлибди. Бу киши расмий давлат иши юзасидан шоҳ билан музокара олиб бориши лозим бўлган. Султон аркони давлат аъёнлари билан маслаҳат қилганида, улар ўз замонасининг ғоят маҳоратли нотиқ ва сиёsatдонларидан бири мавлоно Иршодни тавсия қилганлар; уни салтанатга чорлаб, бу музокарани унга топширганлар. Мавлоно Иршод Шерозга бориб, қисқа муддатда топшириқни моҳирлик билан адо этган. Унинг воизлик маҳоратини пайқаган шоҳ унга қайтиш учун ижозат бермай, битта анжуман чақиртириб, ваъз айттириб, сўнг жавоб беражагини айтган. Воиз мамнуният билан бу илтимосни қабул қилиб, жума куни бўладиган анжуманга пухта тайёргарлик кўрган.

Фахриддин Сафийнинг гувоҳлик беришича, Иршод минбарга чиқиб, шундай маҳорат ва эҳтирос билан нутқ сўзлаганки, масжиди жомъега йиғилганлар хўнг-хўнг йиғлай бошлиганлар. Воиз халойиқ унинг нутқига бутун вужуди ва қалби билан маҳлиё бўлиб кетиб, ўзини тута олмай қолганлигини, изтироб гирдобига ўралганлигини пайқаган. Шунда у ўз нутқининг жозибали яна бир қиррасини намойиш қилган: у ўз ваъзи жараёнида шундай бир бурилиш ясаганки, йиғлаб ўтирганларнинг барчаси беихтиёр қаҳқаҳ отиб юборган»¹.

Шарқ воизлик санъатининг бу каби айрим ибратли воқеаларидан шу нарса маълум бўладики, мавлоно Иршод ўз билими ва сиёсий онги ҳамда нутқининг таъсир кучи билан ўша даврнинг моҳир дипломати даражасига кўтарила олган. Шунингдек, у воизлик маҳорати билан икки муҳолиф давлат орасидаги низоларни бартараф этиб, улар ўртасида дўстона, маданий алоқаларнинг қарор топишига муносиб ҳисса қўшган.

Тарихий манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида Марказий Осиёда воизлик санъати ривожланишининг энг гуркираган даври XIII–XV асрларга тўғри келади. Ҳақиқатан, айнан шу даврда буюк алломалар Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Баҳовуддин Валад ҳамда унинг ўғли, олим ва файласуф Жалолиддин Румий, мавлоно Иршод, Ўший, Муайяд Мехнагий, Риёзий, Кошифий, Муин, Абулфайз Зуннун, Анас Жунайд, Шиблий, Сиррий, Нисавий, Шерозий каби машҳур воизлар етишиб чиқкан.

¹ Ўша манба. – Б.13–14.

Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда ўзбек халқи орасидан Иршодга ўхшаш воизлар кўплаб етишиб чиққан. Жумладан, таҳминан XV–XVI асрларда Фарғона водийсида яшаб ўтган машҳур нотиқ Қози Ўшийдир. У Ўш шаҳрида туғилганлиги ва бу ерда қози мансабида хизмат қилгани учун шундай ном олган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Эрон мамлакатининг жанубидаги Синстон вилоятининг аҳолиси қадимда қаттиққўллиги билан ном чиқарган бўлиб, ҳатто тиланчига ҳам бир бурда нон бермас экан. Бу зиқналикни эшитган Қози Ўший ўша вилоятга борибди ва бир-икки ҳафта синстонликлар орасида юриб, уларнинг аҳволи ва руҳиятини ўрганибди. Бир неча кун ўтгач, шаҳар қозисининг ижозати билан жума намози олдидан жомъе масжиди минбарига қўтарилибди. Виқор билан шундай жўшқин нутқ сўзлабдики, тингловчилар ҳанг-манг бўлиб, нотиққа ҳамду санолар ўқибдилар. Анжуманда гоҳ фифон, гоҳ кулги янграбди. Вилоят халқи топган-тутганини минбар пойига келтириб қўйибди, кексалар бехад дуолар қилибди. Бироқ воиз ўз ваъзи учун ҳеч кимдан ҳақ олмаслигини изҳор қилибди. Бу ҳотамтойликнинг жонли шоҳиди бўлган синстонликлар воизни янада кўпроқ эъзозлаб, унга беш минг динор тилла тўплаб беришибди. Бу ўша даврда катта бойлик ҳисобланар экан.

Қози Ўшийнинг «Мифтоҳ ун-Нажжоҳ», яъни «Сўз қалити» рисоласи воизлик санъатининг сир-асрорларини моҳирона очиб берган. Бу эса унинг нафақат ўтқир воиз, балки нутқ маданияти бўйича етарли билим соҳиби бўлганлигидан далолат беради.

Хўжа Муайяд Мехнагий ўз замонасининг аллома нотиқларидан бири бўлиб, дунёқараши жиҳатидан оддий меҳнат аҳлига жуда яқин бўлган. Мавлоно Навоийнинг шоҳидлик беришича, у бир қабристоннинг бечораҳол шайхи бўлган экан. Шунингдек, у Мехнагий ҳақида: «Ваъз мажлиси бағоят гарм ва нуршўр воқеъ бўлур эрди¹» – деб, унинг нутқлари жўшқин, жозибали, тингловчилар олдида мафтункор бўлганлигини таъкидлаган.

Хўжа Мехнагийнинг машҳурлиги яна шунда бўлганки, у ўз муҳлисларининг юрагига қўл сола билган. Яъни, уларни пассив тингловчилик даражасидан фаол фикр юритувчи, ваъз мазмунига, талаффузига, тилига фаол муносабатда бўлувчи синчков, зукко

¹ Ортиқов А., Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати: Ўқув-методик қўлланма. – Т., 2002. – Б.16.

тингловчилар даражасига кўтара олган. Бунинг учун воизгагина эмас, ҳар қандай нотиқقا ҳам зўр истеъдод, беҳад шиддаткорлик даркор. Модомики, Мехнагий ўз нутқларининг таъсирчан бўлишига эришган экан, демак, у ўз даврининг оташнафас воизи бўлган. У ваъз айтганда, анжумандагиларга ҳеч бир замондоши у каби кучли таъсир кила олмаган. Мехнагий сингари жўшқин, ноёб воизлар кам бўлган. Шу сабабдан бўлса керак, унинг шарафли номи воизлик санъати тарихи зарваракларидан нуфузли ўрин олган.

Ўша даврнинг машҳур воизларидан яна бири мавлоно Риёзийдир. Манбаларда келтирилишича, у ўзининг ақл-заковати билан вилоят қозиси лавозимигача кўтарилилган, лекин баъзи ноўрин кирдикорлари учун лавозимдан бўшатилган, киshanга солинган, пировардида бадарға қилинган ва умрини беҳад азобу уқубатлар билан ғариблиқда, таъқибу маломатлар исканжасида ўтказган экан.

Навоийнинг шоҳидлик беришича, у «ваъз айтиб, минбарда ўз ашъорларини ўқиб, йиғлаб, важди ҳол қилур эрди»¹. Бу маҳорат тингловчилар назарида эътиборга сазавор бўлган воизлик намунаси эди. Тингловчилар ҳузурига чиқиб, уларда ҳамдардлик кайфиятини уйғота олиш учун воизлик санъатининг улкан соҳиби бўлиш даркор. Риёзий худди шундай санъат соҳиби эди.

Мавлоно Риёзийнинг фифон чекиб, кўзларидан қаҳрабодек томчиларни юмалатиши унинг яшаш тарзига ҳамоҳанг бўлгани учун эшитувчиларда ишонч ва иймон уйғотган. Саҳнада актёрнинг самимий йиғлай олиши ва кула билиши юксак маҳорат аломати бўлганидек, воизнинг тингловчини кўз ёши тўкиш даражасига етказиши ҳам унинг ғоят заковатли нотиқ, улкан сўз устаси эканлигини кўрсатади.

Мавлоно Риёзий кучли мураббий ҳам бўлган. Бу ҳақда аниқ далиллар бўлмаса-да, воизнинг ёш шогирдлар тайёрлаш ишига ҳам муайян ҳисса қўшганлигига шубҳа йўқ. Тегишли манбалардан маълум бўлишича, унинг мураббийлик маҳорати ҳам воизлиги каби исёнкор, курашchan, шижааткор бўлган. У ўша даврнинг таълимтарбия услубиётига зид ўқув услубини қўллаган. Чунончи, у таълимни табиий фанлар – жўғрофия, адабиёт, тарихдан бошлаб, кейинчалик воизлик санъатига ўтган.

Мавлоно Риёзий омма олдидаги чиқишиларида ҳалқ оғзаки ижоди, бадиий адабиёт ҳамда ўзи ёзган шеърларидан жуда усталик

¹ Ортиқов А., Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати: Ўқув-методик қўлланма. – Т.,2002. – Б.18.

билин фойдалана олган ва унинг натижаси сифатида тингловчилар ҳис-туйғусига таъсир этиб, уларни ишонтира олган.

Хулоса шуки, ҳаёт-мамот учун аёвсиз кураш оловида тобланган ва воизлик санъатида шухрат қозонган Риёзий ўзининг дарбадар, ҳокисор қисмати билангина эмас, балки ғоявий эзгу амаллари, ижрочилик услублари, мураббийлик маҳорати билан хам замондошлари орасида яққол ажралиб турган. Тахаллусидан ҳам маълумки, у узлуксиз риёзат чеккан, аммо машаққатли меҳнати, мардонавор жасорати ва беназир воизлик маҳорати, маърифат-парварлиги туфайли ўзига мангу ҳайкал ўрнатиб кетган сухандондир.

Маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдирган XV асрнинг машҳур воизларидан яна бири Ҳусайн Воиз Кошифийдир. Ўз соҳасида бутун Марказий Осиёга машҳур ва манзур бўлгани боис унинг исмига воиз тахаллуси қўшиб айтилар ва ёзилар эди. «Камоли эҳтиром ила соҳиби сухан» деб тавсифланган сиймо мавлоно Навоийнинг замондоши ва дўсти бўлган.

Кошифий ўзидан анчагина салмоқли ижодий мерос қолдирган. Куръони Каримни ёд билган, ҳадисларни халқقا тарғиб қилишда, тушунтиришда у мохир нотиқ бўлган. Куръони Карим ҳақида авом халқقا тушунарли бўлиши учун тўрт китобдан иборат шарҳ ёзади. Воиз Кошифийнинг бизгача етиб келган «Ахлоқи Мухсиний», «Рисолати Хотамия», «Анвари Сухайли», «Футувватномайи Султоний», «Тафсири Ҳусайнний», «Жавоҳирнома», «Махзанул – иншо» каби асарлари араб, урду, турқ, немис, инглиз, француз каби бир қанча тилларга таржима қилинган ва ҳозирда кўпгина хорижий давлатларнинг кутубхоналарида сакланмоқда.

Кўп йиллар давомида тадқиқот олиб борган олим С. Иномхўжаев ўрганилган қўллётмаларга асосланиб, Кошифийнинг 40га яқин асарлари бўлганлиги ва булардан 14 таси форсийда ёзилганлигини таъкидлайди¹.

Воиз Кошифийнинг ўз замонасида забардаст нотиқ бўлганлиги хусусида тарихий далиллар кўп. Унинг нотиқлик санъати ва у ижод қилган давр нутқ шинавандаларининг унга берган баҳосини ёрқинроқ тасаввур этиш учун мархум профессор Абдураҳмон Ортиқов ва иқтисодчи олим Абдуғаффор Ортиқовларнинг «Нотиқлик санъати ва нутқ маданияти» деб номланган китобларида келтирилган бир

¹ Қаранг: *Иномхўжаев С. Ўтмиш Шарқ нотиқлиги.* – Т., 1972. – Б.32.

ривоятни эслаш ўринли бўлар эди. «Кунлардан бирида Сайд Ғиёсиддин деган машҳур воиз бир анжуманга анча фурсат кечикиб келган. Бу анжуманга мавлоно Жомий ташриф буюрган эканлар. Бу улуғ зот Ғиёсиддин кириб келган ондаёқ сўрабдилар:

– Нечун кечикдингиз, мавлоно Ғиёсиддин?

– Мени маъзур тутинг, устоз, – деган экан у, – келаётган эдим, масжиди жомъеда Ҳусайн воиз нутқ сўзлаётган экан, шунга маҳлиё бўлиб қолибман.

– Хўш, қандай янгилик эшитдингиз?

– Ҳеч қандай, – дебдилар Ғиёсиддин.

– Сабаб?

– Сабаб шуки, – дебди гуноҳкор, – одам жуда кўп экан. Оломон мени тутиб, чеккага чиқариб юборди. Мен шунчалик узоқ масофада эдимки, унинг баъзи сўзлари зўрға қулогимга чалинди.

– Ундей бўлса, нима қилиб ўтирдингиз?

– Қараб ўтирдим, – дебди Ғиёсиддин, – Ҳусайн воиз шундай нутқ сўзлаётган эдики, гапларини эшитмасам ҳам унинг маҳоратига маҳлиё бўлиб, нутқининг охиригача қараб ўтирдим¹.

Мавлоно Кошифийнинг заковату, маҳорати шунчалик юқори бўлганки, Мир Алишер ва Ҳусайн Бойқаро ҳам ўз расмий мушоираларида ўқиб, шарҳлаб бериш зарур бўлганда уни таклиф этганлар. Манбаларда келтирилишича², 1492 йилнинг 8 ноябрида Жомий дафн этилаётганда ваъз айтиш Кошифийга топширилган бўлиб, маросимда мавлоно Навоийнинг 7 банд, 140 мисрадан иборат пурҳикмат марсиясини унинг илтимосига кўра Кошифий ўқиб берган экан. Бундан таъсирланган Алишер Навоий қуидаги тўртлик орқали (ҳозирги ўзбек тилига ўтирилган) Кошифийга ўз баҳосини берганлигига амин бўламиз:

Ҳақиқат конининг гавҳари, маърифат денгизининг дурриким,

Ҳақиқатга эриша олди ва қалбида ундан бошқа нарса йўқ эди.

Шубҳасиз илоҳий сирнинг очувчиси эди, шу сабабдан

Вафотининг тарихи «Кошифи асрори илоҳ» бўлди³.

Бундан ташқари, ривоятларга кўра, мавлоно Кошифийнинг «харидори» шунчалик кўп бўлган эканки, саналари олдиндан аниқ

¹ Ортиқов А., Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. – Т., 2002. – Б.21.

² Ўша манба. – Б.21–22.

³ Иномхўжсаев С. Ўтмиш Шарқ нотиқлиги. – Т., 1972. – Б.35.

белгиланган жадвал бўйича воизликка ташриф буюришга мажбур бўлган экан. Хондамирнинг эътирофича, у «жума куни эрталаб Ҳиротнинг марказий чорсусида жойлашган шоҳ намозгоҳида ваъз айтган, шу куни пешиндан кейин Алишер Навоийнинг масжидида, сесланба куни Ҳусайннинг мадрасасида, чорсанба куни пир Валид Аҳмад мозори бошида, пайшанба куни Аҳмад Мирзо мозори бошида нутқ сўзларди»¹.

Демак, юқорида келтирилган фикрлардан Кошифий ўз даврининг улуғ воизи бўлган деган холосага келишимиз мумкин.

Ўша даврда Ҳирот вилоятининг забардаст воизларидан яна бири Муин воиз бўлган. У ҳақдаги асосий маълумотлар буюк шоир Алишер Навоийнинг табаррук қаламларига мансубдир. Бу зот унинг тавсифига махсус ва кенг ўрин берганлар.

Муин воизнинг акаси Низомиддин давлат арбоби бўлган. У укасини икки марта Ҳирот шаҳрининг қозиси лавозимига тайинламоқчи бўлган, аммо Муин ҳар гал рад жавобини бериб, бу илтифотдан воз кечган.

Масалага юзаки қараганда, Муиннинг акасига бу эркалиги ўринсиз эди. У акасининг сояи давлатида энг йирик шаҳар қозиси лавозимида викор билан мағурланиб юрса бўларди. Лекин у узокни кўргани, амал гўёки қўлнинг кири эканлигини англагани боис бундай қилмаган. Алишер Навоий таъбири билан айтганда, Муиннинг «дарвеш»лиги, яъни шаккоклигининг асосий сабаби унинг воизлик санъатига бўлган иштиёқи ва фидоийлигидир.

Муин воиз Ҳиротнинг нуфузли нотиқларидан бўлган. Алишер Навоий ҳазратларининг таъкидлашича, у «ҳоло ўзидағи азим воиз дуур ва муридлари кўп»² бўлган. Бу таърифдан пайқаш мумкинки, Муин фақат сўз устаси эмас, балки бундай сухандонларнинг мураббийси ҳам бўлган. Бинобарин, унинг педагогик фаолияти ғоят ибратлидир. Агар Муин фаолиятининг шу қирралари ҳақидаги маълумотлар сақланганида эди, нур устига аъло нур бўлар эди.

Мавлоно Навоийнинг тазкирасида Муиннинг нутқ маданиятига тааллуқли қимматли фикрлар мавжуд. Уларга кўра, Муин ғоят жўшқин, эҳтиросли нутқ сўзлаш маҳоратига эга бўлган. У ваъз қилаётганида, шу қадар берилиб кетар эканки, девоналиқ даражасига

¹ Ортиқов А., Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. – Т., 2002. – Б.22.

² Навоий. Мажолис ун-нафоис // Навоий. Асарлар. 12-жилд. – Т., 1966. – Б.127.

етиб борар ҳамда «баланд ва паст сўзлардан айтур»¹ экан. Бунинг устига, ваъз фурсатида «минбар устида девонавор илик ташламоғи ва тахтани тепмоғи кўп дуур»² экан.

Воиз Муиннинг нутқ пайтидаги кўл ҳаракатлари, чехрасидаги имо-ишоралари бевосита унинг нутқ маданиятига доир қўшимча воситалардан моҳирона фойдаланганидан далолат беради.

Муиннинг дилрабо ваъзларини тингловчи шинавандалар сабрсизлик билан кутганликларининг сабаби, унинг жума намози, рамазон ва қурбон ҳайитлари кунларида ўқиладиган бомдод намозлари олдидан айтадиган ваъзлари ҳаммани лол қолдирган. Тазкиралардаги ривоятларга кўра, аксарият намозхонлар бу воизнинг ваъзи баҳонасида узоқ-яқиндан масжиди жомъеларга келганлар. Чунки, у даврларда фуқаролар орасида «ваъзпарастлик», ваъзларга ишқибозлик кенг тарқалган.

Тарихнавис Хондамирнинг таъкидлашича, воиз Мuin ўз ваъзларида ҳеч кимни юз-хотир қилмаган, ҳатто давлат арбобларини ҳам аёвсиз танқид қилаверган. Гарчи, бу арбобларнинг ўзлари иштирок этаётганини кўрса-да, уларни ҳақли,adolatli танқид қилавергани учун, қуи, ўрта, юқори мартабали ҳокимлар воизга қарши чиқишига ожиз бўлиб қолганлар³. Бунинг сабаби шунда бўлганки, бу воиз ўз нутқида ҳалқ дилидаги дардни, бедодликлардан чекаётган азобуқубатларни акс эттирган ва меҳнат аҳлига ҳамдард бўлган.

Воиз Муинга Хондамир берган юқори баҳоларга қараганда, бу воиз, зўр сухандон бўлиш билан бирга, кенг ва чуқур билим соҳиби, «тузуккина» шоир ҳам бўлган. Хуллас, Мuin ҳақида айтилган бу сифатларнинг келтирилиши, унинг моҳир воиз бўлганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиёда воизлик санъати ривожланишида Абу Ҳомид Ғаззолий, Баҳовуддин Валад, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Румий, мавлоно Иршод, Ўший, Муайяд Мехнагий, Риёзий, Кошифий, Мuin, Абулфайз Зуннун, Анас Жунайд, Шиблий, Сиррий, Нисавий, Шерозий каби буюк алломаларнинг ўрни катта. Улардан ҳар бирининг ўз хизмати, маҳорати, услуби мавжуд бўлиб, бироқ уларнинг кўпчилиги ҳақида манба ва маълумотлар кам бўлганлиги

¹ Навоий. Мажолис ун-нафоис // Навоий. Асарлар. 12-жилд. – Т., 1966. – Б.127.

² Ўша манба. – Б.128.

³ Иномхўжсаев С. Ўтмиш Шарқ нотиқлиги. – Т., 1972. – Б.37.

сабабли чукур ўрганилмаган. Бу эса Марказий Осиё нотиқлик санъатининг биз билмаган кўпгина қирралари борлигини ҳамда бу борада кўп изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Марказий Осиёда нотиқлик (воизлик) санъати пайдо бўлишининг назарий манбалари сифатида нималарни кўрсатиш мумкин?
2. Марказий Осиёда илк пайдо бўлган воизлик санъатининг турларини кўрсатиб беринг.
3. Воизликнинг дабирлик, хатиблик, музаккирлик каби турларига қандай талаблар қўйилган?
4. Юқори табақалар ва жанговар нутқлар учун мўлжалланган воизлик турлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Кайковуснинг «Қобуснома» асарида нотиқ муваффақият қозониши учун қандай талабларни бажариши кўзда тутилган?
6. Абу Али Ибн Сино ўз асарларида нотиқ бажариши лозим бўлган қандай талаблар ҳақида сўз юритади?
7. Юсуф Хос Ҳожиб нутқ маданияти ва сўз одоби ҳақида қандай фикрларни билдирган?
8. Ислом динининг Марказий Осиёга тарқалишида воизлик санъатининг ролини кўрсатиб беринг.
9. Алишер Навоий асарларида воизлик санъатининг ифодасини қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?
10. Ҳусайн Воиз Кошифий ва мавлоно Риёзий асарларида воизлик санъати тамойиллари ва усуллари ривожлантирилишининг ифодасини кўрсатиб беринг.
11. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарини бадиий нутқ маҳоратининг тимсоли сифатидаги ифодасини кўрсатиб беринг.

4-мавзу. НОТИҚЛИКНИНГ ТУРЛАРИ, ТАРКИБИ ВА ТАЛАБЛАРИ

*Нотиқликнинг турлари ва таркиби.
Нотиқликнинг талаблари.*

1. Нотиқликнинг турлари ва таркиби

Нотиқлик санъати тарихи бевосита антик даврга – Қадимги Юнонистон ва Римга бориб тақалади. Милоддан аввалги V–IV асрларда асосан нотиқликнинг сиёсий, суд ва бошқа тантаналардаги чиқишлиар билан боғлиқ турлари мавжуд бўлган. Тарихда кўплаб машҳур нотиқлар бўлган, лекин ҳаммаси ҳам табиатан гапга чечан, сўзамол бўлмаган. Масалан, Демосфеннинг халойик олдида биринчи марта чиқиши муваффақиятсиз чиққан, кейинчалик тинмай изланиши, ўз устида ишлаши натижасида машҳур нотиқ бўлиб танилган.

Шу ўринда таниқли рус нотиқларидан А. Ф. Конининг нотиқлик ва сўзамолликнинг бир хил тушунча эмаслиги ҳақидаги фикрини келтириш жоиз. Унинг фикрича, «сўзамоллик» инсонга табиатан берилган бўлиб, сўзларни ўз ўрнига қўйиб чиройли гапириш, одамларга таъсир қила олиш, уларни бирор ғояга эргаштира олиш каби қобилияtlарида намоён бўлар экан. Нотиқлик санъати эса саводли, ишонарли, мантиқан фикрлашда намоён бўлиб, бу даражага инсон қўп изланишлар, билим ва тажрибалар асосида эришади¹.

Демак, нотиқ бўлиб етишишда инсонга нафақат туғма қобилият, балки билим, тажриба ва муайян қўнималар ҳам зарур экан. Масалан, тажрибали нотиқ мавзудан келиб чиққан ҳолда тайёрланган материални тингловчиларга етказишнинг самарали усул ва воситаларидан унумли фойдаланади, жумладан, моҳир нотиқ илмий маъруза қилганида эҳтиросларга берилмасдан аниқ маълумотларга суюнади, оммабоп мавзу бўйича чиқиши қилганида эса аудиторияга яқинлашиш учун қўпроқ мимика, имо-ишора, уларга яқин жаргонлардан фойдаланишга ҳаракат қиласди.

¹ Апресян Г. З. Операторское искусство . – М., 1969. – С .46.

Нотиқлик дунёсига қилган дастлабки қадамимиздан кўриниб турибдики, ҳозирги кун нотиқлигининг доираси ўз предмети, услуби ва таъсир этиш воситаларига қўра кенг ва турли кўринишларда ифодаланиши мумкин. Шунга қўра, нотиқликни таснифлашга ҳам ҳар хил ёндашувлар мавжуд¹.

Жумладан, А. Ортиқовнинг «Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати» китобида ваъзхонлик турлари ҳақида гапирилади. Муаллиф Н. Бекмирзаевнинг «Нотиқлик асослари»да эса нотиқлик тур ва шаклларга бўлинади. Бундан ташқари, Г. З. Апресяннинг «Операторское искусство» китобида нотиқликнинг турларга таснифланишида рус тилидаги «род» ва «вид» тушунчаларидан фойдаланилади. Таснифда келтирилган рус тилидаги «род» ва «вид» тушунчаларининг ўзбек тилига том маънода таржимаси уларнинг тўлиқ мазмунини очиб бера олмайди. Чунки икки томли «Русча-ўзбекча луғат»да² «род» ва «вид» тушунчаларининг иккиси ҳам бир вақтнинг ўзида «тур», «хил», «нав» деб таржима қилинади. Бу эса таснифлашда чалкашликларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун биз мантиқ илмида фойдаланиладиган «жинс» ва «тур» тушунчаларига мурожаат қилишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Чунончи мантиқда ҳажми жиҳатдан кенгроқ ва нисбатан муқим, барқарор ҳамда муҳокама қилинувчи предмет (мавзу), баҳо ва мақсадларининг умумийлиги билан ажralиб турувчи тушунчани жинс, ҳажми жиҳатдан жинсдан торроқ ва айни вақтда жинсни ташкил этувчи унсурлар, улар белгиларининг ўхшашлигига қўра муайян туркум доирага бирлаштирувчи тушунча тур деб юритилади. Модомики, «жинс» тушунчаси ўз ҳажмида бир неча турларни мужассамлар экан, биз ҳам нотиқликни таснифлашда тушунчалар ҳажми ўртасидаги тўғри нисбатни ифодаловчи мантиқ илмидаги мазкур ёндашувларга асосланамиз ва бундан кейинги мулоқотимизда қулайроқ бўлишини назарда тутиб, ҳажми жиҳатдан кенгроқ бўлган ва ўзида ўхшашлигига қўра нотиқликнинг бир қанча турларини бирлаштира оловчи тушунчани нутқ туркуми деб

¹ Қаранг: Апресян Г.З. Операторское искусство. – М., 1969. – С.40–63.; Ортиқов А., Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. – Т., 2002. – Б.32–54; Бекмирзаев Н. Нотиқлик асослари. – Т., 2006. – Б.17–29, 78–80.

² Қаранг: Русча-ўзбекча луғат. – Т.1.–Т., 1983.–Б.119; Русча-ўзбекча луғат. – Т.2. – Т., 1984. – Б.360.

юритамиз. Шу маънода, нотиқликни қўйидаги жадвал тартибига кўра таснифлашни тавсия этамиз:

т/р	НУТҚ ТУРКУМЛАРИ	НУТҚ ТУРЛАРИ
1.	ижтимоий-сиёсий нотиқлик	<ul style="list-style-type: none"> – ижтимоий-сиёсий нутқ – ҳисобот нутқи (конф., мажлисларда) – сиёсий нутқ – шарҳлар (халқаро обзор) – митинг нутқи – ташвиқот нутқи
2.	академик нотиқлик	<ul style="list-style-type: none"> – илмий нутқ – илмий ахборот – олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлардаги маърузалар
3.	суд нотиқлиги	<ul style="list-style-type: none"> – прокурорлик ёки айблов нутқи – адвокатлик ёки ҳимоя нутқи – айланувчининг ҳимоя нутқи
4.	ижтимоий-маиший нотиқлик	<ul style="list-style-type: none"> – тантаналардаги нутқ – ўртакашлар нутқи – сахна нутқи – телерадио журналистлар нутқи
5.	диний нотиқлик	<ul style="list-style-type: none"> – жума намозида имом ваъзхонлиги – амри маъруфда имом ваъзхонлиги

Нотиқликнинг биринчи катта турқумига ижтимоий-сиёсий нотиқлик киради. Унда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий-ахлоқий каби мавзулар ҳамда илмий-техник тараққиёт билан боғлиқ масалалар акс эттирилиши мумкин. Бундай чиқишлиар тингловчиларнинг муайян хабардорлик даражасига мўлжалланган бўлиб, катта ҳажмдаги информацион маълумотни акс эттиради. Максадига кўра ижтимоий-сиёсий нотиқлик жамият ҳаётининг муайян соҳаларида йиғилиб қолган масалаларнинг амалий ечимиға қаратилган бўлиб, тавсия берувчи хусусиятга эга. Шунингдек, бундай нутқларнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири – у танқидга учраши, янги фикр-мулоҳазалар билан тўлдирилиши мумкин.

Ижтимоий-сиёсий нотиқлик – сиёсий ва ҳисобот нутқлари, шарҳлар, митинглар ҳамда тарзибот нутқлари каби турларга бўлинади.

Сиёсий нутқ – асосан раҳбарлар томонидан қилинади ва шунинг учун ҳам дастуриламал хусусиятига эга бўлиб, бундай нутқларда даврнинг долзарб масалалари, бой фактик материаллар акс эттирилади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб, мамлакатимиз учун оғир бўлган дамларда ҳам, барқарорлик ва осойишталикка эришган ҳозирги кунларда ҳам халқни «Озод ва обод Ватан қуриш» каби улуғ бир ғояга йўналтира олган барча нутқларини намуна сифатида кўрсатишимиз мумкин. Жумладан, мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлиланган нутқида янги 2012 йил – «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниб, бу йилда амалга оширилиши лозим бўлган амалий вазифалар белгилаб берилди.

Ҳисобот нутқи – бундай нутқлар нафақат муҳокама қилинади, балки маъқулланиши ёки уларга айрим ўзгартишлар киритилиши ҳам мумкин. Шунингдек, қилинган нутқ бўйича албатта қарор (ҳаракат учун дастур) қабул қилинади.

Шарҳ (обзор) – нотиқликнинг бу турида муайян вақт оралиғида давлат ва жамият ҳаёти учун катта аҳамият касб этган турли воқеа ва ҳодисалар шарҳи берилади.

Митинг нутқи – куннинг муҳим ва ижтимоий аҳамиятга молик долзарб мавзуларига бағишлиланган бўлиб, ўзининг ўткир сиёсий хусусияти, эмоционал бўлиши, кескин интонацияларда ифодалиниши билан ажralиб туради. Митинг нутқи жамоа учун умумий бўлган мақсад ва интилишларни ифодалаган ҳолда мазкур жамоа аъзоларини фаол ҳаракатларга ундейди.

Ташвиқот нутқи – йўналтирувчи ва тушунтирувчи табиатга эга бўлиб, тингловчилар ҳис-туйғуларига таъсир қилишга қаратилади. Тажрибали нотиқ таъсир этишнинг таққослаш, эсда қолувчи образларни келтириш каби турли усул ва воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда оммани, бир гуруҳ кишиларни аниқ ҳаракатларга йўналтиради.

Академик нотиқлик – олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида, илмий анжуманларда ўқиладиган маъруза (ахборот)лар бўлиб, ўзида мақсадга йўналтирилганлик, билиш, дунёқараш, тарбия каби функцияларни мужассамлантиради.

Академик нутқ муайян аудиторияда ўқишига мўлжалланган бўлиб, белгиланган мавзуй режага кўра даврий, эпизодик ёки бир маротабалик маъruzаларда акс эттирилади.

Академик нотиқлик аудитория таркибига кўра, ўқув муассасида ўқиладиган маъруза, илмий конференциялардаги илмий нутқ, илмий кенгашлардаги илмий ахборот каби турларга бўлинади.

Маъруза – академик нутқ турларидан бўлиб, олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида курс ёки цикл бўйича ўқилади. Бундай маъруза ўқув муассасасининг ихтисослиги, фаннинг табиати каби муҳим хусусиятларни ўзида акс эттирган бўлиши лозим. Жумладан, ИИВ Академиясида фалсафа фанидан ўқиладиган маъruzалар Мирзо Улуғбек номли Миллий университетнинг фалсафа факультети талabalari учун ўқиладиган маъruzалардан кескин фарқ қиласди. Чунки Академия тингловчилари учун ўқиладиган фалсафа курси уларда умумий дунёқарашнинг кенгайиши, ҳодисаларга тўғри баҳо бера олиш, муайян кўникма ва сифатларни шакллантириш, умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш каби вазифаларга йўналтирилган.

Бошқача айтганда, бу ихтисослашган ўқув юртида фалсафа жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг мақсади эмас, балки унга эришиш воситаси сифатида намоён бўлади ва шунга кўра, соатлар ҳажми ҳам ихтисослигига мувофиқ белгиланади, яъни мутахассислиги фалсафа бўлган талabalар учун чуқур ўзлаштириш талаб қилинганлиги туфайли уларда ажратилган соатлар миқдори, албатта, бошқа ўқув юртлариникига қараганда кўпроқ бўлади ва шунга монанд равишда мақсад ҳам кенгроқ белгиланади.

Маъруза мазмунида ифодаланмоқчи бўлган ғоянинг умумий концепцияси ва назарий қоидалари акс эттирилади. Маъruzada нотиқ ўз фикрини назарий жиҳатдан етарли тизимлаштирилган ва доимо фактик маълумотлар билан исботланган шаклда баён қилиши лозим. Маъruzанинг мақсади янги ғояни ёки кўп ҳолларда олдиндан маълум бўлган ҳақиқатларни тасдиқлашга, ижодий изланишга туртки беришга қаратилган бўлади. Шундан келиб чиқсан ҳолда маъruzанинг яна бир жиҳати шундаки, у йўналтирувчи табиатга эгадир.

Илмий нутқ – академик нотиқликнинг иккинчи бир тури бўлиб, у илмий конференция, симпозиум, семинар, халқаро конгрессларда ўқилади. Маъruzadan фарқли равишда илмий нутқда ўтказилган экспериментлар, социологик ва бошқа тадқиқотлар натижаларининг умумлашмалари эълон қилинади.

Илмий нутқ алохидан олинган мавзу, кашф қилинган илмий янгилик, ёки маълум ҳақиқатларга принципиал янгича ёндашувни ифодалашга бағишенган бўлиб, ўзининг қатъий асосланганлиги ва исботланганлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, илмий нутқ, фараз (гипотеза) сифатида эълон қилиниши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда илмий нутқ янги изланишлар учун мавзулар очиб беради ва турли мулоҳазалар, кескин баҳс-тортишувларга сабаб бўлади.

Илмий ахборот – илмий анжуманларда муайян соҳа учун муҳим янгиликни эълон қилишдир. Илмий нутқдан фарқли равишда унда тадқиқот натижалари батафсил таҳлил қилинмайди, аксинча ахборот қисқа ва лўнда бўлади.

Суд нотиқлиги – нотиқликнинг қадимиј турларидан бўлиб, ҳозирги кунда *прокурор*, *адвокат нутқи* ва *судланувчининг ўз ҳимояси учун айтган нутқи* каби турлари мавжуд.

Прокурор ва адвокат нутқи – содир этилган жиноятга маълум бир ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий мезонлар асосида баҳо бериш бўлиб, унда прокурор – айбловчи, адвокат – оқловчи сифатида намоён бўлади.

Бу жараёнда жамоатчилик фикри муҳим бўлиб, ишни ютиб чиқиши айнан шу жамоатчилик фикрини яратишда кимнинг қўли (прокурор ёки адвокат) баланд келишига, яъни келтирилган далилларнинг ишонарлилиги, мавжуд ижтимоий-ҳуқуқий нормаларни тўғри акс эттира олиш даражасига боғлиқдир.

Суд нотиқлигидаги прокурор ва адвокат нутқи ўз мақсадларига кўра бир бирига қарама-қарши бўлса-да, лекин умумий ташкил этувчи элементларига эга бўлиб, улар қуидагиларда намоён бўлади:

- 1) жиноий қилмишнинг ижтимоий-сиёсий баҳоланиши;
- 2) жиноий ишнинг фактик ҳолатлари баён қилиниши ва жамланган далилларнинг таҳлил қилиниши;
- 3) судланувчига бериладиган тавсифнома;
- 4) жиноят содир этилишининг сабаб ва шароитларини тўғри кўрсатиш;
- 5) жиноят квалификация қилинишининг асосланиши;
- 6) жавобгарлик чораси ҳақида тавсия бериш.

Судланувчининг ҳимояланиши нутқи – суд нотиқлигининг учинчи тури бўлиб, ўз мазмунига кўра прокурорнинг нутқига қарши ва маълум маънода адвокат нутқига қўшилиб кетади ва кўп ҳолларда

бутун бир суд жараёнини, қолаверса мавжуд ҳукуқ-тартиботни қоралашга қаратилган бўлади.

Ижтимоий-майший нотиқлик – бу турли юбилей тантаналари даги нутқ, ўтиришлардаги қадаҳлар, тўйлардаги сухандон (ўртакашлик) ҳамда асосан бошқа халқлар (рус миллати ва бошқ.) да урф бўлган марсиялардир.

Бундан ташқари, нотиқликнинг алоҳида тури сифатида сахна нотиқлиги, телерадио журналистлари нотиқлиги, жума намози ва амри маъруфларда имом томонидан қилинадиган ваъзхонлик кабилар ҳам ажратилади. Шунингдек, нотиқликни таснифлаш монологик ва диалогик шаклларга ҳам бўлинади.

2. Нотиқликнинг талаблари

Нотиқнинг жамоа олдида нутқ сўзлашга чиқиш тайёргарлиги лабораториясига – мавзуни чуқур ўрганиш, реал масалалар ва илмий манбалардан материалларни танлаб олиш, уларни тартибга солиш, бўлажак маъруза мазмунининг сценарийсини тузиш, режасини белгилаш, тингловчилар тоифасининг хусусиятини ўрганиш, кўргазмали қуроллар, мультимедиа материалларини тайёрлаш, маъruzani талаб даражасида расмийлаштириш, маъруза олдидан бир бор ўқиб, матн тартибини ўзлаштириш каби элементлар киради. Биз санаб ўтган маърузага тайёргарлик қўриш жараёнининг муҳим жиҳати – маърузанинг тузилиши, композициясини тўғри белгилаш.

Нотиқликнинг зарур қоидаларидан бири – кўзланган мақсадга кўра нимаики айтиш жоиз бўлса, барчасини айтиш ва кераксиз нарсани зинҳор айтмасликдир. Маърузанинг мазмунига фақат ишонарли, илмий асосланган қоидаларнигина киритиш лозим.

Яхши тузилган маърузадан йиғилган фактик материаллар, мисоллар, тушунтириш, исботлар, тавсиф ва хулосалар марказий ғояга хизмат қилиши, у билан чамбарчас боғланган бўлиши лозим.

Маъруза композициясини ташкил этувчи элементлар қўйидагича ифодаланади:

- 1) мавзуни баён қилиш ва мантиқан изчил асослаш;
- 2) маъруза режасини асосий ва муҳим масалалар доирасида белгилаш;
- 3) материални кириш, асосий қисм ва хулоса тартибида баён қилиш;
- 4) мавзуга оид адабиётларни тавсия қилиш.

Бу, албатта, маъruzанинг тавсия этилувчи тузилишидир. Чунки мавзудан, аудиториядан ва бошқа муҳим таъсир этувчи омиллардан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир нотикда маъruzанинг таркибий тузилиши айрим хусусийлашган шаклларда намоён бўлиши мумкин. Жумладан, айрим нотиклар кириш қисмисиз бирданига асосий қисмни баён қилишга ўтиб кетаверадилар. Кўп ҳолларда керагидан ортиқ мавзуга кириш билан овора бўлиб қолиш ҳам тингловчиларнинг эътиборини сусайтириши мумкин. Яъни, бир тоифа нотиклар маъruzani чиройли афоризмлар ёки қизиқарли тарихий маълумотлар, ёки тингловчиларга яқин бўлган турмуш масалалари билан бошлашга ҳаракат қилишади. Кўп ҳолларда нотик маҳоратини биринчи айтган иборасининг ўзи ҳам белгилаб бериши мумкин. Агар нотик биринчи сўзиданоқ тингловчиларни ўзига жалб қила олса, билингки, муваффақият таъминланган (маҳоратли ўқитувчила-рингизни кўз олдингизга келтиринг).

Маъruzani баён қилишнинг индуктив ва дедуктив усуллари мавжуд бўлиб, кўпроқ индуктив усулдан фойдаланилади, шунингдек, маъruzada оддийдан мураккабга бориш тавсия қилинади.

Нотик фикридаги тартибсизлик, зиддиятли ҳолатлар, бир фикр доирасида айланиб қолиш, мантиқсизлик, хulosalarнинг йўклиги, аудитория диққатини сусайтиради. Бир фикрдан иккинчисига ўтишда қисқа хulosalar қилиш, мантиқий боғлаш тингловчиларга материалларни ўзлаштиришда қулайлик яратади.

Ҳар қандай, ҳатто академик маъruzаларда ҳам аудитория билан алоқани янада жонлантириш мақсадида турли матал, мақол, машхур кишилар фикрларидан фойдаланиш, маъruzani ҳаётий мисоллар билан бойитиш, лирик чекинишларга рухсат берилади. Маъruzадаги асосий қоидаларни тингловчилар яхши ўзлаштиришлари учун нотик атайн такрорланишлардан фойдаланади. Кераксиз жойда такрорланишга йўл қўйиш эса аудиториянинг маъruzадан безишига, унга қизиқиши йўқолишига олиб келади. Нотикликда маъruzani тўғри тугаллаш ҳам катта аҳамиятга эга. Нотик ўз нутқининг якунида маъruzанинг асосий қисмида айтилган фикрларнинг муҳимларини умумий ҳолда таъкидлаши, муайян тавсиялар бериши, хуллас маъруза ҳақида бир бутун тасаввур яратишга интилиши лозим.

Нотикка қўйиладиган умумий талаблар – зиё тарқатиш, дунёқарашни шакллантириш, инсоннинг соғлом руҳияти ва маънавиятини тарбиялаш каби вазифалардан иборат.

Нотик, аввало, ўзи ўқиётган маъруза мавзунинг мазмун-моҳиятини яхши ўзлаштириб, уни ўзига сингдириши керак. Шунингдек, нотик ўткир зеҳнли, кенг дунёқарашли ва сиёсий жиҳатдан саводхон бўлиши керак. Энг асосийси, доимо маъруза мазмунида юксак ғоявийлик, илмийлик, ахборотланганлик, долзарблик ва ҳаётийлик каби жиҳатлар сақланиб қолган бўлиши керак.

Нотик қанчалик катта тажриба ва маҳоратга эга бўлмасин, аввало, ўрганилаётган мавзуни чуқур ўзлаштирган бўлиши ҳамда тарғиб қилинаётган ғояга аввало ўзи ишониши керак. Агар нотикда бу сифатлар етарли шаклланмаган бўлса, у ҳолда аудитория олдида чиқиш мағлубиятга учрайди ва маърузачи нотик сифатида обрўйини йўқотади. Шу ўринда айтиш жоизки, нотик учун бир томондан кенг дунёқараш, чуқур илмий билим, бой тажриба каби фундаментал асос керак бўлса, иккинчи томондан айнан шу мавжуд билимларни ифодалай олувчи қобилият, имо-ишора, мимика каби воситалар ҳам керак бўлади. Мазкур жиҳатларнинг диалектик бирлигигина нотикни тўлақонли мутахассис сифатида шакллантириши мумкин.

Маъруза сифатининг барометри – аудитория. Яхши маъруза, албатта, ўзининг ижобий таъсирини тингловчиларга ўтказади. Бундай маърузаларни тингловчилар ҳам мароқ билан эшитадилар ва миннатдорлик белгиси сифатида нотикка ҳамоҳанг бўлиб, уни илҳомлантириб турадилар.

Маъузанинг бошланишига қараб унинг мувофақияти белгилаб берилади. Бу ўринда, энг муҳими, аудиториянинг диққатини забт этишдир. Маъруза давомида аудиторияни эътибордан чиқармаслик керак. Тингловчиларнинг ўтириши, нигоҳлари, ўзларини тетик тутишлари ёки уйқусираб ўтиришларига қараб маъузанинг боришини тартиблаштириш мумкин.

Маъузанинг яхши чиқишида кўргазмали қуроллар, мульти-медиа материалларининг ҳам ўрни катта. Лекин бу кўргазмали қуроллардан унумли фойдаланишни билиш лозим. Масалан, аудиторияга кирган заҳоти плакатни доскага осиб қўйиш нотўғри, бу тингловчилар диққатини чалғитади.

Маъузада нотикнинг аниқ талаффузи, оҳангини маъузанинг кульминацион нуқталарига қараб ўзгартира олиши, керак жойда тўғри пауза қилиши, гапириш суръатини бошқариши ҳам муҳим. Моҳир ва тажрибали нотиклар бу усуллардан яхши фойдалана оладилар ва мақсадларига эришадилар.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. «Сўзамоллик» ва «нотиқлик санъати» атамаларининг мазмуни ва мохиятини очиб беринг.
2. Нотиқликни таснифлашда мантиқ илмидаги «тур» ва «жинс» нисбатидан фойдаланишнинг афзаллигини тушунтириб беринг.
3. Ижтимоий-сиёсий нотиқликнинг хусусияти ва ўзига хос таснифланишини кўрсатиб беринг.
4. Ички ишлар идоралари раҳбар ходимларининг омма олдида чиқиши нотиқликнинг ўзига хос тури сифатида қандай хусусиятларда намоён бўлади?
5. Академик нотиқликнинг ўзига хос сифатлари ва турларини кўрсатиб беринг.
6. Суд нотиқлиги нотиқликнинг ўзига хос тури сифатида қандай хусусиятларда намоён бўлади?
7. Суд нотиқлигининг қандай асосий принциплари мавжуд?
8. Прокурор айблов нутқининг хусусиятлари ва унга қўйиладиган талабларни айтиб беринг.
9. Адвокат ҳимоя нутқининг хусусиятлари ва унга қўйиладиган талаблар нималарда кўринади?
10. Ҳуқуқшуноснинг нутқ маданияти ва нутқ одоби деганда нимани тушунасиз?
11. Диний ваъзхонлик нотиқликнинг бошқа турларидан қандай сифатлари билан ажralиб туради?
12. Нутқقا тайёргарликнинг қандай босқичлари мавжуд?
13. Нотик шахсига қандай талаблар қўйилади?
14. Нотиқлик маҳоратини эгаллаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбар ходимлари фаолиятида қандай аҳамиятга эга?
15. Ички ишлар идоралари раҳбар ходимлари фаолиятида нотиқлик маҳоратининг намоён бўлиш шаклларини кўрсатиб беринг.

5-мавзу. НОТИҚЛИҚДА БИЛИШ ЖАРАЁНИ ҲАМДА ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ

Нотиқликда мазмунлилик ва маълумотланганлик.

Нотиқликда ҳиссий ва ақлий жиҳатларнинг диалектик бирлиги.

1. Нотиқликда мазмунлилик ва маълумотланганлик

Инсон дунёни билишда даставвал жонли мушоҳада давомида нарса, ҳодиса ва жараёнларни бевосита сезиш, идрок қилиш ҳамда улар хақида тасаввурлар яратишга, кейинчалик эса тафаккур ёрдамида тушунчалар ҳосил қилиш, мулоҳазалар юритиш ва хуласалар чиқаришга эришади. Ўз навбатида, бу фикр ва мулоҳазаларнинг реал воқеликка мос келиши амалиётда синалади ва чинлиги исботланганлари ҳақиқат сифатида билимларга айланиб боради.

Нотиқликда ҳам инсон оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг янги ва хилма-хил жиҳатларини доимо ўзи учун кашф қилиб боради. Бу жараёнда нотиқ ва аудитория ўртасидаги ўзаро муносабат, нутқ учун танланган мавзу, йиғилган маълумотлар ва уларни нотиқ томонидан аудиторияга етказиб беришнинг ҳиссий, ақлий ва ўзига хос психологик жиҳатларини таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз.

Маълумки, нотиқлик, яъни омма олдида нутқ сўзлаш қадимдан маълум бўлиб, унда нотиқнинг маҳорати орқали муайян бир ғояни кенг халқ оммасига сингдиришга ҳаракат қилинган. Нотиқликнинг ватани бўлмиш қадимги Гречияда нотиқлик санъат даражасига кўтарилиган бўлиб, унинг асосий вазифаси тушуниришга, фикрлашга, муайян хатти-ҳаракатга ундаш ва охир-оқибат тингловчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб уларнинг манфаатларини химоя қилишга қаратилган. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, бундай сўзамолликдан қадимги грек давлатларида ўзига хос тартибда ўтадиган суд жараёнларида кенг фойдаланилар эди. Вақт ўтиши билан омма олдида нутқ сўзлашнинг моҳияти ўзгармаса-да, лекин шакл ва турлари ўзгариб, такомиллашиб бормоқда. Чунончи, ҳозирги кунда нотиқликнинг маъруза, илмий нутқ, илмий маълумот каби бир қанча шакллари мавжуд.

Маъруза, энг аввало, илмий маълумотларни тингловчиларга етарли асосланган, муайян тизимлаштирилган ҳолда тушунарли

қилиб етказиб беришга қаратилгандир. Маъruzalар, ўз навбатида, қандай аудиторияда ўқилишига кўра илмий-оммабоп, илмий-назарий, илмий-методик каби шаклларга бўлинади. Омма олдида нутқ сўзлаш учун танланган маъруза ўз йўналиши, долзарблигига кўра турлича аҳамият касб этиши мумкин. Масалан, ижтимоий-сиёсий мавзудаги маърузада нотик материални муайян ғоявийтарбиявий мақсадга мувофиқ етарли асослар билан исботланган ҳолда кенг халқ оммасига етказиб беришга ҳаракат қиласи.

Ўкув жараёни билан боғлиқ академик маърузаларда ўқитувчи нотик сифатида белгиланган мавзудаги илмий маълумотни етарли асосланган, муайян тизимлаштирилган ҳолда тингловчилар таҳлил қила олиш қобилиятини ифодаловчи дунёқарашининг даражасига мувофиқ оммавийлаштириб етказиб беради.

Манбаларда келтирилишича¹, маърузага тайёрланиш дастлабки, асосий ва тезкор босқичларга бўлиб ўрганилади. *Дастлабки босқичда* мавзуни танлаш ва унинг номланиши устида ишлаш, адабиётлар тўплаш, уларни ўрганиш, шунингдек, маърузанинг тузилиши тартиби ишлаб чиқилади. *Асосий босқич* маърузанинг тўлиқ матни, аудитория олдида чиқиш сценарийси, кўргазмали қуролларни тайёрлашни ўз ичига олади. *Тезкор босқичда* нотик тайёрланган материални яна қайта кўриб чиқиб, лозим бўлса, янги маълумотларни қўшиши, аудитория билан танишиши, унинг ижтимоий-психологик табиатини аниқлаши ҳамда маъруза ўтиладиган хонани олдиндан кўздан кечириши керак бўлади. Нутққа тайёргарлик кўриш давомида нотик томонидан бу босқичларнинг қайдаражада босиб ўтилиши маърузанинг мазмуни ва унда йиғилган маълумотларнинг сифатини белгилаб беради.

Бу жараён жуда мураккаб бўлиб, ўзида ҳиссийлик ва рационаллик (ақлийлик), мазмунлилик ва маълумотланганлик элементларининг диалектик бирлигини мужассамлаштиришни талаб қиласи.

Ҳиссийлик ва рационаллик (ақлийлик)нинг диалектик бирлигига амал қилиш нотикнинг бевосита аудитория олдида чиқиш сифатини таъминлаб берса, мазмунлилик ва маълумотланганлик эса маърузанинг тайёрлик даражасини белгилаб беради. Шу боис нотик ўз маърузасида бу ҳар иккала жиҳатга ҳам teng эътибор бериши лозим.

¹ Михневич А.Е., Тартаковский Р.Н. Методика лекционной пропаганды.– Минск, 1986. – С. 145–153.

Бу ўринда, энг аввало, маърузанинг мазмуни ва маълумотланганлиги нимани англатишини ўзимиз учун аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқдир.

Нутқ (маъруза) мазмуни бу алоҳида мақсад ва ундан келиб чиқувчи ижтимоий-сиёсий, илмий-назарий ва таълим-тарбия каби вазифаларни ўзида акс эттирган муайян ёндашувга биноан муҳокама мавзуига айланган нарса, ҳодиса ва жараёнлар томонлари, хусусиятлари ва муҳим белгилари йиғиндининг нотиқ нутқида ифодаланишидир.

Нутқнинг маълумотланганлиги эса нотиқнинг маъруза мавзуига айланган воқелик ҳодисалари (фактлар, воқеалар, жараёнлар), муайян ижтимоий аҳамиятга эга ғоя ва назариялар, инсоният олдида турган вазифалар ҳамда уларни амалга оширишнинг усул ва воситаларидан хабардорлик даражасидир.

Маъруза мазмуни «соф» ҳолда мавжуд бўла олмай, аксинча, унинг тилга (сўз – сўз бирикмаси – гап – матн), мантиққа (тушунча-хукм–хулоса–исботлаш) ва ифодаланиш услубига оид маъруза, сұхбат, монолог, диалог каби шаклларида намоён бўлади.

Нотиқликда ҳар қандай нутқнинг мазмуни (у талабаларга маҳсус фан бўйича ўқиладиган маъруза ёки муайян бир муассаса жамоасига мўлжалланган ижтимоий-сиёсий нутқ бўлиши мумкинлигидан қатъи назар) нафақат муаммонинг ижтимоий-сиёсий кескинлиги ва долзарблиги, балки унда йиғилган маълумотлар ва уларнинг мавқеи, ишонарлилик даражаси, шунингдек танланган мавзунинг характеристи каби омиллар билан ҳам белгиланади. Маърузанинг мазмунини очишда унинг предмети, мавзуи, материали (ахборот) каби тушунчаларни тўғри фарқлаб олиш зарур.

Маърузанинг предмети – нотиқ муҳокамасига айланган нарса, ҳодиса, жараённинг муайян томони. Мавзуда нотиқ нарса ёки ҳодиса таҳлилининг муайян тартибини ўзи учун белгилаб олади.

Ахборот (маълумот) – муҳокама ва таҳлил қилинаётган мавзу ҳақида муайян фикр юритишга асос бўлувчи маърузанинг материали сифатида намоён бўладиган фактик далиллар. Маълумотлар ўз табиатига кўра, миқдорий кўрсаткичга, мазмунлилик ҳамда аксиологик, яъни қимматлилик даражасига эга бўлади. Шунингдек, маълумотлар фактик материалнинг характеристига кўра объектив, ёлғон, сунъий соҳталаштирилган, йўналтирилган, сараланган бўлиши ҳам мумкин. Лекин нотиқ буларнинг ичидаги тажрибада синалган, ишонарли ва объектив маълумотлардан фойдалана олганда гина

маърузада кутилган натижаларга эришиши мумкин. Чунки ёлғон, сунъий сохталашибилган, йўналтирилган ҳамда бир томонлама сараланган маълумотлардан фойдаланиш охир-оқибат маърузанинг саёзлиги, қарши далилларга чидамсизлиги, бўшлигига олиб келади.

Шундай хатоликларнинг олдини олиш учун маълумотлар қуидаги талабларга жавоб бериши лозим: етарли, аниқ, қўргазмали, тингловчилар талабларига жавоб берувчи; тартибли, тизимли, тингловчиларга самарали таъсир кўрсатувчи; предметли ва муайян мазмунли.

Мавжуд маълумотлардан ўринли ва тўғри фойдаланишда тингловчиларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, тайёрланганлик даражасини ҳисобга олиш алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, нотиқда тингловчиларга берилган маълумот учун аудитория олдида жавобгарлик ҳисси бўлиши муҳим сифат бўлиб, нутқнинг мақсадли йўналтирилганлик даражасини белгилаб беради. Маълумотлар турли чиқишларда турлича аҳамият касб этса-да, лекин ҳеч қачон охиригича тугалланган бўла олмайди, шунинг учун ҳам уларни қайта-қайта текшириб, доимий равишда тўлдириб бориш лозим.

Юқоридаги фикрлардан хulosа қилиб айтиш мумкини, нутқнинг мазмунини нотиқ танлаган мавзунинг муҳимлигини давр талаблари даражасида ёритиб бериш белгилайди. Демак, нотиқ нутқни тайёрлаш давомида маълумотланганлик даражасига қанчалик эътибор берса, тайёрланган нутқнинг мазмuni шунчалик бой бўлиши муқаррар. Бу эса нотиқдан ушбу маърузада кўрсатилаётган икки жиҳатга, яъни маълумотланганлик ва мазмунлиликнинг диалектик алоқадорликда бўлишини таъминлашга кўпроқ эътибор беришни талаб қиласи.

2. Нотиқликда ҳиссий ва ақлий жиҳатларнинг диалектик бирлиги

Маълумки, оммавий чиқишида нотиқ билан аудитория (муайян тингловчилар групхи) ўртасида «субъект – объект» муносабатлари намоён бўлади. Бу муносабатнинг бир томони нотиқ тингловчиларга фаол таъсир қилиши натижасида уларда муайян билимларни ҳосил қилиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи томони тингловчиларнинг бу билимларни қай даражада ўзлашибил олишига боғлиқ бўлиб, ўзида ҳиссий мушоҳададан ақлий тафаккурга, ундан амалиётга борувчи билиш жараёнининг диалектикасини мужассамлаштиради.

Инсонларнинг билиш фаолияти ўзида воқеликни инъикос қилувчи сезги, идрок, тасаввур, диққат, хотира, тафаккур каби шаклларини мужассамлаштирувчи мураккаб психик жараён бўлиб, таълим ва тарбия соҳасида муҳим ўрин тутади. Ҳар қандай ахборотни ўзлаштириш, энг аввало, инсон бош миясининг жадал фаолияти билан боғлиқ ҳолда идрок қилинувчи ҳодисанинг моҳиятига тафаккур ёрдамида кириб бориш демакдир. Идрок қилишнинг муҳим қонуниятларидан бири – унинг инсон психик фаолияти, яъни шахсий табиатига тобелиги. Илмий тадқиқотларда исботланишича, идрок қилиш шахснинг амалий тажрибаси, дунё-қарashi, интеллекти, қизикиши, кайфияти, эҳтиёжи каби бир қатор омилларга боғлиқ экан. Шу боис нотиқ ўз чиқишини аудиториянинг қизикиши, эҳтиёжи, идрок қила олиш қобилияти каби ижтимоий психологик табиатини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиш керак.

Масалан, асосан аёллардан ташкил топган аудиторияда образли ифодалар, ёрқин мисоллар, қизиқарли фактлар ёрдамида тушунтирилган маъruzaga осонроқ ўзлаштирилса, эркаклар аудиторияси эса нисбатан талабчан бўлиб, маъruzанинг мантиқийлигига, исботланган фактлар билан асосланганлик даражасига қўпроқ эътибор беради. Шунингдек, ёшлар аудиторияси ҳам мураккаб ижтимоий-психологик табиати туфайли нотиқдан маъruzага масъулият билан ёндашишни талаб қиласди.

Демак, нотиқнинг чиқишида яхши натижага эришишнинг биринчи шарти аудитория билан керакли мулоқот ўrnата олишдир. Бу ўринда нотиқнинг шахси, обрўйи, табиати, билими, тажрибаси каби жиҳатлари ҳам аудиторияга албатта таъсир қиласди. Лекин, шу билан бирга, нотиқ ва аудитория ўртасидаги муносабатда ўзаро тушуниш, ўзаро хурмат, мулоқотга икки томонлама мойиллик муҳитини мохирона яратади. Олишнинг ўзи ҳам қўп ҳолларда маъruzанинг яхши чиқишини кафолатлади.

Маълумки, инсоннинг ташқи муҳит билан бевосита муносабати, энг аввало, унинг сезги органлари орқали амалга ошади. Шунинг учун ҳам аудитория, ундаги анжомларнинг жойлашиши ҳамда нотиқнинг ҳамма учун кўринадиган жойда туриши, овозининг эшитарли бўлиши, нутқидаги ишончлилик, жозиба, эмоционаллик даражасининг кучлилиги каби психологик омиллар тингловчининг сезги аъзоларига таъсир этиб, унда бу барча таъсирларни умумлаштирувчи нарса ва ҳодисалар ҳақида яхлит образни шакллантиради. Бу жараёнда хотиранинг ҳам ўрни катта бўлиб, унинг

ёрдамида инсон миясида олдин яратилган образлар қайта тикланади ва кишида муайян тасаввурни ҳосил қиласи.

Демак, тингловчининг билиш фаолияти нарсаларни сезги аъзолари орқали бевосита ҳис қилиш, идрок ва тасаввур этишдан бошланар экан. Бу ўринда олий ва ўрта маҳсус таълимнинг ўқув жараёнидаги ўзига хос жиҳатини ҳисобга олган ҳолда нотиқ тингловчига таъсир қилишда кўргазмали қуроллар ва замонавий ўқув-техника воситаларидан унумли фойдаланиши зарур. Масалан, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммоси билан боғлиқ мавзу бўйича маъруза қилганда, жиноятчиликнинг турлари бўйича ўсиш ва камайиш суръатларини ифодаловчи диаграммаларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, мультимедиа материалларидан фойдаланиш ҳам маърузанинг сифатига ижобий таъсир қилиб, тингловчиларнинг мавзуни ўзлаштириш даражасини оширади.

Киши ташқи таъсирни сезишда, идрок қилишда, унга ўз дикқатини қаратишда, бевосита мазкур таъсирнинг нечоғли кучли қўзғатувчи бўла олганлиги муҳим. Ўз навбатида, ташқи таъсирнинг кучли қўзғатувчи бўлиши, энг аввало, унинг киши эҳтиёжи, манфаати ва қизиқишига мос келиши билан боғлиқ. Маърузага қизиқиш уйғониши учун тингловчи маърузанинг ўзига кераклигини ва унинг муайян бир эҳтиёжини қондириши мумкинлигини англаши керак. Нотиқ тингловчининг дастлабки қизиқишлирини сўндиримаган ҳолда, янги истакларини яратишга ҳаракат қилиши орқали унинг дикқатини доимо бошқариб туриши лозим.

Дикқат, ўз навбатида, мураккаб психик жараён бўлиб, унда инсон онгининг муайян бир объектга йўналтирилганлик ва жамланганлик даражаси ифодаланади. Дикқатнинг қуйидаги уч тури фарқланади:

1) *ихтиёрий*, яъни олдиндан англанган ва қўйилган мақсад орқали ҳосил бўлган дикқат;

2) *ихтиёрсиз*, яъни тўсатдан пайдо бўлган шовқинга, буюмларнинг нигоҳни олувчи ялтираган деталлари каби режалаштирилмаган тасодифий дикқат;

3) *ихтиёрийдан кейингги дикқат*, яъни иродавий зўриқишиз кишини ўзига тортадиган қизиқарли ҳолатлари билан дикқатни саклаб туриш.

Нотиқ учун психологик жараён сифатида дикқатни ва унинг турларини билиш маърузани қизиқарли ва мазмундор қилиб ташкил қилишга методологик асос бўлади. Нотиқ тингловчилар дикқатини

дарс бошидан жалб қилиши лозим, акс ҳолда умуман аудиториядан ажралиб қолиши мумкин. Аудиторияни бошидан бошқариш учун нотик ўзининг ташқи кўринишига эътибор бериши, тингловчилар олдида чиқиш тартибини, маъruzанинг ифодалаш шаклини, қўйингки, ҳатто бошланиши учун қулай вақтни танлаш каби элементларни олдиндан режалаштириши лозим.

Нотик шахси ҳақида гап кетганида, унинг жамиятдаги обрў-эътибори, ўз касбининг моҳир устаси бўлиши, илмий-гоявий тайёргарлик даражасининг юқорилиги, киришимлилиги, инсонларни ишонтира олиши, мақсадга эргаштира олиши каби жиҳатлари маърузанинг натижасига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллар сифатида катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари, нотикнинг ташқи кўриниши, кийинишидаги эстетик дид, минбарда қаддини ростлаб туриши каби жиҳатлар ҳам бошидан охиригача маърузанинг моҳияти, мақсади ва вазифаларига бўйсунган бўлиши керак.

Аудитория диққатини ўзига бўйсундиришнинг нотик билиши керак бўлган турли хил маҳсус психологик усуллари мавжуд бўлиб, уларга қўйидагилар киради:

1) *маърузани аудитория кутмаган тарзда бошлиши*. Масалан, олий ўқув юртларидан бирининг доцентига лицей ўқувчилари олдида ўзи ишлаётган ўқув юрти ҳақида уни тарғиб этувчи маъруза ўқишини юклатишиади. Тингловчилар ҳам айнан шу йўсиндаги маърузани эшитишига тайёр бўлиб туришиади. Лекин нотик маърузанинг бошидан ўзи вакил бўлиб келган олий ўқув юртини тарғиб қилиш мақсадида эмаслигини, аксинча, бу ўқув юртига кирувчи талабгорлар керагидан ҳам кўплигини, шунинг учун ҳам ниятлари жиддий бўлмаган, ўзи учун астойдил мақсад қилиб олмаганлар бекорга ҳаракат қилиб юрмасликларини маслаҳат беради. Бу эса, ўз навбатида, барча ўқувчиларни қизиқтириб қўяди ва маърузанинг охиригача нотик нутқини диққат билан эшитишига ҳаракат қилишиади ва маъруза кутилган натижани беради, яъни мақсадга эришилади;

2) *аудиторияга шахсий дахлорлигини ифодалаши орқали яқинлашиши*. Нотик бу усулдан фойдаланганда ўзи ташқаридағи киши эмаслигини, аудиторияда ўтирган тингловчиларнинг ҳаёти, қувончи, ташвишлари ва муаммоларини кимдандир эшитгани учун эмас, балки ўзи ҳам улардан бири бўлгани ва ўзида ҳис қилгани туфайли жуда яхши билишини айтиб, аудиториянинг диққатини тортишга ҳаракат қиласида;

3) янги маълумотларни келтириши. Ўтаётган маърузага боғлаган ҳолда аудитория учун долзарб масала бўйича олдин айтилмаган янгиликни айтиш орқали дикқатни жамлаш;

4) муаммоли вазиятларни яратиш. Бу усулдан фойдаланганда нотик аудиторияга савол билан мурожаат қилиб, улардан муаммонинг ечимини топиш йўллари бўйича фикрларини сўраш орқали залда қисқа жонланиш пайдо бўлишини таъминлайди. Нотик бу жонланишдан ҳам унумли фойдаланиши зарур, акс ҳолда аудитория бошқарувдан чиқиб кетиб, дарсга халақит бериши мумкин;

5) шахсий алоқадорлик ҳиссини уйготиш. Бунда нотик аудиторияни аниқ бир ҳодисанинг иштироқчиси сифатида тасвирлайди. Масалан, жиноят-процессуал жараён бўйича маъруза ўтаётган нотик жиноятни тергов қилишда содир бўлган типик вазиятда аудиториядан терговчи сифатида қандай ҳаракатлар қилишини тасаввур қилишларини сўраши ва шунга боғлиқ ҳолда ўз фикрини ривожлантиришда давом этиши мумкин.

Мазкур таснифлаш орқали биз аудитория дикқатини жалб қилиш усулларининг айримлари ҳақидагина маълумот бердик. Аслида бу усуллар кўп бўлиб, нотик ўз педагогик тажрибаси давомида ўзи учун маъқулларини танлаб, ўзлаштириб боради.

Инсон сезги органлари орасида эшитиш ва кўриш маълумотни қабул қилишда, идрок қилишда муҳим роль ўйнайди. Маъруза залларида ҳам тингловчиларга маълумотни узатишнинг асосий каналини эшитиш ва кўриш ташкил қиласи. Шунинг учун ҳам нотик мазкур каналлар орқали аудиторияга таъсир даражасини назорат қила олиши, уни бошқара билиши лозим.

Ҳар қандай мазмунли маъruzani тингловчиларга етарли даражада етказиш бу, энг аввало, нотик нутқининг оҳангига, унинг аниқ ва равон бўлишига, турли ишоравий ҳаракатлар (жест)дан ўринли фойдалана олишига боғлиқ. Эштилган ахборот (информация)ни инсон лингвистик ва паралингвистик каналлар орқали идрок (қабул) қиласи.

Лингвистик канал маъruzанинг асосий мазмунини ифодаловчи тилнинг турли хил воситалариdir. Нотикнинг тилни мукаммал билиши лингвистик каналнинг «соғ»лигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, берилаётган ахборотнинг аникроқ бўлишини, доимий барқарор дикқатни, қолаверса, нотикнинг обрўи юқорироқ бўлишини ҳамда унинг аудиторияга таъсири янада ортишини таъминлаб беради. Нотик нутқ маданиятининг мезони ҳам айнан шу кўрсаткич билан ифодаланади.

Паралингвистик канал сўз, ибора каби тилнинг асосий бирикмалари билан параллел равишда намоён бўладиган товуш воситаларидир. Уларга товуш оҳангি, йўталиш, гапни тўхтатиб, чукур нафас олиш ёки жим бўлиб қолиш, гапириш суръати, «х-м-м», «х-а-а» каби қўшимча овоз чиқаришлар киради.

Нотиқнинг нутқи жонли, жозибали, ифодали, аниқ ва равshan, таъсирчан бўлиши керак. Нотиқнинг оғзаки нутқига жуда катта талаб қўйилади. Катта педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчиларга маълумки, кўп ҳолларда маъруза ўз мазмунига кўра талаб даражасида яхши тайёрланган бўлса ҳам, айрим ҳолларда нотиқнинг тажрибасизлиги ва ўзига ишончсизлиги туфайли мақсадга эришмайди, яъни маъруза мазмуни тингловчиларга етиб бормайди. Маърузада бундай нуқсонга йўл қўймаслик учун нотиқ аудитория билан жонли мулоқотни ўрната олиши керак. Айтайлик, нотиқ минбарда туриб олиб, маърузани ҳеч қандай қизиқишиларсиз, ҳис-туйғуларсиз матндан бошини кўтармай ўқиб берди. Албатта, бундай маърузанинг фойдасидан кўра зиёни кўпроқ бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, тингловчининг тафаккурига таъсир қилиш, энг аввало, унинг сезгиси, ҳис-туйғуларига таъсир қилишдан бошлиниади. Бу ўринда нотиқда ўз нутқини эркин, оддий, эмоционал, образли қилиб ифодалай олиш қобилияти шаклланган бўлиши лозим.

Ахборотни қабул қилишнинг кўриш сезгисига оид канали тингловчи ўтирган маъруза хонасидаги барча нарсалар, ундаги анжомлар, кўргазмали қуроллар ва, энг аввало, нотиқнинг юриштуриш тарзи, имо-ишораларини ўз ичига олади.

Тингловчи кўриш орқали қабул қилган ахборотнинг психологик аҳамияти жуда катта. Чунки тингловчи нотиқнинг нафакат овозини эшитиш, балки унинг турли хатти-ҳаракатларини кўриб туриб ҳам кўпгина маъноларни ўзи учун англаб олиши мумкин. Шунинг учун ҳам маърузада тажрибали нотиқлар бир маромдаги доимий гапириб туришдан қочиб, кўргазмали воситалар – плакатлар, мультимедиа материаллар, ёки ҳеч бўлмаганда, доскадан фойдаланишга ҳаракат қилишади ва шу орқали тингловчилар дикқатини тутиб туришга мусассар бўлишади.

Нотиқ ўз чиқишида тингловчиларнинг эшитиш, кўриш каби сезгиларига сўзи, ундаги оҳангি, образли ифодалари, муайян маъноларни англатувчи кўл ҳаракатлари, кўргазмали ва ўқув-техника воситалари билан моҳирона таъсир қила олиши туфайли

уларда маъruzага қизиқиши, уни ўзлаштиришга мойилликни секинаста шакллантира боради. Лекин бу элементлар инсон билишининг ҳиссий босқичига алоқадор бўлган жиҳатларни акс эттириш билан чекланган бўлиб, билиш жараёнини тўлалигича қамраб олишни ифодалай олмайди. Чунки инсон табиатан ташқи таъсирларни нафақат ҳис қилишга, балки тафаккур ёрдамида таққослаш, таҳлил қилиш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, уларга баҳо бериш ва хулоса чиқаришга қодир.

Фанда билиш жараёнини ҳиссийлик ва рационаллик (ақлийлик) босқичларига бўлиш, илмий таҳлил қилишнинг муҳим шарти сифатида қабул қилинган. Лекин, аслида, инсоннинг ташқи оламни билиши яхлит жараён бўлиб, унда ҳиссий ва ақлий жиҳатлар бир акт сифатида намоён бўлади. Чунончи, инсон бирор нарса хақида фикр юритиши учун олдин албатта сезги органлари орқали ҳис қиласи, идрок қиласи, муайян тасаввурга эга бўлади ва аксинча, инсоннинг ташқи таъсирни ҳис қилишининг ўзи ҳам бевосита унда ҳаёт давомида шаклланган тажриба, қобилият, интеллект ва маданиятига асосланади.

Агарда ҳиссийлик нотиққа аудиториянинг руҳий муҳитини билиш, унга таъсир этувчи воситалардан унумли фойдаланиш имконини берса, ақлий билишда намоён бўлган мантиқийлик эса, ўз навбатида, фикрнинг давомий изчиллигини, исботлаш ва раддиядан тўғри фойдаланишни, ҳиссий ва ақлий жиҳатлар муносабатларидағи мувофиқликни аниқлашга ёрдам беради.

Яхши маъruzанинг зарурий сифати бўлмиш мантиқийлик ўзида фикрлардаги муайянлик, изчиллик, далилларнинг ишонарлилиги, хулосанинг асосланганлигини намоён қиласи. Нотик ўз маърузасида мантиқийликнинг бундай жиҳатларини албатта эътиборга олиши ва уларга асосланиши лозим.

Маъruzага қизиқиши ва унинг таъсирчанлик даражаси нотик танлай олган мантиқий кетма-кетликнинг тўғрилигига боғлиқ. Маъruzада мантиқий кетма-кетликка амал қилиш навбатдаги фикрнинг ундан олдинги фикрга асосланиб келишида намоён бўлади. Мазкур кетма-кетликнинг бир неча фактик маълумотларни келтириш асосида умумий хулосага келувчи индуктив, ҳамда муайян бир умумий фикрни фактлар билан асослаб берувчи дедуктив усуслари мавжуд. Нотик маъруза давомида ифодаланган фикрнинг табиатига кўра, бу икки усуслдан ҳам тўлақонли фойдаланиши мумкин.

Маърузанинг мантиқий кетма-кетлик қоидалари мавжуд бўлиб, уларга маълумдан номаълумга, яқиндан узоққа, оддийдан мураккабга, эскидан янгиға (хронологик кетма-кетлик) бориши кабилар киради. Ҳар бир нотиқ мазкур қоидаларни билиши ва уларга амал қилиши шарт. Мантиқийлик деганда, нафақат мантиқий кетма-кетлик, балки фикрларнинг аниқлиги, асосланганлиги ва улардан тўғри хуносаларга келиш ҳам тушунилади. Шунинг учун бу ўринда мантиқнинг айният, нозидлик (зиддиятсизлик), учинчиси истисно, етарлича асосланганлик қонунларини билиши ҳамда уларга амал қилиши ҳам нотиқнинг тафаккур маданиятидан далолат беради.

Ўз навбатида, замонавий тафаккур маданиятига эга бўлиш қуйидаги принципларга амал қилишни талаб этади:

- 1) билимларни доимий кенгайтириш, чуқурлаштириш ва янгилаш;
- 2) билимларни атайнин чеклаш, ахборотни саралаш;
- 3) эскини янгича кўриш;
- 4) мавжуд фактларни тизимли тартиблиликка кўра таҳлил этиш;
- 5) диққат-эътиборни энг муҳим ва аниқ билимларда жамлай олиш;
- 6) ҳодисаларни таҳлил қилишда илмийлик, ижодийлик;
- 7) интеллектуал сабр-тоқатлилик;
- 8) ҳазил-мутойиба ва ҳ.к.

Ушбу принципларни билиш ва уларга амал қилиш кўнижасини ўзида шакллантириш нотиқ маҳоратининг даражасини белгилайди.

Демак, хулоса ўрнида айтиш мумкинки, маъруза омма олдида чиқишининг бир тури сифатида мураккаб жараён бўлиб, ўзида ҳиссий ва ақлий жиҳатлар, мазмунлилик ва маълумотланганлик элементларининг диалектик бирлигини мужассамлаштиради ва, ўз навбатида, нотиқдан шу қоидага амал қилишни талаб этади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Нотиқликда мазмунлилик ва маълумотланганликнинг ўзаро муносабати нимада намоён бўлади?
2. Нотиқликда ахборотга бойлик ва мазмундорлик нисбати масаласининг тўғри ечимини топиш қандай аҳамиятга эга?
3. Ахборотда объективлик ва субъективликнинг нисбати қандай мезон асосида белгиланади?

4. Нотиқликда юксак ғоявийлик ва билимнинг аҳамияти нимада ифодаланади?
5. Нотиқликда ҳиссийлик ва рационалликнинг диалектик бирлиги нимада намоён бўлади?
6. Аудитория хусусиятига қўра нутқ сўзлашда ҳиссий (эмоционаллик) ва ақлий (рационаллик) уйғунликка эришишнинг объектив мезони нимада?
7. Аудитория дикқати ва уни бошқаришнинг қандай психологик усусларини биласиз?
8. Нотиқ шахсининг аудиторияга таъсири нималарда намоён бўлади?
9. Тингловчиларни ҳаяжонлантира ва ишонтира олиш, уларда муайян ҳис-туйгуларни уйғотишнинг қандай шартлари мавжуд?
10. Импровизация ва унинг ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятидаги ўрнини мисолларда кўрсатиб беринг.
11. Мантиқийлик нотиқликнинг муҳим талаби эканлигини ички ишлар идоралари ходимлари фаолияти мисолида кўрсатиб беринг.

6-мавзу. НУТҚНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСЛАРИ

Тафаккур шакллари ва уларни билишнинг нотиқлик учун аҳамияти.

Тафаккур қонунлари нутқда изчиллик ва мантиқийликнинг ифодаси сифатида.

Исботлаши нотиқликда ишончлиликнинг мантиқий асоси.

1. Тафаккур шакллари ва уларни билишнинг нотиқлик учун аҳамияти

Маълумки, нутқ кишиларнинг улар ўртасидаги мулоқотни таъминлашга қаратилган фаолият тури бўлиб, ўзида фикрни адабий тил қоидаларига мувофиқ тўғри, эркин, аниқ, мантиқан изчил ва таъсирли баён қилишнинг ўзига хос усулини акс эттиради. Бошқача айтганда, нутқ кишиларнинг бир-бирларига ўз фикрини тўғри, аниқ, тўлақонли, мақсадли, етарли даражада таъсирчан қилиб етказа олиш қобилиятидир. Тўғри, ҳар бир инсон ўзининг фаолият тури, дунёқараши, ҳаёт тажрибасига мос равишда ўзида муайян нутқий кўникмаларни шакллантира олади ва уларга баҳолар ҳам турлича бўлиши мумкин. Лекин гап нотиқ нутқи, қолаверса, ички ишлар идоралари раҳбар ходимларининг нутқи ҳақида борар экан, улар нутқи ўзининг тўғрилиги, аниқлиги, изчиллиги каби сифатлари билан ажralиб туриши лозим.

Модомики, нутқ, юқорида таъкидлаганимиздек, аввало, инсоннинг ўз фикрини тўғри, аниқ тушунарли қилиб ифодалай олиш қобилияти билан боғлиқ экан, у ҳолда нотиқ тўғри фикрлаш қонун-қоидаларидан хабардор бўлиши керак. Айнан шу маънода биз мазкур мавзуда ўз таҳлилларимизни фикр, яъни тафаккур ривожланишининг шакл ва қонунларини ўрганувчи мантиқ илмига, унинг муайян сир-асрорларига қаратамиз.

Мантиқ илмида ўрганилишича, инсон тафаккури билишнинг юқори босқичи бўлиб, унда нарса ва ҳодисалар ҳамда улар ўртасидаги умумий, муҳим боғланишлар муҳим бўлмаганларидан ажратилиб, мавҳумлаштирилган ҳолда тушунча, ҳукм ва хулосалар шаклида тил орқали ифодаланади.

Тафаккурга берилган бу таърифни аниқроқ тушуниш учун фикрнинг ўзига хос хусусияти, яъни ҳар бир фикр ўз мазмуни ва мантиқий шаклига эга эканлигини билиб олишимиз зарур. Фикрнинг мазмуни деганда, энг аввало, унда акс этган нарсалар, уларнинг хусусият ва муносабатлари тушунилади. Фикрнинг мазмуни дунёдаги нарса, ҳодиса ва жараёнлар сингари кўп қиррали жиҳатларга эга. Шу ўринда фикрнинг мазмунини билиш учун, унинг ҳар бир тилда турлича ифодаланишини мисол тариқасида келтириб ўтамиз. Масалан, «жиноят» сўзининг рус тилида «преступление» деб аталиши, унинг ижтимоий хавфли ҳаракат сифатидаги асл мазмунини ўзгартирмайди. Кўриб турганимиздек, ўзбек ва рус тилларида муайян бир мазмундаги фикр тилга боғлиқ бўлган турлича рамзий белгиларда ифодаланган бўлса ҳам ўз мазмунини ўзгартиргани йўқ. Шу билан бирга, биз тилларда бир хил рамзий белгиларда ифодаланиб туриб, аслида эса турлича мазмун касб этадиган атамалардан ҳам талай мисоллар келтиришимиз мумкин.

Энди фикрнинг аниқ мазмунидан мавҳумлаштирилиб, унинг мантиқий тузилишини ифодаловчи тафаккур шаклларига тўхтала-миз. Чунки мазмуни жиҳатидан ўзаро фарқ қилувчи фикрлар, уларни муайян бирликларда бирлаштирувчи тушунча, ҳукм ва хулоса каби тафаккур шаклларида намоён бўлади.

Таҳлилимизни тафаккурнинг дастлабки шакли бўлмиш тушунчадан бошлаймиз. Чунки нотиқ нутқининг муваффақияти, энг аввало, унинг тушунчалардан тўғри ва ўринли фойдалана олиш қобилиятига боғлиқдир. Бунинг учун эса нотиқ тушунчанинг тафаккур шакли сифатидаги хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятларини билиб олиши лозим. Жумладан, тушунча, аввало, моддий дунёдаги нарса, ҳодисаларнинг умумий ва муҳим, ўзига хос белгиларининг инсон миясида яхлит ҳолда акс эттирилиши бўлиб, унинг шаклланишида нарсаларни бир-бирига таққослаш, анализ (хаёлан бўлакларга ажратиш), синтез (ажратилган бўлакларни яна бир жойга йиғиш), мавҳумлаштириш ва умумлаштириш каби мантиқий усуслардан фойдаланилади.

Муайян нарса ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун дастлаб, ушбу нарсанинг бошқалар билан ўхшашлиги ёки фарқи таққослаш орқали аниқланса, кейинчалик тадқиқ этилувчи обьект хаёлан таркибий қисмларга ажратилади ва ажратилган бўлаклар яна бир бутунга тўпланади. Масалан, терговчи ҳодиса сифатида олинган жиноятнинг моҳиятини тушуниш учун уни турли хил тахминлар орқали таҳлил

қилиб кўради. Жиноят содир этилган жойни кўздан кечираётганда дастлаб турли далилларни гурухларга ажратади (таҳлил қилади) ва шундан сўнг бу маълумотларни йигади, синтез қилади. Синтезлаштириш жараёнида фикр яккадан умумийга, қисмдан бутунга, аниқликдан мавҳумликка боради. Тушунча шаклланишининг кейинги жараёнида нарса ва ҳодисаларнинг иккинчи даражали, муҳим бўлмаган алоҳида хусусиятлари нарсанинг ўзидан ажратилади, яъни мавҳумлаштирилади. Шундан сўнг умумлаштириш жараёни бошланиб, унда нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белги ёки хусусиятларининг боғланишлари фикран муайян тушунчага бирлаштирилади. Шу тариқа тушунча ҳосил бўлади.

Тафаккур шакли сифатида тушунчанинг моҳиятини аниқроқ англаб олиш учун мисол тариқасида бир-биридан мазмунан фарқ қилувчи «ўзрилик» ва «аксиома» сингари икки хил ҳодисани олишимиз мумкин. Биринчи ҳолатда ўзганинг мулкини яширинча талон-тарож қилиш, иккинчи ҳолатда эса исботсиз қабул қилинадиган билим тушунилади. Лекин, бу икки ҳодисани акс эттирувчи турли мазмундаги фикрлар ҳар иккиси учун умумий бўлган бир хил мантиқий шаклда, яъни тушунчада ифодаланади.

Ушбу таҳлилда биз, икки мазмундаги фикрни, улардаги умумий ва муҳим белгиларнинг такрорланишига кўра «тушунча» деб аталувчи тафаккур шаклига бирлаштиридик. Мантиқий шаклда фикрлар ўз аниқ мазмунидан ажralган ҳолда муайян рамзий белгилар билан ифодаланади. Жумладан, тушунчада биз фикрда ифодаланган муайян бир нарсани «Х» ёки унга оид белгиларни «а», «б», «с» билан белгилаб, фикрнинг аниқ мазмунига боғлиқ бўлмаган мантиқий шаклни ифодалаймиз. Келтирилган бу мисолларда мазмунан турли хил бўлган нарса ва ҳодисаларнинг тафаккурда бир хил шаклда, яъни ўзаро алоқадор муҳим белгиларнинг муайян тизимини ифодаловчи тушунча шаклида намоён бўлишини кўриб турибмиз.

Нотик учун ўз нутқини тузишда тушунчалар билан бажариладиган умумлаштириш, чегаралаш, таърифлаш, бўлиш ва таснифлаш каби мантиқий амаллардан тўғри фойдаланишнинг тартиб-қоидаларини билиш алоҳида аҳамият касб этади.

Тушунчани чегаралаш ва умумлаштиришда унинг мазмuni ва ҳажми ўртасидаги тескари нисбат қонуни амал қилади. Чунончи, тушунчани чегаралашда ҳажми кенг тушунчадан ҳажми тор тушунчага (жинс тушунчадан тур тушунчага) фикран ўтилади.

Масалан, «хуқуқ» тушунчасидан «маъмурий хуқуқ» тушунчасига ўтсак, унинг ҳажмини чегаралаган бўламиз. Чегаралашда берилган тушунча – «хуқуқ» жинс тушунча деб қабул қилиниб, унинг мазмунига тур тушунча ҳосил қилувчи белгилар қўшилади. Натижада унга нисбатан тур ҳисобланган янги тушунча – «маъмурий хуқуқ» тушунчаси ҳосил бўлади. Чегаралаш амали якка тушунча ҳосил бўлгунча давом эттирилиши мумкин.

Тушунчаларни умумлаштириш усули ёрдамида бир тушунча ҳажмини ташкил этувчи буюмларга хос айрим белгиларни бирмабир олиб ташлаш йўли билан бошланғич тушунчанинг ҳажми кенгайтирилади.

Бошқача айтганда, тор ҳажмдаги тушунчалардан кенг ҳажмдаги тушунчага (тур тушунчасидан жинс тушунчасига) фикран ўтиш ҳосил бўлади. Масалан, берилган тушунча – «хонадон ўғирлиги» тур тушунча деб қабул қилиниб, унинг мазмунидан фақат унга хос бўлган тур ҳосил қилувчи белгилар чиқариб ташланади ва натижада «ўғрилик» тушунчаси ҳосил қилинади. Тушунча ҳажмини янада кенгайтирсак, у ҳолда «жиноят» тушунчасига ўтилади. Умумлаштириш амалининг чегараси энг умумий тушунча, яъни категориядир. Чунки категориялар учун жинс бўлган тушунча йўқ.

Тушунчанинг ҳажмини аниқлашга қаратилган мантиқий амал бўлиш деб аталади ва унда муайян бўлиш асосига кўра, бўлинувчи тушунчанинг ҳажми нисбатан кичик ҳажмли бошқа тушунчаларга ажратилади. Бўлиш мантиқий амалини бўлинувчи тушунча (ҳажми аниқланиши лозим бўлган тушунча), бўлиш асоси (предметнинг тушунчада фикр қилинадиган бирорта умумий белгиси) ва бўлиш аъзолари (бўлиш натижасида ҳосил қилинадиган тур тушунчалар) ташкил этади. Масалан, «давлат» (бўлинувчи) тушунчасини муайян асос «бошқариш» усули (бўлиш асоси)га кўра бўлсақ, унда яккаҳо-кимликка асосланган ва республика типидаги давлатлар (бўлиш аъзолари)га ажратиш йўли билан унинг ҳажми аниқланади.

Тушунчаларни бўлишнинг энг кўп тарқалган тури дихотомик бўлишdir. Унда буюмларни маълум белгига кўра икки гурӯхга, яъни белги мавжуд бўлган нарсалар (улар одатда бўлиш асосини ташкил қиласди) ва белгига эга бўлмаган нарсаларга ажратади. Бошқача айтганда, бир тушунча икки қарама-қарши ёки зид тушунчаларга бўлинади. Масалан, суд ҳукмиadolatli ёкиadolatsiz бўлиши мумкин. Ҳайвонлар – умуртқали ёки умуртқасизларга, жисмлар – органик ёки ноорганик жисмларга бўлинади.

Бўлишнинг мантиқий амали тўғри бажарилиши учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:

- бўлиш доимо бир асосга кўра олиб борилиши;
- бўлишнинг аъзолари ёки қисмлари бир-бирини инкор этиши;
- бўлиш мутаносиб бўлиши;
- бўлишнинг узлуклиги.

Тушунчанинг мазмuni ва муҳим белгиларини очишга қаратилган жараён таърифлаш ёки дефиниция деб аталади. Буюмларнинг муҳим белгилари кўплиги сабабли тушунчанинг таърифи буюмлардаги муҳим белгиларнинг барчасини тўлиқ акс эттира олмайди. Таърифлаш тур, тур белгиси ва жинс тушунчаси тартибида ҳаракат қиласи. Масалан, идрок (тур) предметларнинг яхлит образини акс эттирувчи (тур белгиси) руҳий жараёндир (жинс тушунчаси). Мазкур таърифни энг яқин тур ва жинс белгисини кўрсатиш орқали таърифлашга мисол тарикасида кўрсатишимиz мумкин.

Таърифлар генетик, номинал ва реал турларга бўлинади.

Генетик таърифлаш (юононча «генезис» сўзидан келиб чиқиб, «манба» деган маънони англатади) – нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг пайдо бўлиши ва келиб чиқишини кўрсатиш орқали амалга оширилади. Масалан: «Ўзбекистон Республикаси – Марказий Осиёдаги, собиқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҳудудида, 1991 йил 31 августда пайдо бўлган янги мустақил давлат», – деб генетик таърифлашимиз мумкин.

Номинал таърифда тушунчани ифодалаган сўз, ном ва атаманинг маъноси баён этилади. Масалан, «телескоп» грекча «теле» – узоқ, «скоп» – кўраман деган сўздан олинган бўлиб, осмон жисмларини узоқдан кузатишда ишлатиладиган предметдир. Демак, номинал таъриф таърифланувчи атаманинг маъносини очиб бериш учун кўлланилади.

Тушунчада ифодаланган предметнинг моҳияти ва муҳим белгилари очиб берилишига реал таъриф дейилади. Масалан: «Хуқуқий давлат – ўз фаолиятида факат қонунга суюниб иш кўрадиган сиёсий ташкилотдир», – десак, унда биз мазкур тушунчанинг барча муҳим белгиларини очган бўламиз ва бу реал таъриф бўлади.

Таърифлаш тўғри бажарилиши учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

1) таърифлаш тенг ҳажмли бўлиши керак, яъни таърифланувчи тушунчанинг ҳажми таърифловчи қисмнинг ҳажмига тенг бўлиши лозим. Масалан: догматизм – ақидаларга асосланган ҳамда қотиб қолган таълимот (тенг ҳажмли);

2) таърифлашда энг яқин жинс тушунчасини олиш керак. Масалан: бадий адабиёт – воқеликни сўз ва тимсоллар орқали акс эттирадиган санъат;

3) таърифнинг тур белгиси фақат таърифланувчи предметга тегишли бўлиши ва унинг бошқа предметлардан фарқини кўрсатиб бериш лозим. Масалан: фалсафа – табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожининг энг умумий қонунларини ўрганадиган ижтимоий фан;

4) таъриф инкор шаклида бўлмаслиги керак. Таърифланувчи тушунча бошқа тушунчалар билан ифодаланиши ва унинг моҳиятини очиб бериши лозим;

5) таърифлаш бадий ибораларсиз аниқ баён қилинган бўлиши керак. Масалан: ҳаёт – бино каби чуқур асосга ва мустаҳкам пойдеворга эга бўлмоғи керак, деган фикр тўғри, лекин тушунчанинг таърифи эмас;

6) таъриф айлана шаклида бўлиб қолмаслиги керак, яъни таърифлашда аниқловчи тушунчанинг мазмунини аниқлаш учун аниқланувчи тушунчанинг ўзига мурожаат этилмаслиги лозим. Бу қоиданинг бузилиши таърифлашни тафтологияга олиб келади. Масалан, «тамагир – тамагирлик қилувчи киши».

Тушунчалар билан бажариладиган муҳим амаллардан яна бири таснифлаш бўлиб, унда предметларнинг бир-бирига ўхшашлиги ва фарқига кўра, маълум гурух, тур, синфларга ажратиш бажарилади.

Таснифлашда ҳар бир нарса бир синф ёки бир гурух нарсага муайян муносабатда бўлган ва бу синфдаги нарсалар тузилишида кўрсатилган жойдан ўрин олган бўлади.

Таснифлашни табиий ва сунъий турларга бўлиш мумкин. Табиий таснифлаш – нарсаларнинг муҳим белгилари ҳамда улар амал қиласидан қонуниятларга қараб гуруҳларга бўлиш. У сунъий таснифлашдан фарқли ўлароқ, нарсаларнинг қайси гуруҳга мансуб эканлигини аниқлашда нарсадаги тегишли белгиларни ҳисобга олади. Бу эса нарсанинг хусусияти ҳақида фикрлашга имкон беради. Масалан, жиноят ўрганилиб, у қасддан қилинганми ёки эҳтиёtsизлик оқибатида, қандай шароитда содир бўлган ва унинг жамоат учун қанчалик хавфли ёки хавфсизлиги кўриб чиқилиб, шундан кейин бу

иш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қайси модда ва бандига оидлиги аниқланади. Табиий илмий таснифлашнинг мумтоз намунасини Д. И. Менделеев кимёвий элементлар даврий тизимининг жадвалида кўрамиз.

Сунъий тасниф ташқи белгиларга асосланади ҳамда турли-туман нарсалар ва уларни акс эттирувчи тушунчаларни тартибга солиш учун хизмат қиласди. Масалан, кутубхонадаги китобларнинг предметига, муаллифига қараб тартибга солиш; телефон дафтарчасида ёки синф журналида одамларнинг фамилиясини алифбо тартибида рўйхатга олиш ва бошқалар. Сунъий таснифлаш муайян табиий таснифлаш мавжуд бўлган тақдирдагина ишлатилади. Аммо у нарсаларнинг моҳияти ҳақида хабар бермайди.

Биз юқорида тафаккурнинг шакли сифатида тушунчанинг моҳиятини очиб берадиган муҳим хусусият ва сифатларга тўхталиш орқали уни билишнинг нотиқ нутқи учун аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Кейинги мулоҳазаларимизни **хукм** деб аталувчи мантиқий шакл ҳақидаги фикрлар билан давом эттирамиз. Ҳукм ҳам тушунча каби фикрни ифодалашнинг мантиқий шаклидир. Масалан, мазмuni жиҳатидан икки хил бўлган қўйидаги фикрларни таҳлил қилиб кўрайлик: «*Жиноят – ижтимоий ҳавфли ҳаракатдир*» ва «*Криминалистика – ҳуқуқшунослик фани*». Мантиқ бу ўринда мазкур фикрларда ифодаланган мазмуннинг турли хиллигини эмас, балки ҳар иккалasi учун ҳам умумий (икки тушунчали фикрни мантиқий боғловчи орқали бирлаширадиган ва «хукм» деб аталадиган) шаклини ўрганади. Мазкур мисолда тафаккурнинг шакли сифатида ҳукм ўрганилмоқда. Бу ерда «жиноят» ва «криминалистика» муҳокама қилинаётган фикрнинг предмети ҳақидаги тушунча «ҳавфли ҳаракат» ва «ҳуқуқшунослик фани» эса предметнинг белгиси ҳақидаги тушунчалар сифатида мантиқий боғловчи эса «дир» қўшимчаси билан ифодаланади. Ҳукм – бирон нарса ва ҳодисани тасдиқлаб ёки инкор қилиб айтилган тугал фикр. Агар «Бу ИИВ Академиясидир», «1-курс тингловчиси» десак, бунда тугал фикр бор. Фикрда Академиянинг ИИВга қарашли эканлиги ҳамда у ерда тингловчиларнинг ўқишлиари тасдиқланмоқда. Бу мисолдан кўриниб турибдики, ҳукмда ҳамма вакт тасдиқ ёки инкор билан айтилган фикр бўлади.

Шунингдек, фикр тўғри (чин) ёки хато (ёлғон) бўлиши ҳам мумкин. Улар объектив воқеликка мос келса – чин мос келмаса –

ёлғон фикрлар дейилади. Хуллас, ҳукмда ҳамма вақт фикр түғри ёки хато, чин ёки ёлғон бўлиши шарт.

Демак, ҳукм нарса ва ҳодисалар, уларнинг турли белгилари, хусусият ва муносабатлари ҳақида тасдиқ ёки инкор маъносида билдирилган тафаккур шаклидир.

Агар тушунча сўзда реаллашса, ҳукм грамматик гапда ифодаланади. Гапда ифодаланмайдиган ҳукм бўлмайди ва у турли грамматик шаклларда намоён бўлиши мумкин. Масалан: «Сайлов округи – давлат органларига аъзолар сайланадиган ҳудудий бирликдир», «Баъзи жиноятлар эҳтиётсизлик туфайли содир бўлади» каби ҳукмлар грамматик гап орқали ифодаланган. Демак, гапнинг ҳосил бўлиш жараёни ҳам ҳукм билан боғлиқ. Бироқ ҳар қандай гап ҳам ҳукм бўлавермайди. Сўроқ ва ундов гаплар шаклига кўра ҳукм бўла олмайди. Масалан: «Сиз маъруза эшлишини хоҳлайсизми», «Уялмасдан тезроқ гапирсангчи!», «Бу ёққа кел!» каби гаплар ҳукм бўла олмайди. Чунки бундай гапларда тасдиқ ёки инкор қилиб айтилган фикр йўқ. Уларнинг ҳақиқат ёхуд ҳақиқат эмаслиги (түғри ёки хато эканлиги) аниқланган эмас. Гап ҳукм шаклига кириши учун тасдиқ ёки инкор қилиб айтилиши ҳамда түғри ёки хато эканлиги аниқланган бўлиши шарт. Бошқача айтганда, нотиқ ўз нутқини түғри тузишда гапнинг нафақат грамматик қоидаларига, балки фикри-мизни ҳукм шаклида ифодалашнинг ҳеч бўлмагандан бошланғич мантиқий қоидаларига ҳам амал қилиши мухим.

Эндиgi таҳлилинизни мавжуд тушунчалардан ҳукмлар тузганимиздек, бир ёки бир неча фикрлардан янги фикр келтириб чиқарувчи **хulosaga** қаратсак. Чунки нотиқ нутқи якунланган бўлиши учун муайян хulosаларга эга бўлиши шарт. Биз бу ерда ҳам турли мазмундаги фикрлар учун умумий бўлган усулни ифодаловчи мантиқий шакл борлигига яна бир бор амин бўламиз. Масалан, «жиноят ижтимоий хавфли ҳаракатдир» ва «ўғрилик жиноятдир» деган фикрдан «ўғрилик ижтимоий хавфли ҳаракатдир» деган янги фикр келтириб чиқариш мумкин.

Бу ерда асослар «жиноят» деган тушунча орқали боғланади. Айнан шундай мантиқий усул билан бошқа мазмундаги фикрлардан ҳам янги фикр келтириб чиқариш мумкин. Масалан, «ҳар бир жиноят ўз ижтимоий хавфлилик даражасига эга» ва «қотиллик жиноятдир» деган фикрлардан «қотиллик ўз ижтимоий хавфлилик даражасига эга» деган янги фикр келтириб чиқаришимиз мумкин.

Хар иккала мисолда ҳам ҳукмлар ва улардан келтириб чиқарилган янги фикрлар мазмун жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласи.

Лекин уларни умумлаштириб турувчи жиҳати шуки, ҳар иккала мисолда ҳам мавжуд ҳукмлардан янги ҳукмларни келтириб чиқаришда холоса чиқаришнинг дедуктив усулидан фойдаланилган. Бундан ташқари, холосалашнинг индуктив ва аналогик турлари мавжуд бўлиб, уларнинг фарқи фикримиз ривожининг йўналиши-дадир. Фикримизда умумийликдан яккаликка борилса – дедуктив холосалаш, яккаликдан умумийликка борилса – индуктив холосалаш, белгиларнинг ўхшашлигига қараб яккаликдан яккаликка борилса – аналогик холосалаш амалга оширилади.

Биз ўз таҳлилларимизда фикрнинг аниқ мазмуни ва ундан ажратилган мантиқий шакллар ҳақида тўхталдиқ, лекин тафаккурнинг реал жараёнида фикрнинг мазмуни ва шакли бир бутунликда намоён бўлади. Чунончи, фикрнинг чинлиги мазмунига тегишли бўлса, тўғрилиги унинг мантиқий тузилиши, шаклига боғлиқдир. Айтилган фикр воқеликка мос келса – чин, акси бўлса ёлғон бўлади. Фикрларнинг чинлиги муҳокама давомида тўғри натижаларга эришишнинг иккинчи, бошқа бир шарти сифатида фикрларнинг мантиқан тўғри тузилганлигини ҳам қўрсатиш мумкин. Чунки чин фикрлардан ҳам мантиқан нотўғри холосалар келтириб чиқариш мумкин. Масалан, «баъзи ҳуқуқшунослар прокурорлардир» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси-нинг депутати Ф. Комилов ҳуқуқшуносидир», деган чин фикрлардан «Демак, Ф. Комилов прокурордир», деган ёлғон холоса келиб чиқиши мумкин. Чунки мазкур мисолда холосани келтириб чиқарган асослар ўртасида зарурий алоқа йўқ.

Асосларда келтирилган фикрлар чин бўлишига қарамасдан, холоса чиқаришда тафаккур қонунларига риоя қилинмаганлиги сабабли, мантиқий хатолик вужудга келади. Демак, тўғри муҳокама юритиш учун нафақат фикрларнинг чинлиги, балки мантиқан тўғри тузилганлиги ҳам катта аҳамиятга эга экан. Айнан шу вазифани, яъни фикрларда мазмунан ва мантиқан тўғриликка амал қилишни тафаккурнинг «айният», «нозидлик» (зиддиятсизлик), «учинчиси истисно» ва «етарлича асос» қонунлари бажаради. Мазкур мантиқий қонунларни кейинги бўлимларда батафсил кўриб чиқамиз.

Холоса қилиб айтиш мумкинки, нотиқ ўз нутқини тўғри тузиш учун тафаккурнинг тушунча, ҳукм ва холоса каби (фикр элементлари

сифатида) мантиқий шакллари ҳамда мантиқнинг муайян қонун ва қоидалари ҳақида умумий тасаввурларга эга бўлишлари лозим.

2. Тафаккур қонунлари нутқда изчиллик ва мантиқийликнинг ифодаси сифатида

Фикрларнинг мантиқий тўғрилиги мантиқ қонунлари билан боғлиқ бўлиб, улар нотик нутқининг равонлиги, софлиги, изчиллиги, зиддиятсизлиги ва етарлича асосланган бўлишини таъминлаб беради, уларнинг бузилиши эса мантиқий хатоликларни келтириб чиқаради.

Мантиқий қонунлар инсон билишининг кўп асрлик тажрибаси билан боғлиқ нарса ва ҳодисаларнинг хусусият ва алоқаларини ўзида акс эттиради. Мантиқ қонунлари тафаккур таркибининг элементлари ва фикрлашнинг шакллари тушунча, ҳукм, хуласалар ўртасидаги тўғри боғланишларнинг зарурый шартидир.

Мантиқ фанининг асосий қонунлари айният, нозидлик, учинчиси истисно ва етарлича асос қонунлариdir. Уларда тафаккуррга нисбатан умумий талаблар мужассамлашган бўлиб, мантиқий тафаккурнинг асосий хусусиятларини муайянлик, зиддиятсизлик, изчиллик ва асосланганлик каби муҳим мантиқий принциплар ифодалайди.

Нотик нутқи муҳокама жараёнида мазмунан муайянлиги, барқарорлиги ва аниқлигини сақлаб қолиши лозим. Бу тафаккурнинг асосий хусусияти бўлган айният қонунида ифодаланади, яъни муайян муҳокама жараёнида ҳар қандай тушунча ёки ҳукм ўз-ўзига айнан бўлмоғи лозим. Масалан, «Аҳмад ўғрилик қилди» ёки «Аҳмад ўзгалар мулкини яширинча ўзлаштириди», деб айтилган бу икки ҳукмда бир инсон назарда тутилаётган бўлса ҳам унда айнан бир хил фикрлар ифодаланмоқда.

Фикрнинг ўз-ўзига айнанлиги ҳақида гапираётганимизда, мантиқ фани, аввало, фикр ҳажмининг айнанлигини назарда тутади. Масалан: «Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов» ва «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарининг муаллифи Ислом Каримов».

Бу фикрлар формал мантиқ нуқтаи назаридан бир хил ҳажмга эга. Чунки ҳар иккала фикрда ҳам бир инсон назарда тутилмоқда, аммо фикрлар мазмун жиҳатдан бир хил эмас. Агар ривожланиш жараёнида фикрланаётган предметнинг ҳажми ўзгарса, у ҳолда айният қонуни амал қилмайди.

Айният қонуни фикримизнинг аниқлигини ифодалаб, объектив реалликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳар доим ҳаракатда, ўзгаришда эканлигини, шу боис фикрнинг аниқлиги маълум бир вақтдагина маънога эгалигини кўрсатади.

Чунончи, баъзи қонунлар вақт ўтиши билан янги давр талабларига мос келадиган қонунлар асосида тўлдирилиши ёки янгисининг қабул қилинишини талаб этади. Масалан, мустақилликнинг дастлабки даврларида қабул қилинган қонунлар ҳозирги куннинг талаблари асосида қайта ишланмоқда ва тўлдирилмоқда. Шунга кўра, мазкур қонунларнинг ўзгармаслиги ҳақидаги фикрлар муайян даврга нисбатан чинлик хусусиятига эга. Улар ҳар қандай мухокамада амал қиласди.

Нотик нутқига хос мезонлардан бири – унинг зиддиятсиз бўлиши. Зиддият фикрни чалғитиб, билиш жараёнини қийинлаштиради.

Муайян нарса ёки ҳодиса тўғрисидаги мулоҳаза бир вақтнинг ўзида ўзгариб, бошланғич мулоҳазага зид келиши мумкин эмас. Нозидлик қонуни қуидагича ифодаланади: айнан бир нарса ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки зид фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда чин бўлиши мумкин эмас, ҳеч бўлмагандан, улардан бири албатта хатодир. Мазкур қонун доирасида муайян нарса ёки ҳодиса ҳақида бир-бирига зид айтилган икки фикр бир вақтда чин бўла олмайди, улардан бири муқаррар равишда ёлғондир.

Нозидлик қонуни сифишмайдиган, яъни қарама-қарши ва зид муносабатдаги ҳукмларда амал қиласди. Чунончи, икки қарама-қарши ҳукмлардан бири чин, иккинчиси ёлғон бўлиши мумкин. Масалан: «Барча ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)лар жиноятдир» (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддаси) ҳукми – чин, «Ҳеч бир ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)лар жиноят эмас» ҳукми эса ёлғон. Бироқ айрим ҳолларда қарама-қарши ҳукмларнинг иккиси ҳам ёлғон бўлиши мумкин. Масалан: «Барча гувоҳлар чин кўрсатма беради» ва «Ҳеч бир гувоҳ чин кўрсатма бермайди» ҳукмларининг иккиси ҳам ёлғон.

Шунингдек, икки зид муносабатдаги ҳукмлар ҳам бир вақт ва муносабатда чин бўлиши мумкин эмас. Масалан: «Мазкур жиноятнинг содир этилишида С. айбдордир» ҳукми чин ва «Мазкур жиноятнинг содир этилишида С. айбдор эмас» ҳукми эса ёлғондир. Ёки «Барча айбланувчилар ҳимоячи олиш ҳуқуқига эга» ҳукми чин

бўлиб, «Баъзи айбланувчилар ҳимоячи олиш ҳуқуқига эга эмас» ҳукми эса ёлғондир.

Фикрлаш жараёнида зиддиятга йўл қўймаслик зиддиятсизлик қонунини қўйидаги ҳолларда тўғри ифодалайди, жумладан, агар нарса ёки ҳодисада бир белги тасдиқланиб, бошқа бир белги инкор этилса, у ҳолда ҳукмлар ўртасида зиддият бўлмайди. Масалан: «Аҳмад тингловчи» ва «Аҳмад спортчи эмас» ҳукмлари ўртасида зиддият мавжуд эмас, чунки мазкур ҳукмларда гап турли нарса ёки ҳодисалар ҳақида бормоқда. Шунингдек, агар бизнинг бир одам ҳақида тасдиқлаб ёки инкор этиб айтган фикримиз турли вақтларда амалга ошганлигини эътиборга олсак, у ҳолда ҳам фикрда зиддият бўлмайди. Масалан, «Анвар тингловчи» ёки «Анвар тингловчи эмас» деган икки ҳукм ҳам чин бўлиши мумкин, чунки гап бу ерда Анвар фаолиятининг турли даврлари ҳақида бормоқда. Фикрлаш обьекти турли муносабатларда ифодаланганда ҳам зиддиятларга йўл қўйилмайди. Масалан, «ИИВ тингловчиси Салимов Жиноят кодексини яхши билади» деганимизда, ҳақиқатан ҳам унинг билимлари тингловчиларга қўйилган талаб даражасига нисбатан «яхши» деб баҳоланиши мумкин. Лекин унинг бу билимлари тергов бўлимининг бошлиғига қўйиладиган талаблар даражасида бўла олмайди. Айнан шу нисбат назарда тутилганда бизнинг «ИИВ тингловчиси Салимов Жиноят кодексини яхши билмайди» деган фикримиз ҳам хато бўлмайди.

Нозидлик қонуни мантиқий тафаккурнинг муҳим жиҳатларини ифодаловчи тафаккур жараёнидаги зиддиятсизлик ва изчиликни ифодалайди. Терговчи жиноятни очиш учун муайян бир тахминни ўртага ташласа ва уни ҳақиқатга яқин деб ҳисоблаб, унга зид келувчи факт ва далилларни ҳисобга олмаса, у албатта хатога йўл қўяди. Шунинг учун ҳам ҳуқуқ муҳофазаси, суд ва тергов амалиётида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари учун айбланувчи, жабрланувчи ҳамда гувоҳнинг кўрсатмаларида учрайдиган мантиқий зиддиятларни очиш ва бартараф қилишда нозидлик қонунини билиш катта методологик аҳамият касб этади. Чунончи, суд ҳукмида баён қилинган хулосалар жиддий зиддиятларга эга бўлса, у ҳолда ҳукм Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 486-моддасига биноан мазкур жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаган деб топилади ва қайта кўриб чиқиш учун ундан юқори суд органларига юборилиши мумкин бўлади.

Учинчиси истисно қонуни нозидлик қонунининг давоми бўлиб, фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олувчи икки зид ҳукмдан бири чин, иккинчиси ёлғон, учинчисига ўрин йўқ эканлигини ифодалайди. Нозидлик қонуни қарама-қарши ва ўзаро зид муносабатдаги ҳукмларда амал қилиб, бирининг албатта ёлғон эканлигини билдиради. Иккинчи ҳукм ҳақидаги фикр эса очиқ қолади, яъни у чин ҳам, ёлғон ҳам бўлиши мумкин.

Учинчиси истисно қонуни нозидлик қонунидан фарқли равишда факат ўзаро зид муносабатдаги ҳукмларда амал қиласди. Нозидлик қонуни сингари учинчиси истисно қонуни ҳам фикрлаш жараёнида зиддиятга йўл кўймасликни, изчилликни ифодалайди.

Маълумки, зид муносабатлардаги ҳукмларнинг бирида муайян кўплиқдаги нарса ёхуд ҳодиса тасдиқланса (ёки инкор этилса), бошқа бирида мазкур кўплиknинг айrim қисмигина инкор (ёки тасдиқ) этилади. Бу ҳукмлар бир вақтда ҳам чин ҳам ёлғон бўла олмайди, агар улардан бири чин бўлса, иккинчиси ёлғон ва аксинча, бири ёлғон бўлса, иккинчиси чин бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида таъкидланганидек, «Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси эркинлик ва шахсий дахлизлиқ ҳуқуқига эга», деган ҳукми чин бўлса, «Ўзбекистон Республикасининг баъзи бир фуқаролари эркинлик ва шахсий дахлизлиқ ҳуқуқига эга эмас», деган ҳукм ёлғон. Шунингдек, зид муносабатлар бир-бирини инкор этувчи (бирида тасдиқланса, иккинчисида инкор этувчи) икки ҳукм ўртасида ҳам намоён бўлиши мумкин. Бундай ҳолда ҳукмларнинг бири албатта чин, иккинчиси ёлғон бўлади. Масалан, «муассаса хизматчиси Салимов маъмурий жавобгарликка тортилган» ва «муассаса хизматчиси Салимов маъмурий жавобгарликка тортилмаган». Мазкур мисолда Салимовнинг маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳақидаги ҳукм чин бўлса, у ҳолда уни инкор этувчи ҳукм ёлғон бўлиб чиқади.

Демак, учинчиси истисно қонуни бўйича икки зид ҳукм нафақат бир вақтда чин бўла олмайди (нозидлик қонунида ифодаланганидек), балки бир вақтнинг ўзида ёлғон ҳам бўла олмас экан. Яъни, ҳукмларнинг бири ёлғон бўлганда, иккинчиси муқаррар равишда чин бўлади, учинчи ечимга эса ўрин қолмайди. Учинчиси истисно қонуни масаланинг қатъий ечими талаб қилинувчи юридик амалиётда алоҳида аҳамият касб этади. Ҳуқуқшунос хулосасида масаланинг оралиқ ёки мавхум ечими бўлмайди, яъни айбланувчининг айборлиги ёки айбизлиги аниқланиши зарур.

Зид ҳукмларнинг бирида қайсиdir белги тасдиқланса, бошқасида худди шу белги инкор этилади. Бу ҳукмлар бир вақтнинг ўзида ҳам чин, ҳам ёлғон бўлиши мумкин эмас. Чунки бири чин бўлса, иккинчиси ёлғон. Масалан, «Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси билим олиш ҳуқуқига эга» (чин), «Баъзи Ўзбекистон фуқаролари билим олиш ҳуқуқига эга эмас» (ёлғон).

Учинчиси истисно қонуни муайян бир масала қўйилганда «ҳа» ёки «йўқ» сингари аниқ жавобни талаб этиб, қандайдир оралиқ, амалиётда ечилиши мумкин ёки мавжуд бўлмаган жавобларни инкор этади. Шу билан бирга, учинчиси истисно қонуни берилган ҳукмларнинг қайси бири чин эканлигини белгиламайди.

Чунки ҳукмнинг чинлиги, яъни воқеликка мос келиш-келмаслиги амалиётда аниқланади. Қонуннинг аҳамияти шундаки, у ҳақиқатни топишга йўналиш беради. Масаланинг ечими икки хил бўлиши мумкин, аммо улардан фақат бири чин бўлиши мумкин. Бу қонун масаланинг аниқ ечимини талаб этадиган ҳуқуқий амалиёт учун жуда муҳимдир. Ҳуқуқшунос, албатта, ишни «ёки – ёки» ифодаси орқали, яъни ё айбдор, ё айбдор эмас шаклида ечиши лозим.

Муайян бир нарса, ҳодиса ёки фактлар ҳақидаги фикрларимиз чин ёки ёлғон бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам фикрнинг чинлигини, воқеликка мос келишини асослаш ва исботлаш лозим бўлади.

Фикрнинг асосланганлиги, исботланганлиги етарлича асос қонунининг талаби бўлиб, у қуйидагича ифодаланади: ҳар қандай фикр ёки мулоҳаза етарлича асосланган ёки ўз исботига эга бўлганидагина чин ҳисобланади. Фикрнинг етарлича асоси ёки муҳокаманинг тасдиғи бўлиб тажриба, амалиёт ёки мавжуд факт ва далиллар хизмат қиласи. Масалан, ҳуқуқий амалиётда айблаш ва ҳукм қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддасида кўзда тутилган айблов хулосалари етарлича асосланган ва исботланган бўлиши лозим. Булар қуйидагилар:

- 1) жиноятнинг обьекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жиноятнинг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;
- 2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули;
- 3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;
- 4) жиноятнинг тўғри ёки эгри, қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлигининг сабаблари;
- 5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

Етарлича асос қонуни юқорида кўриб ўтилган мантиқий қонунларга сўзсиз амал қилишни назарда тутади ҳамда фикр, мулоҳаза ва муҳокаманинг чинлиги исботланган бошқа фикрлар ёрдамида асосланишини талаб этади. Масалан, қишида содир бўладиган кўпгина автоҳалокатларни келтириб чиқарувчи автоулов ҳаракатларининг йўналишидаги кескин ўзгаришларнинг содир бўлишини бевосита йўлларнинг музлаши билан асослаш мумкин.

Етарлича асос қонунининг юридик амалиётдаги аҳамияти, аввало, ҳар бир қонунбузарлик бўйича қабул қилинган қарорнинг албатта ўз асосига эга бўлиши шартлигини талаб қилишда намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, нотик нутқида (суддаги прокурор нутқи, адвокат нутқи ва бошқ.) аниқлик, изчиллик, зиддиятсизлик, асосланганлик ва таъсирчанлик етарли даражада бўлиши учун нотик, энг аввало, мантиқ қонунларини билиши ва уларга амал қилиши лозим.

3. Исботлаш – нотиклика ишончлиликнинг мантиқий асоси

Тўғри тафаккур юритишнинг муҳим белгиси унинг исботланган билимларга асосланиши. Маълумки, илмий ҳақиқатлар чукур ва ҳар томонлама ўрганилиб, илмий жиҳатдан асосланганидан сўнг муайян аҳамият касб этади. Шу ўринда ҳуқуқшунослик амалиёти билан шуғулланувчи нотик (прокурор ёки адвокат) ҳар қандай фуқаролик ёки жиноий ишлар бўйича тайёрлаган нутқида чинлиги олдин исботланган билимларга асосланиши шарт. Бу эса, ўз навбатида, нотикдан ўз нутқини тузишда исботлашнинг муайян қонун-қоидаларига риоя этишни талаб қиласди.

Исботлаш – маълум бир ҳукмнинг чинлигини чинлиги исботланган бошқа ҳукмлар орқали асослашнинг мантиқий усуллари йиғиндиси. Демак, тажрибада текширилиб, чинлиги исботланган ҳукмлар орқали иккинчи бир ҳукмнинг чинлигини аниқлашга қаратилган жараён исботлашdir.

Исботлаш, шаклига кўра, *бевосита ва билвосита* турларга бўлинади. *Бевосита исботда* исботлаш далиллардан тезисга қараб боради. Тезиснинг чинлиги бевосита далиллар воситасида асослаб берилади.

Билвосита исботлаш – тезиснинг чинлигини унга қарши бўлган тезиснинг ёлғонлигини исботлаш орқали келтириб чиқариш.

Исботлаш жараёни тезис, асос (далил) ва намойиш қилиш каби элементлардан иборат.

Исботлашнинг дастлабки таркибий қисми тезис бўлиб, у чинлиги ёки ёлғонлиги далиллар ёрдамида исботланиши лозим бўлган ҳукмдир. Масалан, жинойи ишни очиш жараёнида тезкор гурӯҳ томонидан айбланувчи шахснинг ҳаракатларида жиноят элементлари борлиги ҳақида илгари сурилган дастлабки фикрни тезис сифатида қабул қилиш мумкин.

Тезиснинг чин ёки ёлғонлигини асослаш жараёнида муайян қоидаларга амал қилиш талаб этилади, улар тезис қоидалари деб аталади. Агар тезис қоидаларининг бузилишига йўл қўйилса, исботлашда мантиқий хатоликларга йўл қўйилади.

Исботлаш тезиси қўйидагиларни талаб қиласди:

1) *тезис қоидалари исботлашнинг мантиқий жиҳатдан аниқ ва равшан бўлишини*. Баъзи бир ҳолатларда, масалан, илмий мақола, маъруза ёки аризалар ёзишда биз ўз фикримизни аниқ ва лўнда ифодалаб бера олмаймиз. Демак, тўғри фикрлаш қонунларига, жумладан айният қонунига амал қилмаймиз;

2) *тезис исботлаш жараёнида ўзгармаслиги*. Ушбу қоида тафаккур қонуниятларидан келиб чиқиб, исботлаш жараёнида тезис мазмунининг ўзгармаслигини талаб этади.

Тезис қоидаларининг бузилиши қўйидаги хатоликларга олиб келиши мумкин:

1) *тезисни алмаштириши*. Исботли тафаккур юритиш қоидаларига кўра, тезис аниқ ва равшан бўлиб, бутун исботлаш ва раддия жараёнида ўзгармаслиги лозим. Бу қоидаларга амал қилинмаса, тезисни алмаштириш хатолиги келиб чиқади. Агар аниқ бир жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини тадқиқ этиб, унинг бошқа ҳодисалар билан алоқадорлик масаласига баҳо беришга, боғлашга уринишга ҳаракат қилсак, тезиснинг мазмуни ўзгариб, унда тезисни алмаштириш хатолиги келиб чиқади;

2) *инсоннинг шахсий сифатларини ўринсиз асос қилиб кўрсатиши билан тезисни алмаштириши*. Бу хатоликда муайян бир шахс олдида турган тезисни исботлашда аниқ далиллар билан эмас, балки бу тезис муаллифининг шахсий сифатларини баён этиш воситасида тезисни исботламоқчи ёки рад этмоқчи бўлади. Масалан, тоталитар тузум даврида коммунистик партия раҳбарларининг фикри мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилиниб, ҳатто бирор-бир мулоҳазанинг исботи сифатида асос қилиб олинган. Бундан ташқари, кўпинча

диссертациялар муҳокамасида илмий ишнинг мазмунига эмас, балки диссертантнинг шахсий хислатларига эътибор бериш ҳолатлари ҳам учраб туради;

3) тезиснинг алмашиниши хатолиги икки кўринишда намоён бўлиши мумкин. Ҳаддан ташқари исботлашга уринишида; кам исботлашга уриниш ҳолларида.

Биринчи хатоликда, яъни бир тезис ўрнига, ундан кучлироқ бошқа тезисни исботлашга уриниш натижасида асосий тезис исботланмай қолади. Масалан, айбдорнинг айбсизлигини бевосита унинг яхши одамлиги, жамоат ишларида фаоллиги ва шунга ўхшаш хислатларини баён этиш орқали бу инсоннинг айб иш қилиши мумкин эмаслигини исботламоқчи бўлишади.

Иккинчи хатолик кам исботлашга уринишидан ҳам келиб чиқади. Масалан, муайян инсоннинг яхши инсон эканлигини унинг олий маълумотли эканлиги билан исботламоқчи бўладилар, лекин халқимиз «олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин», деган мақолни яхши билади.

Исботлаш жараёнининг кейинги иштирокчиси *исботлашнинг асоси ёки далиллаш* бўлиб, улар тезисни асослаш учун келтирилган чин ҳукмлардир. Улар исботлашнинг мантикий асосларини ташкил этиб, турли билимлар доирасида, ўз мазмунига кўра турли хил чин ҳукмлар шаклида намоён бўлади. Масалан, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд музокараларида иштирок этувчи нотиқлар (прокурор ёки адвокат)нинг ҳар бири ўзи илгари сурган тезисларнинг асослилигини исботлашга ҳаракат қиласиди. Бу борада тақдим қилинган ҳар бир фикр фактларга, ашёвий далилларга таянишини талаб қиласиди.

Далилларнинг бир неча турлари фарқланади. Уларга батифсилроқ тўхталашиб:

1) якка тартибдаги аниқ далилларнинг исбот учун асос бўлиши. Бу турдаги далилларга гувоҳнинг кўрсатмалари, ҳужжатдаги имзо, илмий фактлар, иқтисодиёт ва маънавият соҳаларидаги аниқ иқтисодий маълумотлар сингари исботланган билимлар киради. Аниқ далилларга ва уларнинг таҳлилига асосланмаган билимнинг илмий қиймати ҳам, амалий фаолият учун аҳамияти ҳам бўлмайди. Далил сифатида фактлардан фойдаланиш исботлашда кенг қўлланилади. Масалан, суд-тергов амалиётида айбланувчининг жиноят содир бўлган вақтда бошқа жойда бўлганлиги ёки ўғрилик жиноятида ўғирланган ашёвий далилларнинг айбланувчида топилмаган-

лиги фактининг ўзи унинг жиноятга алоқаси йўқлигини исботлайди. Исботланаётган тезис, яъни муҳокама қилинаётган ҳукмлар учун асос сифатида айрим далилларни кўрсатишнинг ўзи етарли эмас. Шунинг учун алоҳида олинган далиллар эмас, балки ўрганилаётган масалага тегишли, ўзаро мантиқий боғланган барча далилларнинг йиғиндиси исбот учун етарли асос бўлиши мумкин;

2) *таърифлаш – исботнинг амали сифатида*. Исботлаш асосларининг таркибига муайян бир фандаги асосий тушунчаларнинг таърифи ҳам кириши мумкин. Чунки исботлаш – чинлиги олдин исбот этилиб, мавжуд ҳолатлардан янги ҳолатларни келтириб чиқаришдир. Таърифланган тушунчаларда уларнинг мазмунини ифодалайдиган асосий белгилар акс эттирилади. Таърифлаш чин ҳукм бўлганлиги туфайли исботда асос сифатида иштирок этиши мумкин;

3) *аксиома ва постулатлар исботнинг асоси сифатида*. Аксиома ва постулатлар инсоннинг кўп йиллик амалиётида тасдиқланган, исботсиз қабул қилинган ҳақиқатлардир. Улар математика, физика ва механика фанларида кўп ишлатилади. Аксиома ва постулатларнинг роли айрим фанларда илмий назарияларни асосли, изчил исботлашда муҳим ўрин эгаллаши билан белгиланади. Мантиқ фанининг қонунлари, баъзи қоидалари аксиоматик табиатга эга. Агар аксиомаларга асосланиб исботли мулоҳаза юритилса, айрим мантиқий талабларга риоя этилиши лозим. Аксиомалар тўлиқ, мустақил ва зиддиятсиз бўлмоғи керак;

4) *фан қонунлари ва теоремалари исботлашнинг асоси сифатида*. Исботлашнинг далили сифатида фанда чинлиги олдин исботланган муайян қонун ва теоремалар ҳам келтирилиши мумкин. Жумладан, суд-тергов амалиётида қўлланиладиган юридик қонунлар исботлашда асос вазифасини бажаради.

Исботлашда асос сифатида фойдаланиладиган далиллар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлганимиздан сўнг, улар (асос ёки далиллар)га нисбатан қўлланиладиган қўйидаги қоидаларни билиб қўйишимиз мақсадга мувофиқ:

- тезисни исботлаш учун келтирилган далиллар чин бўлиши ва бир-бирига зид келмаслиги;
- тезисни тасдиқлаш учун келтирилган далиллар етарлича асос бўлиши;
- асос ва далиллар тезисдан мустақил равишда исботланган ҳукмлардан иборат бўлиши.

Исботлашнинг асос ёки далилларидаги хатоликларқұйидагича:

1) *далилларнинг чин бўлмаслиги хатоликлари*. Далил сифатида олинган ҳукмлар чин бўлмай, чин сифатида талқин этилади. Бу хатоликка атайлаб йўл қўйилиши мумкин. Масалан, суд амалиётида айбланувчи ёки гувоҳлар ўзининг жиной қилмишларини яшириш учун атайлаб нотўғри кўрсатмалар бериши мумкин;

2) *далилнинг етарлича асосли бўлмаслиги*. Агар тезис исботланмаган далилларга таянса ҳамда далил тезисни исботлаш ўрнига унинг аҳамиятини бўрттиришга ҳаракат қиласа, мазкур хатолик юзага келади. Масалан, айбланувчининг айборлигини исботлашда чинлиги текширилмаган тахминий далиллар асос қилиб олинса, уларнинг нотўғрилиги, албатта, юзага чиқади;

3) *айланма исбот этиши*. Бу хатоликда тезисни далиллар воситасида, далилни эса тезис ёрдамида исботлашга уринилади. Масалан: «Бир калима ширин сўз қилични қинга киритишга қодир», чунки «Қилични қинга киритишга бир калима ширин сўз қодир», деб исботлашга уринсак, юқорида келтирилган хатоликка йўл қўйилади.

Исбот таркибида тезис ва асослардан ташқари намойиш этиш ҳам киради. Тезис ва асослар ўртасидаги мантиқий боғланишга намойиш этиш дейилади. Намойиш этиш ҳукмларнинг мантиқий боғловчиси бўлиб, муайян бир натижани келтириб чиқаради. Демак, намойиш этиш тезис билан асослар ўртасидаги мантиқий алоқа воситасидир.

Тезиснинг асослаш усули (демонстрация)га оид қоидалар ва исботлаш шаклида учрайдиган хатоликлар. *Исботлаш усули қоидаси*, энг аввало, тезис далиллардан мантиқан келиб чиқадиган хulosса бўлиши керак. Бунинг учун тезис асослардан хulosса чиқаришнинг умумий қоидаларига асосланиб, хulosса шаклида келтириб чиқарилмоғи зарур.

Исботлаш усули (демонстрация)га доир хатоликлар қуйидагича:

1) *юзаки (сохта) исботлаш хатолиги*. Агар тезисни тасдиқлаш учун келтирилган далиллардан тезис келиб чиқмаса, «келиб чиқмайди» деган хатолик юз беради. Бу мантиқий хатоликка кўпинча тезисга алоқадор бўлмаган далилларни келтириш оқибатида йўл қўйилади. Масалан, шахснинг жиноят содир этганлигини исботлаш учун аниқ ашёвий далилларни келтириш ўрнига унинг ташқи кўриниши, хулқ-автори каби хислатларни далил сифатида келтириш сохта исботлаш хатолигини келтириб чиқаради;

2) аниқ фикрдан ноаниқ фикрга ўтиши хатолиги. Бу хатолик тезисни исботлаш учун келтирилган далиллар муайян вақт, муносабатга нисбатан ўзгармас деб қабул қилиниб, уни барча ҳолатларда қўллаганда юз беради. Бундай хатоликка жиноят ишини квалификация қилишда Жиноят кодексига доимий киритиб бориладиган ўзгаришларни эътиборга олмасдан қилинган хulosаларда йўл қўйилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-моддасига 2001 йил 29 августда киритилган ўзгартишларга кўра «Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш» тўғрисидаги 66¹-моддаси киритилди. Бу модданинг киритилиши натижасида суриштирув жараёнида бўлган кўпгина ишлар судгача томонларнинг келишувига кўра тўхтатилиши мумкин. Шу ва шунга ўхшаш бошқа ўзгартишларни билмаслик, юқорида айтганимиздек, жиноий ишларни квалификация қилишда қўпол хатоликларга олиб келиши мумкин.

Хуроса қилиб айтиш мумкинки, мантиқнинг қонун-қоидаларини билиш хукуқшунослик амалиёти билан шуғулланаётган мутахассисларга судда мантиқан тўғри, инкор этиб бўлмайдиган далилларга асосланган ҳолда изчил нутқ сўзлаш, тергов жараёнида жабралнувчи, айбланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларидағи зиддиятли ҳолатларни аниқлаш ва улардан тўғри хуроса чиқариш ҳамда ўз мухолифларининг асоссиз фикрларини ўринли рад этиш каби касбий маҳоратларини оширишга ёрдам беради.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1.Қуйидаги мисоллар орқали фикрнинг мазмuni ва шакли ўртасидаги фарқни кўрсатинг: «Жамият», «жиноят», «жазо»; «Барча жиноятлар ўз ижтимоий хавфсизлик даражасига эга бўлган ҳаракатлардир»; «Бу жиноят қасдан қилинган жиноят эмас».

2.Фикрнинг чинлиги ва мантиқий тўғрилиги ўртасида қандай фарқлар борлигини қуйидаги мисоллар асосида тушунтириб беринг: «ИИВ Академиясининг баъзи тингловчилари спортчилардир»; «Салимов ИИВ Академиясининг тингловчисидир»; « Демак, Салимов спортчи ».

3.Мантиқий қонуннинг хукуқшунослик соҳаси қонунлари билан ўзаро алоқадорлиги нимада ифодаланади?

4.Мантиқий қонуннинг турлари ҳақида тушунча беринг.

5.Қуйидаги мұхокамаларда мантиқнинг қайси қонуни талабларининг бузилғанлигини аниқланг:

Балоғат ёшига етмаганлар ҳарбий хизматга чақирилмайди.

Салимов ҳарбий хизматга чакирилмаган.

Демак, Салимов балоғат ёшига етмаган.

«Кеча Академиянинг ошхонасида нарядда бўлганим учун фалсафа фани бўйича бугунги маъруза дарсида ухлаб қолдим» (Тингловчининг тушунтириш хатидан).

6. Қўйидаги икки тахминга учинчиси истисно қонунини қўллаш мумкинми?

Ҳарбий қисмнинг кийим-кечак омборида аниқланган камомад номаълум шахслар томонидан амалга оширилган ўғриликнинг натижасидир.

Ҳарбий қисмнинг кийим-кечак омборида аниқланган камомад омбор хизматчиси эркин ёлланган фуқаро С. нинг ҳеч қандай назоратсиз омбордаги кийим-кечакларнинг кам микдорда, доимий равишда яширинча олиб чиқишига муваффақ бўлганлигининг натижасидир.

7. Қўйидаги ҳукмларда мантиқий қонун талабларининг ифодасини кўрсатиб беринг:

Фуқаро С.нинг қилган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ўғриликдир.

Фуқаро С.нинг қилган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддасига кўра, ўзганинг мол-мулкини яширин равишида талон-тарож қилиш деб таърифланади.

8. Мантиқий қонунларни билиш ва улардан тўғри фойдалана олиш кўникмаси ҳосил бўлишининг юридик амалиёт учун аҳамиятини кўрсатиб беринг.

9. Ички ишлар идоралари раҳбар ходимлари нутқида ишончликнинг мантиқий асослари нималарда ифодаланади?

10. Суд нотиқлигига далиллаш назариясидан тўғри фойдаланишнинг амалий аҳамиятини мисолларда кўрсатинг.

7-мавзу. НОТИҚНИНГ НУТҚ МАДАНИЯТИ. НУТҚНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

«Нутқ маданияти» тушунчаси.

Сўз – нутқ маданиятининг ўзаги.

Нутқнинг таъсирчанлигини ошириши усуллари.

1. «Нутқ маданияти» тушунчаси

«Нутқ маданияти» тушунчаси кўпгина маъно, унсур, ҳолатларни ўз ичига олади. Боз устига, бу тушунчага ҳар бир тадқиқотчи ёки нотик ўзича ёндашади ва тушунтиради. Шу сабабли «нутқ маданияти» тушунчасини муайян ёки қатъий бир таъриф доирасида ифодалаш бирмунча қийин.

Шундай бўлса-да, нотиқлик санъати билан шуғулланувчи кўпчилик назариётчилар, таниқли нотиқлар, жумладан америкалик машхур публицист ва нотик Дейл Карнеги нутқ маданиятининг муҳим умумий хусусиятларини эътироф этадилар.

Уларнинг фикрича, нутқ маданияти – *биринчидан*, инсон умумий маданиятининг бир қисмидир, зотан маданиятсиз одамда нутқ маданияти ҳам бўлмайди; *иккинчидан*, нутқ маданияти нотиқнинг ўз билимини бошқаларга етказиш усулидир; *учинчидан*, объект ва субъект, нотик ва тингловчи ўртасидаги муносабатнинг муайян қоида ва тартиблар доирасида кечиш жараёни; *тўртинчидан*, объектнинг субъектга – нотиқнинг тингловчига етказадиган ахборотларини, маълумотларини шунчаки тўкиб ёки қалаштириб ташлаш эмас, балки уларни дилдан севинч, ҳаяжон, куюниш, ачиниш, афсусланиш каби ҳолатларда тингловчиларга етказиш жараёни.

Бинобарин, содда қилиб айтганда, нутқ маданияти мавзуни содда, тушунарли, равон тилда, шу билан бирга, муайян ҳиссий ҳолатлар воситасида тингловчиларга етказиш жараёнидир.

Бу жараёнда юқоридаги ҳолатлардан ташқари, нутқ билан бевосита боғлиқ илмий, грамматик, лексик, ҳиссий ва бошқа кўплаб қоида, тартиб ва ҳолатларга риоя этишга тўғри келади. Шуниси борки, бу қоида ва тартиблар бирин-кетин эмас, балки кўпинча ёппасига ва айни бир вақт ҳамда ҳолатнинг ичидаги намоён бўлади. Шу сабабли уларга амал қилиш ҳам айнан шу вақтнинг ўзида, бирданига содир бўлмоғи зарур.

Нутқ жараёнида фикр ва ҳиссиёт муносабати масаласи ҳам муҳим. Гап шундаки, нутқ фикр ва ҳиссиётнинг муштараклиги ёки ўзаро мослиги ҳосиласидир. Бинобарин, фикр ва ҳиссиётни бирбирига тенглаштириш нутқ маданиятида муҳим жараёнлардан ҳисобланади. Бу эса осон кечмайди. Негаки, даставвал фикр шаклланади, ҳиссиёт эса нутққа тайёрланиш жараёнида фикрга нисбатан руҳий муносабат сифатида юзага келади. Ҳиссиёт кеч бўлса-да, фикрга мос равишда, фикрни химоя этувчи, қўллаб-қувватловчи восита сифатида юзага келса, албатта яхши. Лекин бунинг тескариси ҳам бўлиши, яъни ҳиссиёт фикрга нисбатан мутлақо қарама-қарши, уни узил-кесил инкор этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда маданиятли нутқ ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу боис нутққа тайёрланиш жараёнида фикр ва ҳиссиётни ўзаро мослаштириш ҳамда шу зайлда нутқ сўзлаш нотиқнинг машаққатли меҳнатларидан ҳисобланади.

2. Сўз – нутқ маданиятининг ўзаги

Нутқ маданиятининг асосий хомашёси – сўз. Сўзниң қудрати ғоятда улкан. Лекин сўз ўз ўрнида ва мазмунида ишлатилмаса, унинг қудрати аста-секин сўнади. Демак, сўзниң қудратидан фойдаланишнинг йўли – уни ўз ўрнида, ўз мазмунида ишлатиш. Масалан, қуйидаги муқобил сўз ва сўз бирикмаларини олайлик: «қониқарли», «қониқарсиз», «мутлақо қониқарсиз», «қониқарли эмас», «қониқарли даражада», «қониқарли деса бўлади» ва ҳоказо. Бу сўз ва сўз бирикмалари ўз мазмунига кўра, тўғри ишлатилган тақдирдагина предмет ёки ҳодисанинг ҳақиқий ҳолатини ифодалайди, акс ҳолда воқелик ҳақида нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган ахборот беради.

Сўзниң бу хусусиятидан фойдаланиш нотиқлик санъати учун айниқса қўл келади. Сўзни маъносига қараб ишлатиш, мавзу мазмунига мослаб талаффуз қилиш нутқ маданиятининг муҳим талабларидан биридир.

Шунинг учун ҳам қуйидаги халқ мақоли бежиз айтилмаган: **Хар сўзниң ўз жойи бор, ҳар нуқтанинг – макони.**

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий сўзниң мазмун-моҳияти ва кучига қуйидагича юксак баҳо беради:

Маъдан инсон гавҳари сўздуур,
Гулшани одам самари сўздуур.
Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт.

Демак, сўз инсон табиатининг ифодачиси, бошқача айтганда, инсоннинг қандай одам эканлигини ўзида акс эттирувчи ёрқин мезондир. Сўз шу қадар қудратли кучга эгаки, ҳатто инсоннинг ўлимига ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Захириддин Мухаммад Бобур сўзнинг бу хусусиятини қуидагича таърифлайди:

Ҳар вақтки, кўргайсен менинг сўзимни,
Сўзимни ўқиб англайсен ўзимни.

Сўзнинг бу хусусияти, яъни сўзига қараб одамнинг қандайлигини англаб олиш халқимиз орасида, айниқса Шарқ мумтоз шеъриятида синовдан ўтган ҳақиқатлардан биридир. Шу маънода темурий маликалардан бири, Аврангзеб Оламгирнинг қизи, машхур шоира Зебунисо бегим ҳаётида содир бўлган ва манбаларда қайд этилган бир воқеа айниқса диққатга сазавордир. Зебунисонинг ғоятда афсонавий гўзаллигини орқаваротдан эшитган Эрон шаҳзодаларидан бири унга ғойибдан ошиқ бўлиб қолади. Унинг фироқида куйиб, ошиқона ғазаллар ёзади ва қуидаги енгилтак икки мисра шеърни Зебунисога йўллайди:

Туро, эй гулбадан, бепарда дидан орзу дорам,
Латофатҳойи хуснатро расидан орзу дорам.

Яъни: Эй гулбадан, сени пардасиз кўриш, хусну латофатингга етишиш орзусидаман. Бунга Зебунисо бегим қуидаги жавобни ёзади:

Булбул аз гул бигузарат гар дар чаман бинат маро,
Бутпарасти кай кунда гар барахман бинат маро.
Дар сухан пинҳон шудам монанди бў дар барги гул,
Майл дидан ҳар ки дорад, дар сухан бинат маро.

Яъни: Агар булбул мени чаманда кўрса, гул баҳридан кечади; агар брахман мени кўриб қолса – будга сажда қилмайди. Гул ўз ҳидини япроқларига яширгандай, мен ҳам сўзимда яширганман; кимдаки мени кўриш хоҳиши бўлса – мени сўзимда кўрсин.

Шарқ мумтоз адабиётидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундан мақсад сўзнинг ғоятда кучли қудратга эгалигини тан олишдир. Дин сўзнинг хусусиятини унинг илоҳий кучга, фазилатга эгалиги билан изоҳлайди. Шу сабабли оғиздан чиқадиган сўзларга эҳтиёт бўлиш, имкон қадар ижобий, эзгу сўзларни ишлатишга ундейди. Ҳозирги замон фани эса, олиб борилган кўплаб кузатувлар

натижаси ўлароқ, нутқ сўзлаётганда нотиқ (объект) ва тингловчилар (субъект) ўртасида ўзаро яқинлашишга сабаб бўлувчи илиқ муносабатлар ҳосил бўлиши ва натижада объект ва субъект бир-бирига боғланиб қолишини кўрсатмоқда. Фан ҳам айтиладиган сўзга ўта масъулият билан ёндашиш, ҳатто шаклланадиган сўз ҳақидаги фикрнинг мусаффолигига, инсоний мазмунига эътибор беришни уқтиради.

Кўриниб турибдики, сўзга қайси нуқтаи назардан ёндашмайлик, у нутқ санъатида, ҳатто оддий мулоқот жараёнида ҳам нутқнинг асосини ташкил қиласиди. Фақат бу асос нотиқ томонидан обдон ишланиши, сайқалланиши ва ўз ўрнида ишлатилиши лозим. Шунда у фақатгина ашёвий асос эмас, балки сеҳрли ва қудратли кучга айланиб, тингловчиларни ўзига ром қила олади.

3. Нутқнинг таъсирчанлигини ошириш усуллари

Нутқнинг таъсирчанлигини ошириш бевосита нотиқнинг шахсига, умумий маданиятига, нутқ маданияти элементларидан моҳирона фойдалана олишига боғлиқ. Нотиқ шахсининг фазилатлари орасида аудиторияни, яъни тингловчиларни, уларнинг кимлар эканликларини, касб-корларини, хоҳишистакларини, нималарга мойилликлари ва қизиқишлигини, ўй-фикрларини, ташвишларини илғаб олиш ва шуларга мос гап топа билиш қобилияти алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, нотиқнинг нутқдаги масала ва далилларга ўз муносабатини билдириши ҳам муҳим. Шу билан бирга, нотиқнинг ишончи комил бўлган масалалар юзасидан аниқ башоратлар қилиши ва дадил гапириши ҳам нутқнинг салоҳиятини оширади.

Хуллас, нутқ шундай жаранглаши керакки, тингловчи қалбига гўёки ноёб малҳам сифатида кириб бориши натижасида унинг нотиқни доно, кўпни кўрган, билимдон, олижаноб инсон деб тан олишдан бошқа иложи қолмаслиги лозим.

Хўш, бундай нутқقا қандай тайёрланиш керак? Нутқ маданияти назариётчилари, таниқли нотиқлар бу масалада турли усулларни тавсия этадилар. Бу – тўғри. Негаки, ҳар бир нотиқ ёки назоратчининг ўзига маъқул ва ўнғай усули бўлиши мумкингина эмас, балки эҳтимол, зарурдир. Лекин, барибир, усуллар рангбаранглигини эътироф этган ҳолда, ҳар бир нотиқ (унинг хоҳишистагидан қатъи назар) тажрибада синовдан ўтган умумий усуллардан озми-кўпми фойдаланади.

Америкалик нутқ маданияти назариётчиси ва машхур нотиқ Дейл Карнеги тажрибалари ҳам ана шундан далолат беради. Унинг фикрича, нутқ сўзлашга тайёргарлик кўриш борасида буюк рус мутафаккири Ф. М. Достоевскийнинг «Агар дунёни забт этишни истасанг, аввал ўзингни забт эт» деган ўгитига амал қилиш лозим. Нутқ сўзлашга тайёргарлик ҳам ана шу зайлда кечиши мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда нотиқнинг тайёргарлиги нимадан иборат деган ўринли савол туғилади.

Бу, албатта, китоб, газета, журналларни кўриб чиқиш, керакли маълумот ва материалларни тўплаш, хизмат юзасидан маълумотномалар билан танишиш ва ҳоказо. Лекин бу ишларнинг барчаси нутқقا тайёрланишнинг 50% ини ҳам ташкил этмайди. Материаллар билан танишиш, далилларни ўзлаштириш зарур, албатта. Бироқ асосий эътибор материал ва далилларнинг «ичига» кириш, уларни «ўзиники» қилиб олишга қаратилиши лозим. Бу жараёнда тўпланган материал бир бутун ҳолатда нотиқ онгига сингиши, унда қониқиши ёки қониқмаслик, ишонч ёки ишончсизлик ҳиссиётларини уйғотиши зарур. Тайёргарлик хафталаб бўлиши, хаёлда (хотирада) пишиши, нутқ нима билан ва қандай бошланиши, нималарни қамраб олиши ҳамда қандай тугатилиши равshan бўлмоғи даркор. Табийки, нутқ сўзлашга бундай пухта тайёргарлик кўриш нутқ муваффақиятининг кафолатларидан биридир.

Энди нутқни нимадан ва қандай бошлаш масаласига тўхталсак. Тажрибали нотиқларнинг кўпчилиги нутқни қуидагилар билан бошлашни тавсия этмайдилар:

- а) масаланинг тарихи;
- б) ноўрин ҳазил-мутойиба;
- в) мавзу бўйича мутахассис эмаслиги ёки яхши тайёргарлик кўриш учун вакт етишмаганлигини сабаб қилиб кечирим сўраш ва ҳ.к.

Масалани тарихдан бошламаслик умуман тарих ҳақида гапирмаслик дегани эмас. Аксинча, гапириш мумкин, лекин нутқ давомида жойини топиб, имкон қадар қисқароқ гапириш керак. Нутқ бошланишидаёқ тарихга урғу берилса, тингловчининг муаммога қизиқиши сусайиши мумкин. Нутқ бошланишида аудиторияга ёқмайдиган, айниқса қўпол ҳазиллар қилиш тингловчининг ҳафсаласини пир қилиши мумкин. Нутқ бошидаёқ кечирим сўраш эса тингловчилар наздида нотиқ салоҳиятини дафъатан пасайтириб юборади.

Юқоридагиларнинг акси сифатида кўп нотиқлар нутқни қўйидаги тартибда бошлашни хуш кўрадилар:

- а) муаммога доир қизиқарли воқеани айтиб бериш;
- б)муаммога доир расмлар, чизмалар, кўргазмали қуроллар намойиш қилиш;
- в) мавзуга тааллуқли бирор предмет ёки нарсадан фойдаланиш;
- г) донишмандлар фикрларидан иқтибослар келтириш (албатта, мавзуга доир);
- д)тингловчиларнинг ҳаётий қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда кириш сўзи айтиш ва ҳ.к.

Энди нутқни қандай тугатиш масаласига тўхталсак. Кўпчилик нотиқлар нутқни «ана шуларни айтмоқчи эдим» ёки «сўзимни тутатяпман» деган эслатмалар билан тугатишни хуш қўрмайдилар. Уларнинг наздида, гарчи нутқ мазмунан яхши бўлса-да, юқоридаги каби эслатмалар нутқнинг қийматини пасайтиради, нотиқнинг эса айrim камчиликларини ошкор қилиб қўяди.

Машҳур нотиқлар нутқнинг сўнгги жумлалари устида олдиндан бош қотирганлар ва кўпинча, ўз нутқларини қўйидаги усулларни қўллаб якунлайдилар:

- а) тингловчиларни ҳаракатга чорловчи илиқ сўзлар айтиш;
- б) тингловчиларни олқишилаш;
- в)тингловчиларга қизиқарли сўзлар, воқеаларни айтиб бериш орқали уларни кулдириш;
- г) шеърий мисралар ўқиб бериш;
- д)нутқни энг юқори нуқтага (кульминацияга) чиқариб тўхтатиш ва ҳ.к.

Нотиқ нутқ матнини (агар матн тайёрланган бўлса) ўқиб беришдан кўра, ўз фикрини сухбат шаклида баён этса, унинг таъсирчанлиги янада ошади. Нутқнинг бир маромда бўлиши, шу билан бирга, тингловчилар сонининг кам-кўплигига қараб нотиқнинг овози паст ёки баланд жаранглаши лозим. Нутқда ишлатиладиган сўзлар имкон қадар барча тингловчиларга тушунарли бўлиши, шунингдек соҳага тааллуқли бўлмаган сўзлар, талаффузи қийин атамалар, иборалар ишлатиласлиги керак. Бундан ташқари, нотиқ талаффузи мусаффо бўлиб, ҳар бир сўз ўз мазмунида келиши керак. Ланж сўзлар, чала-ярим талаффузлар нутқ маданияти учун ёт унсурлардир.

Нутқ сўзлаётганда нотиқ ўзини эркин ҳис этиши лозим. Уялиш, ийманиш, ётсираш, тортиниш каби ҳолатлар нотиқ фаолиятига хос

бўлмаган ҳолатлардир. Шу билан бирга, нутқ давомида ортиқча ҳаракатлар, имо-ишоралардан сақланиш керак. Акс ҳолда тингловчининг эътибори нутқ мазмунига эмас, балки кўпроқ нотиқнинг хатти-ҳаракатига оғиб кетиши мумкин. Нотиқнинг кийими ҳам ораста бўлмоғи лозим. Кийим янги бўлиши шарт эмас, лекин тоза, бежирим, дазмолланган ва нотиқ жуссасига қуйиб қўйгандай ярашиғлик бўлгани яхши. Кийим-кечак бир-бирига уйғун бўлишига ҳам эътибор бериш керак. Чунки ҳар хил тусдаги устбошлар тингловчи эътиборини чалғитиши мумкин.

Нутқ маданиятида «Ким, нима ҳақда, қандай гапирияпти?» каби саволларга тўғри жавоб топиш ва унга амал қилишга катта аҳамият берилади.

Кўпчилик машҳур нотиқлар «Қандай гапирияпти?» саволига бериладиган жавобни нутқ маданиятининг асосий мезонларидан бири деб ҳисоблайдилар. Бундай муносабат мантиқан тўғри. Негаки, айтиладиган фикр, етказилаётган ахборот ва маълумотлар қанчалик мароқли ва бадиият билан сайқаллашган бўлса, нутқнинг таъсир кучи шунчалик ошади. Албатта, бу ўринда гап асосан мароқли гапириш устида эмас, балки мавзу мазмунини тингловчига мароқли, бадиий эҳтирос билан етказиш устида боряпти. Бу эса нутқ маданиятининг муҳим қадриятларидан бири саналади.

Қайд этиш жоизки, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи халқлар маънавиятида қироат билан маъруза ёки сўз айтишга катта эътибор берилиб, бу жараёнга санъат деб қаралган. Буни «Қуръон» оятларини ифодали ва мароқли ўқишида, мушоира баҳслашувларида, гурунгларда, шунингдек, Марказий Осиё воизлик-нотиқлик санъатида яққол кўришимиз мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ички ишлар идоралари ходимлари, айниқса раҳбар кадрлар фаолиятида нутқ маданиятининг асосий қоидаларига риоя қилиш зарурий талаблардан биридир. Негаки, улар ўз вазифасига қўра, *биринчидан*, ички ишлар тизимида факат раҳбар эмас, балки тарбиячи ҳамдир; *иккинчидан*, ички ишлар идоралари ходимларининг асосий фаолияти жамоатчилик орасида ишлаш билан боғлиқ. Шу сабабли бўлинмалар йигинларида, маҳаллалар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув ҳамда бошқа хилма-хил тадбирларда фикр билдириш ва нутқ сўзлашга, демакки, унинг қоида ва тартибларига риоя этишга тўғри келади. Акс ҳолда, нутқ узуқ-юлук бўлиб, тингловчилар эътиборини қозона олмаслиги

мумкин. Бундай ҳол эса хавфсизлик ва тартибот, хусусан раҳбар кадр учун ўта номуносиб ҳолат ҳисобланади.

Айтиш жоизки, ички ишлар идоралари ходимлари, жумладан, раҳбар кадрлар хизмат фаолиятининг тезкор хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, нутқ маданиятининг барча қоидаларига баъзан риоя эта олмасликлари табиий ҳол. Лекин, шундай бўлса-да фикрнинг аниқлиги, сўзларнинг ўз мазмунига кўра ишлатилиши, товушнинг тиниқлиги каби муҳим талабларга эътибор бериш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ички ишлар тизими раҳбар ходимининг кайфияти қандай бўлишидан қатъи назар, унинг нутқи равон, жарангдор, янги-янги муваффақиятларга йўлловчи чақириқлар сифатида янграши зарур. Бундай талабнинг моҳияти фақат эҳтирос нуқтаи назардан бўлмасдан, балки тизим хизмати маънавиятнинг муҳим бир элементи эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. «Нутқ – фикр ва ҳиссиётнинг намоён бўлиш шакли» деган иборани қандай изоҳлайсиз?
2. Нутқ маданиятининг шаклланишида грамматика қоидаларининг аҳамияти нимада?
3. Грамматика қонун-қоидаларига риоя қилиш нутқ маданиятининг асосий талаби эканлигини исботлаб беринг.
4. Нотиқ маданиятининг моҳияти ва таркиби нимадан иборат?
5. Нотиқнинг нуфузини белгиловчи омилларни кўрсатинг.
6. Ички ишлар идоралари раҳбар ходимларининг нутқ маданиятига хос хусусиятлар нималарда намоён бўлади?
7. Сўз – нутқ маданияти шаклланишининг асоси эканлиги нимада кўринади?
8. Нутқ таъсирчанлигини оширишнинг қандай усулларини биласиз?
9. Ички ишлар идоралари ходимлари нутқ маданиятига хос хусусиятлар нимада?
10. Педагогик маданият ва педагогик маҳорат ҳамда уларнинг ички ишлар идоралари раҳбар ходимлари нутқ маданияти шаклланишидаги ўрнига изоҳ беринг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2011.

Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т., 1996.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2.–Т., 1996.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3.– Т .,1996.

Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. – Т., 1999.

Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т., 2000.

Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т. 14 .– Т ., 2006.

Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат-ул қулуб. – Т., 2004.

Бахтиёр Омон. Сиёсий етакчининг нотиқлик маҳорати. –Т., 2000.

Бекмирзаев Норқул. Нотиқлик асослари: Ўқув қўлланма –Т., 2006.

Иномхўжаев С. Ўтмиш Шарқ нотиқлиги. – Т., 1972.

Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати сирлари.–Т.,1986.

Иброҳимов С. Нутқ маданияти ва адабий талаффуз ҳақида. – Т., 1972.

Мавлянов А. А. Мантиқ: Маъruzалар курси. – Т., 2006.

Михайловская Н. Г., Одинцов В. В. Искусство судебного оратора.– М.,1981.

Михневич А. Е. Ораторское искусство лектора. – М.,1984.

Ножин Е. А. Мастерство устного выступления. – М., 1989.

Абдурахмон Ортиқов, Абдуғаффор Ортиқов. Олий мактаб педагогининг нутқ маданияти. – Т., 2001.

Абдурахмон Ортиқов, Абдуғаффор Ортиқов. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати: Ўқув-методик қўлланма. – Т., 2002.

Сайдов А. Х., Саркисянц Г. П. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. – Т., 1994.

Сергич П. Искусство речи на суде. – М., 1988.

Смолярчук В. И. Гиганты и чародеи слова. – М., 1981.

Усмонов С. Юристнинг нутқ маданияти. – Т., 2007.

Этикет и такт сотрудника милиции. Культура речи. – М., 1977.

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ3

**1-мавзу. НОТИҚЛИК САНЬАТИНИНГ ПРЕДМЕТИ, НОРМАЛАРИ
ВА УСУЛЛАРИ**

1. Нотиқлик санъати фани ва унинг предмети.....	5
2. Нотиқлик санъати ва унинг хусусиятлари.....	10
3. Нотиқлик санъати назарияси ва амалиётининг ички ишлар идоралари раҳбар кадрлари фаолиятидаги аҳамияти.....	16

2-мавзу. ЕВРОПАДА НОТИҚЛИК САНЬАТИ ТАРИХИ

1. Европада нотиқлик санъатининг пайдо бўлиши, унинг тарихий- маданий шарт-шароитлари.....	18
2. Антик давр нотиқлари.....	21

**3-мавзу. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА НОТИҚЛИК
(ВОИЗЛИК) САНЬАТИ**

1. Марказий Осиёда воизлик санъати пайдо бўлишининг ilk шакллари.....	28
2. Марказий Осиёда ўрта асрлар воизлик санъати ривожланиши ва уни ўрганишнинг ички ишлар идоралари ходимлари фаолияти учун аҳамияти.....	34

**4-мавзу. НОТИҚЛИКНИНГ ТУРЛАРИ, ТАРКИБИ
ВА ТАЛАБЛАРИ**

1. Нотиқликнинг турлари ва таркиби.....	44
2. Нотиқликнинг талаблари.....	50

**5-мавзу. НОТИҚЛИКДА БИЛИШ ЖАРАЁНИ ҲАМДА
ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ**

1. Нотиқликда мазмунлилик ва маълумотланганлик.....	54
2. Нотиқликда ҳиссий ва ақлий жиҳатларнинг диалектика бирлиги.....	57

6-мавзу. НУТҚНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСЛАРИ

1. Тафаккур шакллари ва уларни билишнинг нотиқлик учун аҳамияти.....	66
2. Тафаккур қонунлари нутқда изчиллик ва мантиқийликнинг ифодаси сифатида.....	75
3. Исботлаш – нотиқликда ишончлиликнинг мантиқий асоси.....	80

7-мавзу. НОТИҚНИНГ НУТҚ МАДАНИЯТИ. НУТҚНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

1. «Нутқ маданияти» тушунчаси.....	87
2. Сўз – нутқ маданиятининг ўзаги.....	88
3. Нутқнинг таъсирчанлигини ошириш усуллари.....	90
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	95

ГОЙИБОВ Наим Ёвкочевич,
фалсафа фанлари доктори, профессор;

ЮСУБОВ Давлет Абдушарипович,
фалсафа фанлари номзоди, доцент;

МАВЛЯНОВ Абдурахим Абдувахидович,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

НОТИҚЛИК САНЪАТИ

Маъruzalap курси

Муҳаррир Б. Қ. Эргашев
Техник муҳаррир Д.Ҳ. Ҳамидуллаев

Босишга рухсат этилди 10.04.2012. Нашриёт ҳисоб табағи 6,0.
Адади 50 нусха. Буюртма № . Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.